

УБАЙДУЛЛА УВАТОВ

МУСЛИМ ИБН АЛ-ҲАЖЖОЖ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ 1995

КИРИШ

Бундан тўрт йил муқаддам жонажон Ўзбекистонимизда қарор топа бошлаган, ижтимоий адолат, айниқса, мустақиллигимиз шарофати туфайли тарихимиз, маънавий қадриятларимиз, бой ва кўҳна маданий меросимизга муносабат кескин ўзгариб, узоқ мозийда яшаб, ўлмас асарлар яратиб кетган буюк алломаларнинг ижодидан кенг халқ оммасини баҳраманд қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мустақил Ўзбекистонимизда муборак динимизга бўлган муносабатнинг батамом ўзгарганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Азалдан умуминсоний қадриятлар, маданият ва маърифатнинг мустаҳкам пойдевори саналган диний илмлар мажмуасига эътибор кучайди, Қуръони Карим ўзбек тилида нашр этилди, жаноб пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак ҳадислари кенг кўламда ўрганилиб, ижтимоий ва маданий ҳаётимизга тобора сингиб бормоқда, дини ислом равнақи йўлида оламшумул аҳамиятга эга бўлган асарлар яратиб кетган Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк зотларнинг меросини ўрганиш борасида ибратли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Куни кеча тасаввуф илмининг йирик намояндаларидан бири, нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг таваллудига 675 йил тўлишининг кенг кўламда нишонланиши, Бухорои шарифда — алломанинг юртида мавжуд меъморий мажмуанинг қайтадан таъмирланиб, зиёратгоҳга айлантирилиши бу фикримизга ёрқин далилдир. Шунга қарамай, бой ва кўҳна тарихимиз, нафис маданиятимиз ва турфа хил қадриятларимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшган кўпдан-кўп буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодлари ҳали-ҳануз халқимизга, кенг жамоатчиликка етиб бормаган, уларни ҳар томонлама ўрганиб, халқ оммасига етказиш олимларимиз зиммасига катта масъулият юклайди.

Маълумки, пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларини тўплаш, уларни тартибга солиб, қимматли асарлар яратишда Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳиссалари бениҳоя катта бўлган. Чунончи, ҳадис илмида бу заминнинг фарзандлари—олтита машҳур муҳаддис яратиб кетган асарлар (бу асарлар ислом дунёсида «Кутуби ситта» («Олти китоб») ёки «Сихаҳ ситта» («Олти саҳиҳ китоб» номи билан аталади) шоҳ асарлар ҳисобланади.

Буюк ватандошимиз, аллома Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилддан нборат «Саҳиҳ ал-Бухорий» асари («ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» деб ҳам юритилади) бутун мусулмон оламида ҳақли равишда Қуръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба саналади.

УБАЙДУЛЛА УВАТОВ
филология фанлари номзоди

ҲАДИС ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Пайғамбар алайҳиссалом кўрсатиб кетган йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар, у зоти шарифга мансуб панду насиҳатлар, яъни ҳадислар мусулмон оламида ҳар қандай давр, ҳар қандай жамият учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Улар шариат аҳкомлари асосини ташкил қилишда Қуръони Каримдан кейин турадиган манбалардир. Ғоят қисқа муддатда нозил билган Қуръони Карим оятлари баъзи ҳолларда умумлаштирилган, мураккаб ҳолда келтирилганидан пайғамбаримиз ҳадислари ушбу мураккаб ояти шарифларни кенгроқ талқин этади, уларда келтирилган воқеа ва ҳодисаларни муфассал шарҳлайди.

Пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари у зоти шариф яшаган давр учун ҳақиқий бир кўзгу вазифасини ҳам ўтайди. Чунки улар сарвари оламнинг ҳаётлари, ҳусни ахлоқлари, намунавий жамият қуриш учун кўрсатган саъй-ҳаракатлари, адолату хайри баракотга асосланган жаҳдларини ўз ичига олади. Мана шуларга биноан илм аҳллари олдин ўтган ҳеч бир пайғамбар ва улуғ зотга кўрса-тилмаган эътибор ва эъзоз билан ушбу ҳадисларни тўплашга киришдилар. Ҳадис илми билан шуғулланиш энг азиз ва мўътабар машғулоти ҳисобланган. Уларни тўплаш учун олимлар бутун ақл-заковатлари, қалб қўрларини бахшида этганлар. Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, ҳадисларни тўплаш ниҳоятда машаққатли меҳнат бўлиб, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юришга, битта ҳадисни ўз ровийсидан эшитиш учун қанчадан-қанча масофаларни босишга, чўлу биёбонлардан ўтишга тўғри келган. Уша даврларда ҳадисларни тўплаш, уларни жамлаш илм аҳли (толиблари) учун энг асосий ва севимли машғулоти бўлган. На машаққат ва на қийинчиликлар илм толибининг ҳадис тўплашдан тўхтата олган. Бу илмга улар жонларини бағишлаганлар. Ҳар қандай меҳнату қийинчиликка бардош берганлар, ҳатто бор мол-мулкларини ҳам аямаганлар. Манбаларда ҳадис тўпловчилардан бири ҳатто ўз уйига ишлатадиган ёғочини ҳам сотиб юборгани ва бундан хафа "бўлиш ўрнига, аксинча, қувонгани ҳақида хабар келтирилган. (Жомиъ баён ул-илми ва фазлиҳи, 1-жилд, 97-бет.)

Пайғамбаримиз ҳадисларини асл ҳолида тўплашдек ўта шарафли ва айни вақтда масъулиятли вазифани ғоятда ҳалоллик ва фидойилик билан адо этиб кетган буюк алломаларнинг машаққатли меҳнатига ҳар қанча таҳсин айтса оздир. Чунки ҳар қандай нуқсон, хато ва, энг муҳими, сохталикдан холи равишда бизгача етиб келган ҳадиси шарифлар Шарқ тафаккури ва маданияти ҳамда маънавий меросининг улкан бойлигидир. Шу билан бир қаторда, пайғамбаримиз ҳадисларини ўрганиш ва тўплаш мустақил илм сифатида ўз ривожланиш жараёнига эга. Бу жараёнда у бир қанча босқичларни босиб ўтди. Энг аввало, мана шу тарихий жараён хусусида айрим мулоҳазаларимизни билдириш мақсадга мувофиқ бўлур деб ўйлаймиз.

Ҳадислар билан шуғулланиш, асосан ҳижрий йил ҳисобининг биринчи асрида бошланган бўлса-да, у фақат учинчи асрга келиб ўз чўққисига кўтарилганини кўраемиз.

Энг аввало «ҳадис» ибораси ҳақида икки оғиз сўз. Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзларини аъмоллари, у зоти шарифнинг кўрсатган йўл-йўриқлари ва қилган панду-насиҳатлари, ҳатто уйқуларидан ва бедорликларидан хатти-ҳаракатлари — булар ҳаммаси ҳадис деб юритилади. (Ар-Рисолат ул-мустатрафа, 3-бет. 6)

Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан кейин саҳобаларнинг Расулуллоҳ ҳақида айтган қавллар ва ахборотлари ҳам ҳадислар таркибига киради. Амалда ҳадиснинг муродифи (синоними) сифатида «сунна» ибораси ҳам ишлатилади.

Ҳадисларни хатга тушириб, қайд қилиб бориш Расулуллоҳнинг ҳаётлик пайтларида одат тусини олмаган, чунки саҳобалар ўша даврда пешма-пеш нозил бўлаётган Қуръони Каримни идрок қилиб, ёдлаш билан батамом банд бўлганлар. Шу билан бирга, баъзи уламолар Расулуллоҳнинг ўзлари ҳадисларни ёзма равишда қайд этишларига руҳсат қилмаганлар, деб кўрсатадилар, бошқа бир гуруҳ уламолар эса унинг аксини ёзадилар. Муслим ибн ал-Ҳажжож ўзининг «Саҳиҳ» асарида Абу Саъид ал-Ҳадрийга таяниб, биринчи гуруҳ уламолар фикрини

тасдиқловчи ушбу ҳадисни ривоят қилади: «Мендан эшптганларингни ёзманглар, кимда-ким мендан, Қуръондан бошқа нарса ёзган бўлса, унн ўчириб ташласин, бироқ менинг ҳақимда қанча бўлса ҳам ҳадис келтираверипглар, бунинг айби йўқ. кимда-ким қасддан менинг ҳақимда бўхтон (нотўғри) гапирса, албатта, унинг ўтирадиган жойи оловдан бўлади».

Иккинчи гуруҳнинг фикрини тасдиқловчи маълумотлар Имом ал-Бухорий ривоятларида мавжуддир. Узоқ вақтлар уламолар бир-бирларига тескари маънодаги бу ҳадисларни ҳар хил талқин қилишиб, уларни мувофиқлаштиришга ҳам уриниб кўрганлар, турли тахмин ва мулоҳазалар билдиргаилар.

Пайғамбар алайҳиссалом ҳаётлик даврларида ҳадисларни ёзма равишда қасд қилмасликнинг (атиғи битта ҳадисда бу ҳақда гап юритилади) асосий сабабларидан бири, Қуръони Карим оятлари билан ҳадисларни аралаштириб, чалкаштириб юбормаслик бўлган. Айни вақтда. баъзи манбаларда пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларни ёзишни хотираси заиф бўлганларга рухсат қилганлиги ҳам зикр қилинади. Ҳадисларни қайд қилиб, ёзиб бориш тўғрисида бир нечта ҳадис мавжуддир: тарихий манбаларда Расулуллоҳ давридаёқ ҳадис ёзиш мавжуд бўлганлиги, бу хусусда у зотнинг рухсатлари борлиги ҳақида қатор ҳужжату далшар келтирилади. Улардан намуналар:

1. Пайғамбарнинг илми китобат (ёзув) билан қайд қилинганлар, (Жомиъ баён ул-илм, 1-жилд, 71-бет) деган (Ибн Абду ул-Бирр ривоят қилган) ҳадислари бор.

2. Пайғамбар алайҳиссалом Яман ҳокими Амру ибн Хизам ва бошқаларга садақалар, бадаллик қонун-қоидалар ва суннатлар ҳақида мактублар жўнатганлар.

3. Кўпинча пайғамбар алайҳиссалом Арабистон яриморалининг турли томонларидаги ҳокимларига ўз амр-фармонларини ёзма равишда юборардилар. Шунингдек, ушбу ҳокимлар ҳам Муҳаммад пайғамбарга хат йўллаб ҳар хил ҳодисалар билан боғлиқ муаммолар ҳақида йўл-йўриқ сўраганларида пайғамбар ҳам ёзма жавоб қайтаргандилар.

4. Абдуллоҳ бин Амру бин ал-Ос: «Э Расулуллоҳ, (Сиздан) эшитган нарсамнинг ҳаммасини ёзаверайми?»—деганида, пайғамбар: «Ҳа»,—деган эканлар. Мен: «Розилик ҳолатларида ҳам, норозилик ҳолатларида ҳамми?» дедим. У киши: «Ҳа, чунки мен ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат ҳақиқатни гапираман», —дедилар. (Жомиъ баён ул-илм, 1-жилд, 71-бет)

Пайғамбарнинг рухсатлари билан у зоти шарифнинг сўзларини ёзиб, қайд қилиб борилганлиги хусусида яна талай далиллар келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда, бу мулоҳазалар жузъий тусда бўлиб, Қуръони Қарим оятлари қайд қилиб борилгани сингари ягона тизимга эга эмас эди. Бунинг сабабларидан бири пайғамбарнинг барча сўзу қавлларини ёзиб бориш мушкул иш бўлган бўлса, иккинчидан халқнинг аксар қисми ўқиш-ёзишни билмасди, саводсиз эди. Расулуллоҳ доимо саҳобалар орасида бўлганлигидан, кўпинча. улар ўзларининг қувваи ҳофизаларию ёдлаш қобилиятларига ишонишган. шу боисдан ҳам ҳадисларни ёзишга унчалик жидду жаҳд кўрсатмагаилар.

Саҳобалар, айниқса, хулафои рошидийн (чорёрлар) давридан бошлаб эса, ҳадисларни ёзма қанд қилишга эҳтиёж кўпроқ сезила бошлади. Бинобарин, бу пайтда китобат ишлари ҳам ривожланди. (Турли ёзишмалар, мактубу рисоалар мавжудлигн ҳақида аниқ маълумотлар бор). Айниқса, ҳадисларнинг ёзилиши ҳақида аниқ маълумотлар кўплаб келтирилади. Бу даврда ҳадисларни тўплаб, тартиб бериб, алоҳида китоб шаклида чоп этилгани ҳам маълум. Жумладан, 101 ҳижрий йилда вафот этган Ҳимом пбн Мунаббихнинг ўз устози Абу Ҳурайрадан эшитган ва кейинги авлодлар уларга таяниб ёдлаган панғамбар алайҳиссалом ҳадислари ёзма тарздаги энг қадимий асар (у «Саҳийфа» деб аталади») ҳисобланади. Ибн Ҳинбал ўзининг «Муснад» номли асарига ушбу китобни тўлалигича киритган. Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож ҳам ўзларининг «Саҳих» номли асарларининг турли бобларига ушбу «Саҳийфа»дан кўп ҳадисларни киритганлар. «Саҳийфа» 138 ҳадисдан иборат. Таниқли олим Муҳаммад Ҳамидуллоҳ 1372 ҳижрий йили Берлин ва Дамашқ *(ушбу нусха энг қадимгиси ҳисобланиб, ҳижрий олтинчи асрда кўчирилган) қўлёзмаларига таянган ҳолда ушбу асарни

иккинчи марта нашр эттирди.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, исломнинг дастлабки даврида ҳадисларни ёзма қайд қилиш жуда кам даражада, муайян шахслар томонидан амалга оширилган бўлиб, аксар омма эса оғзаки ривоятлар ва қувваи хотираларига таянганлар. Аммо ҳижрийнинг иккинчи асрдан бошлаб омма орасида пайғамбар алайҳиссалом қолдирган бебаҳо бойлик—у зоти шарифнинг ҳадисларини билишга қизиқиш кучайганлигини кўрамыз.

Бу борада, айниқса, халифа Умар ибн Абдулазизнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқ зарур. Чунончи, у ҳижозлик олим Ибн Шиҳоб аз-Заҳрий ал-Мадинийга (124 ҳижрий йили вафот этган) хат йўллаб, Расулulloҳнинг ҳадисларини ёзма равишда йиғишни буюргандан кейин, олим уларни бир китобтариқасида жамлади. Бу асар расмий раеишдаги биринчи, китоб эди. Бу ҳақда Ибн Шиҳобнинг ўзи: «Бу илм (ҳадислар) ни менинг тадвинимдан олдин ҳеч ким ёзма ҳолда йиғмаган» (Ар-рисола ал-мустатрафа, 4-бет.) дейди. «Жомиъ баён ул-илм» (биринчи жилд, 76-бет) асарида келтирилишича, Халифа Умар ибн Абдулазиз ибн Шиҳоб тўплаб ёзган ҳадислардан бир дафтар кўчиртириб, курраи заминнинг турли томонларига жўнатган. Шунингдек, Мадинаи мунаввара ҳокими ва қозиси, тобеинлардан бўлган Абу Бакр ибн Хазм ал-Ансорийга хат йўллаб, Мадинаи мунавварадаги тобеину ансорийлардан пайғамбар ҳадисларини ёзиб олишни, айниқса Умар бинт Абдурраҳмон ал-Ансория, ал-Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ас-Сиддикдан (ҳар иккаласи Ойша онамизнинг шогирдлари бўлиб, у айтган ҳадисларни энг кўп билишардн) ҳадислар ёзиб олишни буюрди. Бироқ Абу Бакр тўплаган ҳадисларини жўнатишга улгурмади, халифа Умар вафот этди. (Ар-рисола ал-мустатрафа, 4-бет; Мифтах ус-сунна, 20-бет)

Шунингдек, халифа Умар ислом дунёсининг марказий шаҳарлари, бошқа ўлкалардаги ўз ҳокимларига (волийларига) мактуб йўллаб, пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини алоҳида эътибор билан тўплашни амр қилди. Халифалик Ҳишом ибн Абдулмаликка етганда «у иккита котиб тайинладики, улар ал-Заҳрийдан бошлаб ёзишга киришдилар, унга таяниб иншо этишни бир тартиб (одат) сифатида ўрнатди». Ушбу фикр Абу Жаъфар ал-Мансурнинг ҳам эсига келгандир, лекин бу ҳақда ҳеч бир асар қолмаган». (Фажр ул-Ислом, 1-жилд, 265-бет)

Кейинроқ ҳижрий иккинчи асрнинг ўрталаридан бошлаб ҳадисларни ёзма равишда тадвин этиш расм бўла бошлади, хусусан, ҳадисларни тасниф этишда баъзи уламолар сайъ-ҳаракатлар кўрсатдилар. Шулар жумласидан маккалик Ибн Журийж. Мадинадан Ибн Исҳоқ ва Молик. Басрадан ар-Рабийъ бин Субайх, Саййид ибн Али Уруба, Ҳамад ибн Салма, Куфадан Суфён ас-Саврий, Шомдан ал-Авзаъий. Воситлик Хуптайм, Яманлик Муаммар ибн Рошид, Райдан Жарийр ибн Абдулҳамид, Хуросондан Абдуллоҳ ибн ал-Муборакни кўрсатиш мумкин. Энг диққатга сазовори шундаки, ушбу уламоларнинг ҳаммаси бир асрда яшаганлар. (Муқаддимат Фатҳ уд-борий, 4-бет; Ат-Тадриб, 24—25-бетлар)

Ҳижрий иккинчи асрда яратилган ҳадис тўпламлари ичида Молйй ибн Анаснинг «Муватта» номли китоби энг муҳим асар ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, ушбу вақтдан бошлаб ҳадисларга бағишланган тўпламларда маълум даражада фикҳ масалаларига ҳам эътибор қаратила бошланди. Бу масалани юқорида зикр қилинган уламолар ва бошқа яна кўп муаллифларнинг асарларида ҳам кўришимиз мумкин. Айни вақтда шуни таъкидлаш керакки, ҳадисларни тадвин этиш иккинчи асрдан бошлаб ҳудудий жиҳатдан кенгая бориб, турли шаҳарлар ва мамлакатларга ҳам ёйила бошлади. Бошқача ибора билан айтганимизда, пайғамбаримиз ва саҳобалар давридан кейин вақт ўтгани сари ҳадисларга эътибор орта борди. Ҳадисларга бағишланган алоҳида асарлар кўпайди, уларда фикҳга доир маълумотлар пайдо бўла бошлади. Шу пайтда жамиятда шарият аҳкомлари ва мазмун-моҳиятга бой ҳикматларга кучли эҳтиёж сезилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ушбу даврда кузатилган ҳолатлардан яна бири—ҳадис билан шуғулланган баъзи олимлар ўзлари эришганларини (ҳадисларини) чуқур ўрганиб, аниқлаб, текширмасдан тадвин қила бошла-иларки, натижада саҳиҳ (тўғри, ишончли, ҳаққоний) ҳадислар билан бирга ноқис,

нотўғри ҳадислар ҳам хатга туша бошлади. Шунга қарамай ўша даврдаги уламоларнинг ҳадис йиғишда кўрсатган жидду жаҳдлари таҳсинга лойиқдур. Чунки ҳадис илмига қизиқиш ва чинакам амалий ишга киришиш шу асрда бошланган бўлиб, жузъий камчиликларга қарамасдан, уларнинг беқиёс хизматлари туфайли катта маънавий мерос—пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак ҳадислари асл ҳолда сақланиб қолди.

Ҳижрий учинчи аср ҳадисшуносликда олтин давр ҳисобланади. Бу асрда ҳадислар, айтиш мумкинки, илмий асосда тўпланиб, тадвин қилиниб, муайян қонун-қоидаларга таянган ҳолда тартибга туширилди. Мана шу ҳижрий учинчи асрда ҳадис илми мустақил илм сифатида фикҳ илми (масалалари)дан ажралиб чиқди. Ўз навбатида ҳадис илмидан бир қанча бошқа илмлар ҳам ажралиб, бўлиниб кетди. Ҳадисшунослик шу асрда мустаҳкам асосга эга бўлган қудратли илм сифатида қарор топди десак муболаға бўлмайди.

Ҳадислар оммавий равишда ҳаётий эҳтиёжга айлана бошлади, жадаллик билан ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатларига кира бошлади, ҳадисларга таяниб иш тутиш одатга айланди. Бу давр ўз навбатида бир қатор муаммоларни ҳам юзага келтирди. Улардан энг асосийси—ҳадисларнинг тўғри ёки ноқислиги, уларнинг ровийси-ю иснодига эътибор бермасдан ҳаётга татбиқ қилиш кенг тус олди.

Мана шундай шароитда бир гуруҳ ҳақгўй уламолар ҳадисларни бузмасдан, асл ҳолида ишлатиш борасида турли-туман таклифлару тавсиялар билан чиқдилар, ҳар хил услублар ва тартиботларни излай бошладилар. Езув қуроллари кўпайди, китобат учун шарт-шароит яхшиланди, шу аснода араблар ва муслмонлар бошқа элатлару миллатлар билан алоқа ўрнатиб, маърифий тажриба орттиргач, ҳадислар бўйича махсус китоблар яратиш анча енгиллашди. Олдинги асрлардаги чалкашликлар пайғамбар ҳадисларини саҳобалар қавллари ёки тобейнлар чиқарган фатволар билан аралаштириб юбориш ҳолларига чек қўйилди, фақат пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларини ўз ичига олган алоҳида китоблар таълиф этишга киришилди. Ҳадислар бўйича таълиф этилган асарларни чуқур ўрганиб тадқиқ қилсак, бу жараёнда асосан тўрт қоидага амал қилинганлигини кўраимиз.

1. Муснадларига таяниб таълиф этиш.

Бу усул шундан иборатки, пайғамбар ҳақида саҳобалар айтган ҳадислар у тўғри ёки нотўғри бўлиши мавзусидан қатъи назар алоҳида тўпланиб, алоҳида китоб шаклида таълиф этилади. Масалан, бир ҳадиснинг муснади сифатида аввал Абу Бакрга таяниб ривоят қилинади, ундан кейин бирин-кетин саҳобалар зикр қилинади. Мана шу тартибда мустақил китоб таълиф этилади; бу борада бошқа усуллар қўлланилган ҳоллар ҳам учрайди.

Ҳижрий учинчи асрнинг бошларида Убайдуллоҳ ибн Мусо ал-Абасий ал-Куфий, Мусаддад ибн Мусарҳад ал-Басрий каби олимлар шу заминда асарлар тасниф этган бўлсалар, кейинчалик уларга эргашиб Аҳмад ибн Ҳанбал, Исҳоқ ибн Роҳвайҳ ва бошқалар асар яратдилар. Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг ёзишича, Муслим ибн ал-Ҳажжож саҳобаларга таяниб катта бир муснад яратган бўлса-да, афсуски, уни охиригача етказа олмаган.

2. Бобларга бўлиб таълиф этиш.

Бу усул бўйича ҳадислар мавзуларига қараб бобларга бўлинган ва тарзда тартиб берилган. Масалан, келтириляётган ҳадис намозга оид бўлса «Ас-салот» бобида, агар закотга доир бўлса «Аз-закот» бобида зикр қилинган. Бу усулда дастлаб ҳижрий иккинчи асрда Молик ибн Анас ўзининг «ал-Муватта» номли машҳур асарини яратган. Ҳижрий учинчи асрда яшаган Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим ибн ал-Ҳажжожлар ҳам ўз асарларини шу услубда тасниф этганлар. Уларга эргашган қатор олимлар ҳам шу услубда асарлар яратганлар. Айни замонда ҳадислар ҳақида бошқа услубда асар яратган олимлар ҳам машҳур бўлганлар. Булар сирасига муҳаддислар Абу Довуд, ат-Термизий, ан-Насоий ва Ибн Можжалар ҳам киради.

3. Мазкур икки услуб бирлашган ҳоллар.

Ушбу тариқатнинг соҳиби Бакий ибн Махлад ал-Қуртобий (вафоти 272 йил) бўлиб, у «ал-Муснад ал-кабир» номли асарида аввал саҳобаларнинг исмларига тартиб бериб, сўнгра фикҳ

бобларига бўлган ҳолда муснад тасниф этди

4. Нуқсонлар (иллатлилар)га таяниб тасниф этиш.

Бу энг олий даражали услуб ҳисобланадики, унда ҳар бир ҳадисни тўплаш жараёнидаги йўл-йўриқлари ва ровийларга нисбатан ихтилофлар ҳам кўрсатилган бўлади. Чунончи, ҳадислардаги нуқсонларни аниқлаш ҳадис илми учун азалдан энг эътиборли ва муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу асосга таяниб асар яратган муаллифлар икки услубга амал қилганлар. Улардан баъзи бирлари, масалан, Ибн Хотим ўз асарини бобларга бўлган ҳолда яратган бўлиб, уни тушуниш ва ўзлаштириш осон бўлганлигидан энг яхши" китоблардан ҳисобланади. Бошқа гуруҳ муаллифлари эса ўз китобларини муснадларга асосланиб тартиб бердилар. Улардан Ҳофиз Яъқуб ибн Шайба ал-Басрий (вафоти 262 йил) иллатли муснад тарзидаги йирик асари итмомига етмай қолган, агар охиригача мукамал бўлганда икки юз жилдни ташкил қилган бўлур эди. Манбаларда «Ал-Муснад»ни оққа кўчирадиганлар учун унинг уйида қирқта кўрпа-ёстиқ тайёрланганлиги айтилади-ки, бу рақам ушбу хайрли ишнинг кўлами қанчалик катта бўлганлигини кўрсатади. (Миръат ус-сунна, 30-бет)

Шу билан бир қаторда бир тоифа муҳаддислар ҳам борки, улар якка муаллиф ё айрим бобларгагина таяниб асарлар таълиф этганлар. Масалан, Имом ал-Бухорий «Салотда икки кўлни кўтариш» бобида шу зайлда иш тутган бўлса, баъзи бировлар эса айрим шайхлар айтган ҳадисларнигина тўплаш билан чекланган. Масалан, ал-Исмоилий деган олим фақат ал-Аъмош ривоят қилган ҳадисларни, Имом Муслим эса Амру ибн Шуайб ҳадисларини йиққанини кўрамиз. (Уша асар, 31-бет)

Шу асрдан бошлаб ҳадисларни йиғиш, уларнинг тадвини ва ўзлаштиришда (қабул қилишда) дунёнинг турли бурчакларида яшовчи кўплаб шуйх (устоз)ларга таяниб иш кўра бошладилар. Шу боисдан ҳам олдинги асрларда бўлмаган тadbирлар — ҳадис излаб турли ўлкаларга саёхату сафарларга чиқиш ҳоллари одат тусига кира бошлади. Мамлакатлар ва шаҳарларнинг бири-биридан узоқлиги, от-уловнинг камлиги, молиявий етишмовчиликлар натижасида, албатта, бу сафарларда муайян қийинчиликларга дуч келинган. Сафар машаққатларини енгиш ўта сабр-тоқатли ва ҳадис илми йўлида жонини ҳам аямайдиган ҳақиқий фидойи олимларгагина насиб этган. Манбаларда ҳатто битта ҳадис изидан бир неча шаҳарларга боришга тўғри келганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор.

Миср, Шом, Ҳижоз, Ироқ, Хуросон, Мовароуннаҳр каби ўлкалар ҳадис илми кенг тарқалган минтақалар ҳисобланиб, шу боисдан ҳам бу жойлардан жуда кўп муҳаддислар етишиб чиққанлар.

Ҳадис илми билан шуғулланишга нафақат Шарқ мамлакатларида, шунингдек Андалусияда ҳам катта эътибор берилиб, мағриблик муҳаддислар шарқий ўлкаларга борганлар. Ҳадислар бўйича Андалусияда шуҳрат қозонганлардан бири Муҳаммад ибн Базиъдир, (ҳижрий 287 йил вафот этган). У Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Миср каби мамлакатларда бўлиб, 175 дан ортиқ ровийдан ҳадис эшитганлиги маълум. Шунингдек, Бакий ибн Маҳлад ал-Қуртубий, («Ал-Муснад ал-кабир» нинг муаллифи) ўз асари учун ҳадис йиғиш мақсадида Макка, Мадина, Миср, Дамашк, Бағдод ва бошқа илм-фан марказларида бўлиб, ўша замон уламоларидан кўплаб ҳадислар эшитди. Аҳмад ибн Ҳанбал унинг устозларидан бири эди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳижрий учинчи асрда Машриқда ҳам, Мағрибда ҳам ҳадислар тадвини, уларни тўплаб тартибга солиб, чуқур ўрганиш, ровийларию иснодларини аниқлаб, кейинги авлодларга қолдириш борасида улкан ишлар амалга оширилган.

Дарҳақиқат бутун муслмон оламига машҳур бўлган олти саҳиҳ китобнинг муаллифлари мана шу учинчи, яъни ҳадис илми учун олтин давр ҳисобланган асрда ижод қилганлар. Бу китоблар «Саҳиҳ ал-Бухорий», «Саҳиҳ Муслим», «Сунан Абу Довуд», «Жомеъ ат-Термизий», «Сунан ан-Насоий» номлари билан машҳурдир.

МУСЛИМ ИБН АЛ-ҲАЖЖОЖНИНГ ҲАЁТИ

Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг тўлиқ исми Абул Ҳусайн Муслим ибн ал-Ҳажжож ибн Варад ибн Каршон ал-Қушайрий ан-Найсобурий бўлиб, унинг таваллуди ҳақида ҳар хил (204 хижрий) 819 мелодий, (206) 821 саналар келтирилса-да, кўпчилик тарихнавислар (масалан, аз-Заҳабий, Ибн ал-Асқалоний, Ас-Суютий ва бошқалар (204) 819 йил деб ёзганлар, Муслим ибн ал-Ҳажжожга яқинроқ даврда яшаган араб тарихчиси Ибн Ҳалликон (1211 — 1282 йиллар) унинг (206) 821 йилда туғилганлигини таъкидлайди ва бу фикр ҳозирги замон тадқиқотчилари томонидан қўллаб-қувватланган. Ибн Ҳалликоннинг ёзишича, у бу маълумотни Ибн Салоҳдан олганлигини, у ҳам ўз навбатида «Уламои амсор» номли машҳур асарнинг муаллифи хижрий тўртинчи асрда яшаган (321—405 йиллар) ал-Ҳоким ан-Найсобурийдан кўчириб олганлигини таъкидлайди.

Уша даврда Нишопур илм-фан ва маданияти гуллаб-яшнаган шаҳарлардан бўлиб, Ёқут ал-Ҳамавий у ҳақда шундай ҳикоя қилади: «Нишопур—азим шаҳар ва турфа хил фазилатларга бой, фозилу фузалонинг кони, олиму уламонинг манбаи бўлиб, унингдек зиёрат (матнда тавоф) қилинадиган шаҳарни ҳеч кўрганим йўқ». Ҳақиқатан ҳам Нишопурдан жуда кўп уламо етишиб чнққан. Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг болалик йиллари ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган. Олимларнинг тахминларича, ўша даврдаги таомилга кўра, у дастлабки таҳсилни ўз отаси ал-Ҳажжож ва бошқа уламолардан олиб, Қуръони Каримни ёд олган. Чунки Ибн ал-Асокир «Дамашқ тарихи» асарида ёзишича, Муслимнинг отаси ўз даврининг етук олимларидан бўлиб, кўпчилик илм толибларига устозлик қилган. Ал-Заҳабий ўзининг «Тазкират ул-хуффоуз» асарида «Муслим ҳадис илмини ўрганишни (218) 832 йилда бошлаган» деб ёзишидан хулоса қиладиган бўлса, у 12 ёшидан бошлаб, диний (энг аввало Қуръони Каримни ёд олиб, сўнг ҳадис ва бошқа) илмларни ўргана бошлади.

Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг шундан кейинги ҳаёти, хусусан, унинг оилавий аҳволи (у уйланганми ёки йўқми, уйланган бўлса, фарзандлари бўлганми) ҳақида манбаларда аниқ жавоб кўрсатилмаган. Ҳар ҳолда Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг Абул Ҳусайн (Ҳусайннинг отаси) куняси билан аталиши унинг Ҳусайн исми ўғли бўлганлигига ишорадир. Бу ўринда «Бағдод тарихи» номли кўп жилдлик йирик асарнинг муаллифи, таниқли тарихчи ал-Ҳатиб ал-Бағдодийнинг (1002—1071) Муслим ибн ал-Ҳажжож ҳақидаги қуйидаги ривояти унинг оилавий ҳаёти ҳақида муайян тасаввур беради: «Илмий-маърифий мажлисларнинг бирида Муслим ибн ал-Ҳажжож олдин сира эшитмаган пайғамбар алайҳиссаломнинг бир ҳадисларини айтиб қолганларида, у дарҳол мажлисни тарк этиб чиқиб кетди. Уйига келгач, шамни ёқиб, уйдагиларига: «Менинг ҳузуримга сизлардан биронтангиз ҳам кирманглар», — деди. Улар: «Бизга бир сават хурмо ҳадя қилганлар» (келтирганлар) дейишди. «Саватни менга келтиринглар,—дегач, улар саватни унга тақдим қилдилар», — деб ёзади. Бу воқеа Муслим ибн ал-Ҳажжож ҳаётининг охирларида, унинг вафотидан бирмунча муддат олдин юз берган. Бу маълумотлардан сезилиб турибдики, Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг уйда бўлганлар, албатта, уни хотини ва ўғил-қизлари бўлиши керак. Илм билан бир қаторда Муслим ибн ал-Ҳажжож яна бирор касб-ҳунар билан ҳам шуғулланганми, деган фикр туғилиши ҳам табиий. Бу саволга жавоб бериб айтиш мумкинки, у кийим-кечак сотиш билан ҳам шуғуллангани ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилган. У Нишопурда тижорат билан шуғулланиб, ўзига тегишли кўпдан-кўп мол-мулк, бойликларга эга эди, деб ёзади араб тарихчиси Ибн ал-Имод ўзининг «Шазарат уз-заҳаб» («Олтин бўлакчалари») номли тарихий асарида.

Ушбу фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, Муслим ибн ал-Ҳажжож ўзига тўқ, бадавлат киши бўлиб, илм олиш бора-сида ҳам, ёки турли шаҳарларда яшовчи машойиху устозлардан ҳадислар ўрганиш ва тўплаш жараёнида ҳам, узоқ-яқин жойларга сафарлари давомида ҳам молиявий қийинчилик кўрмаган. Муслим ибн ал-Ҳажжож ўз ҳаёти давомида Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Миср каби мамлакатларда бўлган.

Ҳадислар тўплаш иштиёқи кучли бўлганлигидан Муслим ибн ал-Ҳажжож бир қанча

юртларга саёҳатлар қилади, кўпдан-кўп устозу муршидларнинг мажлисларида бўлиб, улар суҳбатини олади, ҳадис соҳасидаги илмини оширади. Хусусан, Хуросоннинг тур-ли шаҳарларида бўлиб, Қутайба ибн Саъийд, Яхъя ибн Яхъя ан-Найсобурий, Исҳоқ ибн Рахвия Башар ибн ал-Ҳакам кабилардан Ҳадис илмини ўрганеди.

— Райда Муҳаммад ибн Маҳрон ал-Жамол, Иброҳим ибн Мусо ал-Фарра, ал-Ҳофиз Абу Фасоғ, Муҳаммад ибн Амр ар-Розийлар билан кўришди.

— Ироқнинг Бағдод, Куфа, Басра шаҳарларида бўлиб, Аҳмад ибн Ҳанбал, Убайдуллоҳ ал-Каворий, Халаф ибн Ҳишон ал-Базор, Абдуллоҳ ибн Аван ал-Ҳарроз, Сурийж ибн Юнус, Саъийд ибн Муҳаммад ал-Хурмий, Абдуллоҳ ибн Муслим ал-Каънабий, Абу Рабийъ аз-Заҳроний, Умар ибн Хафис ибн Фиёс, Абу Фассон Мо-лик ибн Исмоийл, Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Юнус кабилар суҳбатида бўлади.

— Шом(Сурия)да эса Муҳаммад ибн Холид ас-Саксакий, ал-Валийд ибн Муслимлар билан учрашади.

Ал-Ҳижозга қилган сафари давомида Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварани зиёрат қилади. Бу муқаддас шаҳарларда Исмоил ибн Абу Увайс, Абу Мусъаб аз-Заҳравий, Саъийд ибн Мансур, Муҳаммад ибн Яхъя ибн Абу Умар, Абдулжаббор ибн ал-Аълолар билан кўришади.

— Мисрда бўлганида эса Муҳаммад ибн Рамаҳ, Исо ибн Ҳамад ва Хармада ибн Яхъя кабилар билан танишади. Бу буюк зотлардан ҳадис илмини ўрганеди, янги-янги ҳадислар эшитади.

Манбаларда Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг ушбу сафарларининг тартиби, яъни қайси шаҳарда қачон бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар келтирилмаган. Тахминларга кўра зикр этилган шаҳарларнинг баъзиларида бир неча мартадан бўлган ва ўз юртига қайтгач, ҳадислардан дарс берган уламо мажлисида бўлиб, яна сафарларини давом эттирган. Чунончи, унинг Бағдодга келиши ҳақида кўпгина тарихчилар: «Муслим ибн ал-Ҳажжож Бағдодга бир неча марта келиб, ҳадислардан дарс берган. У Бағдодга ((259) 872 йилда охириги марта келганэди», деб ёзишган. Шунингдек, манбаларда у 220 йилда ҳаж қилганлиги ва Маккаи мукаррамада ал-Каънабий ва унинг табақалари билан учрашганлиги згақида маълумотлар бор. Демак, у 14 ёшида ҳаж ибодатини адо этган, бундан кейин яна Маккани зиёрат қилгани ҳақида аниқ маълумотлар келтирилмаган.

Ушбу баёнлар Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг хорижий юртларга сафарлари ҳақида. Унинг шайхлари, яъни у ҳадис тинглаган устозлари, уламо тоифасига, ал-Ҳайсам, ибн Хорижа, Шайбон ибн Фарух Абу Шайбанинг ўғиллари Аби Бакр ва Усмон кабиларни ҳам киритиш мумкин.

МУСЛИМ ИБН АЛ-ҲАЖЖОЖНИНГ ШАХСИ

Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг суврати ва сийрати ҳақида манбаларда кам маълумот келтирилган. Уларда у «қадди қомати мукамал, соч ва соқоли оқ, салласининг учи икки кифти орасида осилиб турар экан» дейилса, баъзилар тушида уни «сочи-ю соқоли оппоқ, юзи нурли, устидаги яктаги, кийимлари ўзига ярашган, салласининг учи икки кифти орасига тушиб турган шайх» сифатида кўрганлар. Мана шу васфлар Муслим ибн ал-Ҳажжож ҳақидаги тарихий маълумотлардир.

Муслим ибн ал-Ҳажжож ғоятда обрў-эътиборли, муҳтарам, ўта ҳақиқатгўй, илм аҳли ва уламонинг энг буюк пешволаридан бири эди.

Алломанинг бир қанча замондошлари ва шогирдлари бу ху-сусда ишонарли маълумотлар қолдирганлар. Кўпчилик олимлар Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг илму ирфонда, хусусан, ҳадис ва фикҳ илмларида энг юқори даражага етишганини яқдиллик билан таъкидлаганлар. Ҳадисларни чуқур билишда энг машҳурлардан, унинг арконларидан бири ҳисобланиб, ҳатто баъзилар саҳиҳ ҳадисларни билишда бирор кимсани ундан илгари қўймаган. (Аз-Заҳабий. Тазкират ул-хуффо, 260-бет)

Бу ҳақда «Саҳиҳ Муслим»га шарҳ ёзган машҳур олим ан-Нававий «Муслимдан кейин ўтган уламодан биронтаси ҳам унинг даражасига етиша олмадилар, унинг даврида яшаган замондошларидан камдан-камларигина унга баробар келмасдан, фақат бир қадар яқинлашишга муваффақ бўлганлар», деб таъкидлаган. Ҳадисларни ёд билишда унга ҳамма бир овоздан тан бериб, ҳатто унга «ҳофиз» лақабини ҳам берганлар. Дарҳақиқат, Муслим ибн ал-Ҳажжож дунёга машҳур тўрт ҳофиз (яъни Абу Заръа, Абдуллоҳ ад-Дорамий, имом Исмоил ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож)дан бири ҳисобланарди. Ҳадисларни ёд билганларидан «ҳофиз» лақабини олганлар. Уша даврдаги тартибга кўра энг ками минг, энг кўпи уч минг ҳадисни ёд билишлари шарт эди.

Комил илм олишга Муслим ибн-Ҳажжож астойдил ихлос билан киришган, бу хайрли йўлда бутун вужудини бағишлаган, бор иқтидорию умрини сарфлаган эди.

Кунлардан бир кун унга умрида! эшитмаган бир ҳадис ҳақида айтиб қолдилар. Шу заҳоти у уйига бориб, дафтар-дафтар қайдлари, ёзувлари ичидан ўша ҳадисни қидира бошлаган. Шу пайт мухлисларидан кимдир унга бир сават хурмо келтириб қолади. У хурмодан битта-битта олиб ер, ўзи эса, бутун вужуди билан ўша ҳадисни қидирарди. Ниҳоят, саватдаги хурмоларни еб, тугатаёзгандагина ўша ҳадисни топади. Тарихчи ал-Шофиъий у ҳақда «ҳадис илмининг аркон (устун)ларидан бири, саҳиҳ ва бошқа кўп китобларнинг муаллифи бўлиб, унинг фазилатлари машҳур, сийратлари ҳар қандай ҳурмат-эътиборга лойиқ зот эди», (Миръат ул-жинон, 2-жилд, 174-бет) деб ёзади.

Унинг замондошларидан кўпдан-кўп уламо Муслим ибн ал-Ҳажжождан ҳадис илми бўйича таълим олганлар, унга таяниб ривоят қилганлар. Улардан Муҳаммад ибн Мухаллад, Имом ат-Термизий, Аҳмад ибн Салма, Абу Амду ал-Мусталами, Муҳаммад Абдулрахоб, ал-Фарра. Йаҳйя ибн Саид, Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Суфён, (у «Саҳиҳ МУСЛИМ»НИНГ ровийси) Абу Аввана ал-Исфараиний ва Маккий ибн Абдон ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ВА ИМОМ МУСЛИМ

Манбаларда келтирилишича, Муслим ибн ал-Ҳажжож билан Имом ал-Бухорий ўртасида яқин алоқалар бўлиб, у Имом ал-Бухорийдан кўп сабоқлар олган. Эҳтимол, уларнинг дастлабки учрашуви 250 ҳижрий йилда, Имом ал-Бухорий Нишопурга келиб ҳадис илмидан сабоқ бера бошлаганда юз берган. Бу пайтда имом Муслим қирқ ёшдан ошган бўлиб, балки бу икки буюк муҳаддиснинг учрашувлари олдинроқ, яъни Имом Муслим бошқа мусулмон юртларини зиёрат қилган вақтида юз берган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда ёзма манбаларда келтирилган баъзи маълумотларда бу икки буюк зот олдиндан таниш бўлганларига ишорат қилинади. Жумладан, таниқли олим Яъқуб ал-Ҳофизнинг «Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг имом ал-Бухорий ҳузурида бамисоли ўқувчи боладек одоб сақлаб ўтирганини кўрганман», деб ёзиши ҳам улар олдиндан таниш бўлганлигини билдиради.

Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг имом ал-Бухорийга нисбатан муҳаббати чексиз бўлиб, унга ғоятда иззат-икром ва эҳтиром кўрсатади. Бир куни Имом ал-Бухорийнинг ҳузурига келиб, унинг юзу-кўзларидан ўпиб: «Эй устодларнинг устоди, муҳаддисларнинг саййиди, иллатли (ноқис) ҳадисларнинг табиби! Менга оёқларингизни ўпишга рухсат қилинг», деб мурожаат қилди. Имом ал-Бухорий Нишопурда турган вақтида ундан бир қадам ҳам ажралмади, эрта-ю кеч унинг ёнида бўлди. Нишопур аҳли ўртасида буюк даҳо соҳиби бўлмиш Имом ал-Бухорийнинг обрў-эътибори ошиб, шухрати ҳар тарафга ёйилгач, каттаю кичик илм толиблари ҳадис илмидан сабоқ олиш мақсадида унинг ҳузурига кела бошладилар. Имом ал-Бухорийга нисбатан бу даражада эътиборнинг ошиши охир-оқибатда бошқа уламоларнинг ҳасадига сабаб бўлди. Айниқса, Нишопурнинг муҳаддиси Муҳаммад ибн Яҳъя аз-Зухлий (у 258/871 йилда вафот этган) бу борада ғоят беандишаллик кўрсатди. Чунончи, илм толиблари унинг йиғинлар (сабоқлар)ига бормай, ҳаммалари Имом ал-Бухорий сабоқларига бора бошлаганларида у Имом

ал-Бухорий ҳақида турли-туман ифволар, бўҳтонларни тарқатиб, ҳар қандай йўллар билан уни обрўсизлантиришга уринди. Мана шундай мураккаб вазиятда Муслим ибн ал-Ҳажжож алломага нисбатан ғоятда вафодорлик ва содиқлик туйғуларини билдиргани таҳсину-мақтовларга лойиқдир. У ҳеч бир* иккиланмасдан Имом ал-Бухорийни ҳимоя қилиб, унинг ёнини олди ва кунлардан бир кун «Устоз, фақат ҳасадгўйларгина Сизни кўра олмайди, мен шоҳидлик бераманки, Сиздек буюк зот бу дунёда йўқ», — деб хитоб қилади.

Шуларга қарамасдан аз-Зухлий ёлғон-яшиқ ташвиқотлари билан кўпчиликни Имом ал-Бухорий сабоқларидан чалғитиб, ўз ҳузурига келтиришга муваффақ бўлди. Лекин Муслим ибн ал-Ҳажжож Имом ал-Бухорийдан ажралмай, доим унинг тарафида бўлди. Натижада бу ҳол унинг билан аз-Зухлий ўртасида кучли адоват пайдо бўлишига сабаб бўлди. Вазият шу даражага етдики, Муслим ибн ал-Ҳажжож унинг ҳузурига бормай қўйдигина эмас, балки ундан олган сабоқларини жамлаб, ҳаммолдан Муҳаммад ибн Яҳъя аз-Зухлийнинг уйига қайтариб юборди. Бунинг маъноси шу эдики, улар ўртасидаги адоват ҳаддан ортиб, алоқалари батамом узилганди. Булар ҳаммаси Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг устози Имом ал-Бухорийга ҳурмати ва садоқати беқиёс даражада катта бўлганлигидан далолатдир.

ИМОМ МУСЛИМНИНГ АСАРЛАРИ

Имом Муслим кўпдан-кўп асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти ҳадис илмига бағишланган. Улардан баъзиларининг фақат номларигина бизга маълум, холос. Олимнинг қуйидаги асарлари бизгача етиб келган:

1. «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ». Шубҳасиз, бу Имом Муслимнинг йирик ва мўътабар, шоҳ асари ҳисобланади. Бу асар ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

2. «Ал-мунфаридат ва-л-вахдон» (Алоҳидалар ва яккалар). Ушбу асар пайғамбар алайҳиссалом ҳақидаги ҳадислардап битта ровий айтганлари ҳақида. 1323 ҳижрий йилда Ҳайдарободда босилган бўлиб, 34 саҳифадаи иборат. Бу китоб билан бирга Имом ал-Бухорийнинг «Аз-Зуафо ус-сағийр» ва Имом ан-Насоийнинг «Аз-Зуафо ва-л-матруқийн» деган асарлари ҳам чоп этилган.

3. «Китоб ал-куно ва-л-асмо» (Кунялар ва исмлар ҳақида китоб). Ушбу китоб, номидан ҳам кўриниб турганидек, кунялари билан машҳурбўлган ҳадис ровийлари ва исмлари билан машҳур бўлган ровийларнинг кунялари ҳақидаги китобдир. Илмий нуқтаи-назардан қараладиган бўлса, бу ҳол жуда муҳимдир, чунончи ровий бир жойда исми билан зикр қилиниб, иккинчи жойда куняси ёки лақаби билан аталган бўлса, уни кўпчилик икки киши деб тушуниши мумкин. Мана шу тарздаги чалкашликларга барҳам беришчун Имом Муслимнинг ушбу китоби беқиёс даражада қимматлидир.

Ушбу асарнинг ҳижрий бешинчи асрда кўчирилган қимматли бир қўлёзмаси Дамашқдаги Ал-Зоҳирия кутубхонасида сақланади. Ушбу асар қўлёзмаларидан бир нусхаси Ҳиндистоннинг Ботина ва яна бир нусхаси эса Туркиянинг Али Шаҳийд кутубхонасида сақланади.

4. «Китоб ут-тамйиз» (Ажратиш (фарқлаш) ҳақида китоб).

Ушбу асарнинг олтинчи ҳижрий асрда кўчирилган бир қўлёзма нусхаси Дамашқдаги Ал-Зоҳирия кутубхонасида бўлиб, охирида (ҳаммаси 15 варақдан иборат) бироз ноқис саҳифалари бор. Қўлёзманинг ташқи ғилофига «Имом Муслим «Китоб ут-тамйиз» китобининг биринчи қисми» деб ёзилишидан, бу қўлёзма мазкур асарнинг фақат бир қисми бўлиши керак.

5. «Рижол Урва ибн аз-Зубайр» («Урва ибн аз-Зубайр аъёнлари»). Ушбу асарнинг бир қўлёзма нусхаси Дамашқдаги аз-Зоҳирия кутубхонасида бўлиб, у 463 ҳижрий йилда ироқлик машҳур тарихчи ал-Хатиб ал-Бағдодий томонидан кўчирилган.

6. «Китоб ат-табақот» («Ровийларнинг табақалари ҳақида китоб»). Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг бу асарида пайғамбар алайҳиссаломни кўрганлар ва ундан ривоят қилганлар ҳақида фикр юритилади. Асарнинг бир қўлёзма нусхаси Сарой (Туркия)даги Аҳмад ас-Солис

кутубхонасида (№624/26) бўлиб, у 628 ҳижрий йилда кўчирилган.

Булардан ташқари, Имом Муслимнинг яна бир қанча асарлари бўлиб, улар бизгача етиб келмаган ҳисобланади. «Ал-Афрод», «Афрод аш-шомийин», «Ал-Ақром», «Авҳом ал-муҳадднспн», «Ал-Илал», «Китоб ат-таърих» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Аввалроқ зикр этганимиздек, Муслим ибн ал-Ҳажжож бутун умри давомида илм талабида ўз даврининг кўплаболимлари билан мулоқотда бўлди. Айниқса, унинг билан аллома Имом ал-Бухорий ўртасида дўстона, самимий алоқалар ўрнатилган эди. Муслим ибн ал-Ҳажжож учун Имом ал-Бухорийдан буюк, юқори мартабали обрў-эътиборли бир аллома дунёда йўқ эди. У ўз умрининг охи-ригача илмини оширди, ижодини тўхтатмади, илм йўлида турли шаҳарларда бўлди.

ИМОМ МУСЛИМ ИБН АЛ-ҲАЖЖОЖНИНГ ВАФОТИ ХУСУСИДА

Муслим ибн ал-Ҳажжож бошқа баъзи уламолар каби узоқ умр кўрмади, эллик бешларда вафот этди. Вафотидан атиги икки йил аввал Имом Муслим Бағдодга келиб, илмий-ижодий фаолиятини давом эттирди ва она юрти Нишопурда яшади. Ёзма манбаларда кўрсатилишича, у 261 ҳижрий йил ражаб ойининг 24-нчиси (5-май 875 йил) якшанба куни номозшомда дунёдан кўз юмиб, эрта-си (6 май) душанба куни дафн этилган.

Имом Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг неча йил умр кўргани ху-сусида тарихчиларнинг фикри турлича. Ас-Суютий, Ибн-ал-Имод каби олимлар уни олтмиш йил умр кўрган деб ёзсалар, Аз-Заҳабий ва Ибн Ҳажар ал-Асқалоний эллик етти йил, яна бир гуруҳ ишончли олимлар (Ибн Ҳалликон, Ибн ас-Салоҳ, ал-Ҳоким, ан-Найсобурий) эса эллик беш йил деб қайд қилганлар. Олимнинг қабри Нишопур ташқарисидаги Насробод қабристонидадир.

«САҲИҲ»— АЛ-ҲАЖЖОЖНИНГ ШОҲ АСАРИ

Шубҳасиз, Муслим ибн ал-Ҳажжож ижодининг гултожи—унинг «Саҳиҳ Муслим» асаридир. Муаллифнинг узоқ йиллар давомидаги машаққатли меҳнатию, бутун ақл-заковатининг самараси бўлган ушбу асар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган энг муътабар ва муҳим манбалардан биридир. Илм аҳллари орасида бу асар баъзан «ал-Жомеъ» ёки «ал-Муснад» номлари билан ҳам юритилади.

Маълумки, Муслим ибн ал-Ҳажжожгача ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларига бағишланиб талайгина асарлар яратилган. Бироқ ушбу асарларнинг муаллифлари ҳадисларнинг тўғрилиги ва уларнинг иснодию ровийларини таҳқиқ этиб чуқур ўрганишга кўп ҳам эътибор бермаганлар. Шу сабабдан баъзан ғаразли мақсадлар туфайли «саҳиҳ» (тўғри, ишончли) ҳадислар билан бирга халқ орасида хато ёки шубҳали, ҳатто сохта ҳадислар ҳам пайдо бўла бошлаган. Мана шундай шароитда буюк аллома Имом ал-Бухорий ва унинг замондоши Имом Муслим биринчилардан бўлиб, фақат саҳиҳ ҳадисларни тўплаб, алоҳида асарлар яратиш ишини бошлаб бердилар. Ҳадис илмидаги батамом янги бўлган бу йўналишга буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий биринчи бўлиб асос солган бўлса, унга эргашиб асар ёзган Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож иккинчи ҳисобланади. Шу боисдан ҳам уларнинг тарихий асарлари «Саҳиҳ ал-Бухорий» ва «Саҳиҳ Муслим» ислом оламида ҳақли равишда Қуръони Каримдан кейинги асосий манбалар ҳисобланади. Катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бу асарларнинг тарихий аҳамияти шундаки, улардан ровийлари ва иснодлари чуқур текширилиб, аниқланган саҳиҳ ҳадисларгина ўрин олган. Масалан, Муслим ибн ал-Ҳажжож ўз «Саҳиҳ» асарининг манбалари ҳақида ёзиб: «Фақат ҳужжатдалилларга таянган ҳолда китобимга ҳар бир ҳадисни киритдим, фақат ҳужжат-у далилларгагина асосланиб, ундан бирон-бир ҳадисни чиқариб қолдирдим. «Саҳиҳ» китобим ўзим эшитган уч юз минг ҳадисдан тасниф этилган»,—деб таъкидлайди.

«Саҳиҳ Муслим» асарининг ёзилиш муддати ҳақида аниқ маълумотлар келтирилмаса-да, албатта бу тарздаги йирик асар узоқ йилларнинг маҳсули эканлиги ўз-ўзидан маълум. Чунончи, ҳар бир ҳадиснинг иснодини аниқлаш ўта машаққатли меҳнат бўлиб, бунинг учун қанчадан-қанча шаҳару мамлакатларни зиёрат қилиш, от-уловларда чўлу-биёбонларни босиб ўтишга тўғри келган, албатта. Шу ҳолатларни эътиборга олиб ва Имом Муслим замондошлари қолдирган маълумотларни ўрганиш натижасида асарнинг ёзилиш муддати ҳақида баъзи хулосалар яшаш мумкин. Имом Муслим ҳадис эшитган олимлардан бири Аҳмад ибн Салма «Муслим билан унинг «Саҳиҳ»ини ўн беш йил давомида ёзишганман»,— деб ёзса, олим ал-Ироқий «Ибн Салоҳ» китобига ёзган шарҳида ва машҳур аллома Ҳожи Халифа ўзининг қомусий асари «Кашуз-зунун»да кўрсатишича, Имом Муслим бу асарини ҳижрий 250 йилда ёзиб тугатган. Имом Муслимнинг шогирди ва «Саҳиҳ» асарининг ровийларидан бири Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Суфён ан-Найсобурий: «Муслим бизга ушбу китобини ҳижрий 257 йилда ўқиб тугатган эди»,— деб ёзади. Айрим манбаларда келтирилишича, Муслим ибн ал-Ҳажжож «Саҳиҳ» асарини ҳижрий 235 йила, яъни 30 ёшга етганда, етарли билим ва тажрибага эга бўлгандан кейин ёзишга киришган. Мана шу фикрлардан Имом Муслим бу асарини тахминан ўн беш йил давомида ёзиб тугаллаганлиги аниқ бўлади. Имом ал-Бухорий ҳам ўзининг асосий асари «Саҳиҳ Бухорий»ни ўн олти йил давомида ёзиб тугатганини эслатиб ўтиш жоиз.

Шу билан бирга баъзи олимлар (ал-Ҳоким ан-Найсобурий, Абу Бакр ал-Байҳақий, Ибн Асокир ва бошқалар) Имом Муслим бу асарини уч қисмдан иборат қилмоқчи бўлсада, бироқ биринчи қисмини тугатгач, вафот этган, деган фикрни ҳам билдирадilar. Лекин муаллифнинг ўзи ҳам, бошқа баъзи олимлар ҳам асар мукамал ёзиб тугалланганлиги ҳақида ёзиб қолдирганлар. Аввал зикр қилганимиздек, Имом Муслимнинг бу асарни эшитган уч юз минг ҳадисдан танланиб, тасниф этилган ва ёзилиш жараёнида муаллиф тўлиқ равишда ўз замондоши ва устози Имом Бухорийнинг услубини қўллаб, унга эргашганлигини кўраимиз.

Таркибий жиҳатдан бу асар саккиз қисмдан иборат, ўз навбатида улар ҳам ҳадисларнинг мазмун-моҳияти ва мавзуларига қараб эллик тўрт (баъзи манбаларда келтирилишича, эллик икки) бобга бўлинади. Улардан иймон, таҳорат, намоз, масжидлар, за-кот, рўза, ҳаж, никоҳ, фарзлар, васиятлар, овчилик, кийим-кечак, зеб-зийнатлар, одоб-ахлоқ, илм-маърифат, фазилатлар, тарих ва табобатга оидларини кўрсатиш мумкин. «Саҳиҳ» Муслимдан ўрин олган ҳадисларнинг аниқ адади ҳақида ҳам хилма-хил фикрлар мавжуд бўлса-да, китобга киритилганларининг (кам ҳолларда такрорланганларини ҳам ҳисобга олганда) умумий сони 5781 ҳадисдан иборат.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб аниқ мумкинки, Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асари катта ижтимоий, илмий ва амалий аҳамиятга молик нодир манбалардан биридир.

Бу қимматли асарни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ўзбек тилига таржима қилиш шарқшуносларимиз, олиму уламоларимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири, деб ҳисоблаймиз. Зеро сарвари олам, жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга мансуб ўта ҳаётий панду насиҳатлар ва рушди-ҳидоятга бошловчи йўл-йўриқлар мустақил Ўзбекистонимиз учун ғоятда зарур бўлган маънавий мукамал ва соғлом фикрли инсонларни тарбиялашдек олижаноб ишга хизмат қилади.

«САҲИҲ»НИ ЯРАТИШДА МУСЛИМ ИБН АЛ-ҲАЖЖОЖ УСЛУБИ

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари жамланган китоблар орасида Имом Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг «Саҳиҳ» асари адоҳида ўрин эгаллайди. Асар яратилган даврдан бошлаб то ҳозирги вақтгача бутун мусулмон дунёсининг ижтимоий ҳаётида катта аҳамиятга молик бир тарихий манба сифатида қаралади.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, саҳиҳ ҳадиснинг исноди энг ниҳоний нақлига етишган ҳар

хил ноқислигу шубҳалардан холи бўлмоғи керак. Ҳадис саҳиҳ (тўғри, ишончли) деб аталиши учун маълум қоидаю-тартиботларга эга бўлмоғи шарт. Мана шу шарт-талабларга «дош» берган ҳадисларгина саҳиҳ ҳадислар деб тан олинади. Муаллифнинг ўзи ҳам «Ушбу ал-Муснад ас-саҳиҳ (ўзим) эшитган уч юз минг ҳадисдантасниф этилган» (Аз-Заҳабий. Тазкират ул-хуффо, 2-жилд. 152-бет) деб таъкидлайди. Ҳеч шубҳасиз бу ўринда муаллиф «муснад» иборасининг истилоҳий маъносини кўзда тутмаган, албатта. Чўнончи «муснад» ҳадис уламолари ўртасида ҳадиснинг исноди, бир ровийдан то дастлабки (ниҳойи) ровийгача, бошқача қилиб айтганда, Мухаммад алайҳиссаломнинг ўзларигача бориб боғланган ҳадислар кўзда тутилган. Демак, Имом Муслим асарига кирган ҳадислар ровийларининг силсиласи (муснади) пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларигача етиб борган. Шу билан бирга Имом Муслимнинг бу асари баъзан «ал-Жомеъ» номи билан ҳам юритилади. (Таҳзийб ут-таҳзийб, 10-жилд, 127-бет; Кашф уз-зунун, 555-бет) Муслим ибн ал-Ҳажжож «Саҳиҳ» асарини 235 ҳижрий йилда таълиф эта бошлаган. Уша пайтда у йигирма тўққиз ёшга етган бўлиб, куч-қувватга тўлган, мана шундай машаққатли меҳнатга ҳам жисмоний, ҳам маънавий томонлардан тайёр бўлган десак, тўғри бўлади. Бошқача қилиб айтганда, муаллиф мана шундай масъулиятли вашарафли маърифий вазифани тўла-тўқис амалга оширган эди.

Унинг қуйидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир: «Башарти ҳадис аҳллари икки юз йил ҳадис тўпласалар, шунга, яъни «Саҳиҳ»га тенг асар ёзишлари мумкин». «Ушбу «Саҳиҳ» китобимни Абу Заръа ар-Розийга кўрсатганимда, у ноқис (иллатли) топганларини чиқариб ташлаб, у иллатсиз, бекаму-қўст топиб саҳиҳ деганларини ажратиб ёздим». Ҳадисларни тартиб билан тадвин қилиб, «Саҳиҳ» асарини ёзишда Имом Муслим, шубҳасиз, Имом ал-Бухорийдан истифода этган. Чунончи, аввал таъкидла-ганимиздек, бу услубда биринчи бўлиб Имом ал-Бухорий асар яратган эди. Бу тўғрида ҳам ал-Хатиб ал-Бағдодий «Ҳақиқатан ҳам Имом Муслим Имом ал-Бухорийнинг йўлидан юриб, унинг илмига амал қилган ҳолда батамом унга эргашиб асар яратди», деб таъкидлаган.

Имом Муслим ўз асарини яратишда, табиийки, жуда кўп, ўзи таъкидлашича, уч юз минг ҳадис билан танишиб, уларнинг ичидан саҳиҳларини танлаб олиб, «Саҳиҳ асарини таълиф этган. Лекин шу билан бир қаторда савол туғиладики, унинг бу асари барча саҳиҳ ҳадисларни тўлиғича қамраб олганми? Мана шу қатъий қоидага тўлиқ риоя қилганми? Бу борада тарихий асарларда ҳам айрим фикрлар келтирилган: «Камдан-кам ҳолларда Имом ал-Бухорий ва Имом Муслимдан исбот қилинмаган ҳадислар ўтган», дейилади бир талай манбаларда. Ҳақиқатан ҳам Имом Муслимнинг асари саҳиҳ ҳадисларнинг барчасини тўлиғича қамраб олмаган. Бу фикримизга муаллифнинг ўзи ҳам далолат беради: «Китобимга киритган (ҳадис)ларимнинг ҳаммаси ҳам саҳиҳ эмасдир, унга фақат ҳамма бир овоздан маъқуллаганларни киритганман». Бошқа қатор олимлар ҳам, шу жумладан, ан-Нававий зикр қилишича, Имом Муслим пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларидан ривоят қилинган ҳадислардан ҳатто ярмини ҳам келтирмай, балки ундан бир қисмини келтирганлар. Юқорида зикр қилинган Абу Заръага: «Муслим ибн ал-Ҳажжож саҳиҳ ҳадислардан тўрт мингтагани тўплади», дейишганда, у: «Қолганларини кимга ташлади экан?» (Тарих Дамашқ, 16 жилд, 236-бет) деб хитоб қилган.

ИМОМ МУСЛИМНИНГ «САҲИҲ» АСАРИДАГИ ҲАДИСЛАР СЕНИ

Гўё Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ» асарига кирган ҳадислар каби Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг «Саҳиҳ» асарига киритилган ҳадисларнинг ададини аниқлашга ҳам унчалик эътибор бермаганлар. Имом Муслимнинг замондоши Абу Қурайш ал-Ҳофиз «Саҳиҳ»га кирган ҳадисларнинг сони тўрт мингтага етиши ҳақида ривоят қилади. Булар фақат такрорланмайдиган усулий ҳадисларнинг сонидир.

Аммо «Саҳиҳ» асарига киритилган — такрорланмайдиган ва такрорланмайдиган ҳадисларнинг умумий сони — Муслимнинг бир шогирдининг гапига қараганда — ўн икки мингга ташкил

қилади. Муслимнинг «Саҳиҳ» асари билан жиддий шуғулланиб, тадқиқ қилган олим ан-Нававийбу ҳақда мутлақо ҳеч нарса ёзмаган, ШарқшуносВенанк «Мифтаҳ кануз ас-сунна» китобида Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг «Саҳиҳ» китобидаги ҳадисларнинг сонини (аслида китоб) усулий ҳадисларга таянган ҳолда фасл (бўлим)ларга бўлди. Мана шу ҳадисларни ҳисоблаб чиқсак, уларнинг умумий сони 5781 ҳадисга етади. Китоб эса 54 та бобдан иборат. «Мифтоҳ кануз ас-сунна»даги ҳар бир бобнинг ёнида унга тегишли ҳадисларнинг адади кўрсатилган. Ушбу бобларнинг мазмуни уларда келтирилган ҳадисларнинг мавзуга қараб аниқланган. Мавзулар жумласига иймон, намоз, рўза, завож, ирс, жиҳод, «чимликлар, шеър, тафсир ва ҳоказолар киради.

Биринчи қисм уч мавзудан иборат, уларни мисол тариқасида келтирамиз:

- иймон — 380 ҳадис,
- таҳорат — 111 ҳадис,
- ҳайз кўриш — 126 ҳадис.

Иккинчи қисм уч мавзудан иборат.

- намоз — 285 ҳадис,
- масжидлар — 316 ҳадис,
- сафардагилар намози — 312 ҳадис.

Учинчи қисм—саккиз мавзу, тўртинчи қисм—олти мавзу, бешинчи қисм—ўн икки мавзу, олтинчи қисм—олти мавзу, еттинчи қисм—олти мавзу, саккизинчи қисм—ўн мавзуга оид ҳадисларни ўз ичига олиб, булар ҳаммаси бўлиб беш минг етти юз саксон бир ҳадисни ташкил қилади.

«АС-САҲИҲ» КИТОБЛАРИНИНГ НОМЛАРИ ВА БОБЛАРИ ҲАҚИДА

Асосий мавзуларига қараб, Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асари асл ҳолида китобларга бўлинган. Ҳар бир китобўз навбатида бобларга тақсимланган. Китоб ва бобларнинг номлари муаллифнинг ўзи томонидан қўйилган.

Бу ўринда, албатта, ҳадисларнинг мавзулари асосий ролни ўйнагани қайд қилинади. Шу билан бирга ушбу мулоҳазани уламолар ҳар хил талқин қилганлар.

Улардан баъзилари, муаллиф китобининг ҳажми жуда катта бўлиб кетмаслиги учун боблар мундарижа (таржима)ларини келтирмаганлигини таъкидлайди. Яна бир гуруҳ олимлар, жумладан Ибн Асокирнинг ёзишича, Муслим ибн ал-Ҳажжож ўз китобини унинг боблари-ю таржималарини тўлиғича охирига етказа олмай вафот этган. Ушбу фикрлар бўйича шуни айтиш мумкинки, аввалроқ зикр қилганимиздек, Муслим ўз китобини тўлиқ тугатган ва олдига қўйган мақсадларига эришган. Китоб ҳажмининг катта бўлиб кетиши ҳақидаги фикр ҳам унчалик ишонарли ва асосли эмас, чунки унвонларининг қўйилиши китоб ҳажмини унча ҳам кагта оширмалиги ўз-ўзидан аниқдир.

Ҳадисларга тартиб бериб, китобларга бўлаётган пайтда Имом Муслимнинг ўзи ҳам муайян қийинчиликка дуч келган. Чунки ҳатто битта ҳадиснинг ўзи ҳам баъзан турли фикрларнж англатади,, Шундай ҳолатда ҳам муаллифнинг ўзи маълум мулоҳазаларга кўра бир ўринда мана шу ҳадисни келтиради. Бу ҳол ке-йинги асрлардаги тадқиқотчилар, олимлар учун, албатта, муайян қийинчилик туғдириб, ортиқча меҳнатни талаб қилади. Мана шу фикримизнинг исботи сифатида ал-Барраъ ибн Озиб ривоят қилган қуйидаги ҳадисни келтирамиз. У деди: Расулуллоҳ бизга етти нарсани буюриб, етти нарсдан бизни қайтарганлар. Буюрганлари: беморни зиёрат қилиш, жаноза маросимига амал қилиш, акса урган кишига «соғ бўлинг» дейиш, қасам ва қасам ичганларни мағфират этиш, жабр-зулм кўрганларга кўмаклашиш, дуоғўйга ижобат қилиш, тинчлик-осойишталикни ёйиш (тарқатиш); Пайғам-бар қайтарганлари: олтин узук тақиш, кумуш (идиш)да ичиш, юмшоқ фиरोш, эгарга ёпиладигандан, ҳарир шойи), ялтироқва парча кийим кийишдан. Кўриниб турибдики, ушбу ҳадис кўп фикрларни қамраб

олган, муаллиф уни бир бобга киритиши керак эди, чунки ғоятда кам ҳолларда Муслим бир ҳадисни икки хил ўринда фойдаланади. Юқорида келтирилган ҳадисимиз «Либос ва зийнат китобининг аёллар ва эркакларга тилло ва кумуш идишлардан фойдаланишни ман қилиш, эркакларга тилло узук тақиб, ҳарнркийишни ман қилиб, уларни хотинларга рухсат этиш» бобида келтирилган.

Шу билан бир қаторда «Саҳиҳ» боблари ва китоблари мавзу жиҳатидан ҳар доим ҳам мос ҳадисларни қамрамайди. Мазмун ва маъно жиҳатидан унчалик ҳам ўринли бўлмаган ҳадислар тур-ли бобларга тушиб қолган ҳоллари ҳам кўп учрайди. Масалан, муаллиф ўз асарининг «Масжидлар ва намозгоҳлар» деган бобида шундай деб ҳикоя қилади: «Яҳъя ибн Яҳъяат-Тамиймий бизга сўзлаб деди: Абдуллоҳ ибн Яҳъя ибн Аби Касир айтган: отам шундай деганини эшитганман: «Жисм роҳати билан илм олиб бўлмайди» (Саҳиҳ Муслим», 2-жилд, 105-бет). Бу ҳадис «Беш вақт намознинг вақтлари» бобида келтирилган.

Ҳадислар бўйича яратилган асарлар тарих ва бршқа кўп соҳаларга оид китобларга қараганда ҳам қимматлироқдир. Чунончи ҳадислар тўпламлари араблар, умуман мусулмонларнинг ижтимоий, сиёсий, маданий, диний ҳаётига доир кўп маълумотларни, уларнинг урфу одатлари, анъаналарию расм-русумлари, таомлари, кийимлари, касбу ҳунарлари ҳақида тасаввур берадиган манбалар ҳисобланади. Улардан ҳар хил катта-кичик ҳодисаю воқеалар, хилма-хил масалаларни ҳал қилиш йўллари топиш мумкин. Уларда луғат, наҳву сарф ва адабиётга доир фикр-мулоҳазалар, хилма-хил қизиқарли маълумотлар учрайди. Мана шу хилдаги кўпдан-кўп маълумотларни Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асарида ҳам учратиш мумкин. Алломадан кейин ўтган кўп олиму уламо, илмий нуқтаи-назарлари ҳар хил бўлса-да, бу борада жуда кўп тадқиқотлар қилганлар, ушбу китобнинг қимматбаҳо жавоҳирларидан ҳар томонлама истифода этганлар. Айни вақтда ушбу қимматбаҳо асарлар, шу жумладан, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг «Саҳиҳ» асари ҳам ҳануз тўлиқ тадқиқ этилиб, илмий жиҳатдан ҳар томонлама ўрганилгани йўқ.

Биринчи галда тўплаган киритилган ҳадисларни бобма-боб чуқур илмий тадқиқот қилиб, уларнинг аниқ умумий мундарижасини тузиб чиқиш, бу асардан кенг қўламда истифода этишни осонлаштиради. Чунончи, олдин зикр этганимиздек, бир талай боблар ва уларнингунволари (сарлавҳалари) матн мазмунидан четлашган ҳоллари, унинг моҳиятини алмаштириб юборган ҳоллари ҳам учрайди. Бу ҳол ҳақида бир мисол келтирсак. Масалан, «Саҳиҳ»даги «Ислоннинг келиши ўзидан олдинги (нарса)ларни емириб ташлайди» бобида Амру ибн ал-Осинг руҳий ҳолати ва ташвишлари гўзал бир сувратда ифодаланган. Унинг ўлим тўшагида ётиб йиғлаган, ўзининг сиёсий хатоларини эътироф этишга тайёр турган ҳолати акс этганки, бобга берилган унвон (сарлавҳа) эса бу хусусда ҳеч қанақа фикр ва тасаввур бермайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу билан бирга бу нодир манбага кирган муборак ҳадисларнинг ўзбек тилига таржима қилинмаганлиги ундан ҳар хил соҳа мутахассислари ва кенг халқ оммасининг бемалол фойдаланишига имкон бермайди.

МУСЛИМ ИБН АЛ-ҲАЖЖОЖНИНГ ШАРТЛАРИ ВА АМАЛ ҚИЛГАН ҚОИДАЛАРИ

Албатта, Имом Муслим ўзи тўплаган ҳадисларни муайян тартиб қоидалару шартларга риоя қилган ҳолда тадвин этган. Шу боисдан ҳам унинг ижоди билан шуғулланиб асарларини тадқиқ қилган олимлар ва тадқиқотчилар бу услубга «Имом Муслим шартлари» деб ном берганлар. Шунингдек, Имом ал-Бухорийнинг ҳам ўзига хос шартлари бўлган. Саҳиҳ ҳадисларни аниқлаб, ўз асарига киритганда Муслим ибн ал-Ҳажжож биринчи навбатда унинг нақл қилувчисининг ишончли эканига, уларнинг нақллари айнан (фарқсиз) бўлишига, далилининг бошидан охиригача изчил уланиши ва хато-ю нуқсонлар, иллатлардан холи бўлишига алоҳида эътибор берган. Ишончли деишимиздан мақсад бу ҳадислар фақат Имом Муслим шартларига жавоб берадиган саҳиҳ ҳадислар бўлиб, бошқа муҳаддислар, масалан Имом ал-Бухорий шартлари

бўйича, улар саҳиҳ бўлмасликлари ҳам мумкин. Ровий— ривоят қилувчиларҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин, бир муҳаддиснинг талабу шартларига жавоб берган ровий иккинчи бир муҳаддисга тўғри келмаган ҳоллар ҳам учрайди.

1. «Саҳиҳ»га ёзган муқаддимасида Муслим ибн ал-Ҳажжож ўз асарини яратишда қўллаган манҳаж (услуб) ва шартлар ҳақида зикр қилади. Бу услуб ва шартлар асосида пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари ҳақидаги асарини уч қисмга, ровийларини ҳам уч табақага бўлади:

а) аввало муаллиф ҳадисни ғоятда тўғри (ишончли) бўлган одамларга ва уларнинг нақл (ривоят)ларини ғоятда аниқ ёд олганларга таянади;

б) биринчи шартдан тўла-тўқис фойдалангач, ёдлаш ва аниқликда у даражага етишолмаганлар ривоят қилган ҳадисларни келтиради. Улар ровийларига бу даражадаги юқори талабни қўпмайди, чунки бу ўринда масала бироз ннсбий ҳолатга эга. Шу боисдан ҳам бундай пайтларда икки ёки ундан ҳам ортиқ ровийлар ўртасидаги мутавозин ҳолатига таяниладики, уларнинг аниқлиги ва саҳиҳлиги ҳақида илм аҳлларида унчалик ҳам шубҳа бўлмайди. Шу билан бирга ушбу ровийлардан биттасининг

фикри ўта аниқ ва нақли тўғрироқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда муаллиф ҳар бир ровийнинг хизматига яраша баҳосини бериб, улардан ҳар қайсисини ўзига муносиб мартабаю мақомига қўяди;

в) учинчи қисм ҳадислар ровийларига келсак, улар икки гуруҳдан иборатдир:

— бир гуруҳ борки, улар ҳадис илми аҳллари наздида ёки улардан аксариятининг наздида шубҳали (муттаҳамуна) ровийлар; улар оддий (авом) халқ оғзига тушиб, уларнинг эътибори-ни қозонганлар. Имом Муслим ровийларнинг ҳадисларини қайд қилишни ҳам лозим топмаган. Чунки улар қўйинча ҳадисларни ўзлари ўйлаб топиб, ҳар хил хабарларни тўқиганликда айбланган кишилардир;

— иккинчи гуруҳ борки, улар ривоят қилинган, инкор қилинган ёки ғалати ҳадислардир. Муаллиф бу тарздаги ҳадисларни ҳам инobatга олмай, четлаб ўтган ва вақтини ҳам йўқотмаган. (Қаранг: Муқаддимат Саҳиҳ Муслим, 3—5-бетлар)

Юқоридаги баён қилганларимиздан кўриниб турибдики, ўз асарини яратишда Имом Муслим дастлабки икки банд билан чегараланиб, учинчи табақа ровийларнинг ҳадисларига эътибор ҳам бермаган. Энг аввало у, гарчанд ўз «Саҳиҳ»и тартибига унчалик тўғри келмаса-да, ҳар бир гуруҳ ҳадисларини алоҳида-алоҳида ажратиб чиқди. Мана шу тартибни уламолар турлича талқин қиладилар. Бу ҳақда ан-Нававийнинг «Саҳиҳ»га ёзган шарҳида (1-жилд, 23—34 бетлар), «Ал-мадҳал фи-усул ал-ҳадийс» номли тадқиқотда ва бошқа қатор асарларда батафсил баён қилинган.

2. Муслим зикр қилган ҳадисларини такрорланмайдиганлар тоифасида келтирса-да, баъзи ўринларда шундай ҳадислар учрайдики, улар бир-биридан кўпда фарқ қилмайди ёки бўлмаса бир далил ёнида айна шунга ўхшаш иккинчи бир далил ҳам келтиради. Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, бир ҳадиснинг маъносини бошқа ўринда келтирилган иккинчи ҳадис қисман тўлдиради. Имом Муслим асарида мана шундай ҳоллар учрашини эътиборга олиб, уларни ўрганиш ва таҳлил қилишда чуқур илмий нуқтаи назардан қараш зарурдир.

3. Қитоб муқаддимасида келтирилган фикр-мулоҳазалар ҳам диққатга сазовордир. Уларда ҳадисларни йиғишдаги умумий тартиб-қоидалар, уларни тоифаларга ажратиш, эътимод қилинадиган (яъни эътиборга олинадиган) ровийлар ёки шунинг акси ҳақида ҳам фикр юритилади:

а) Муслим саҳиҳ ва иллатли (ноқис) ривоятлардан воз кечиб, тўғри ҳадисларни ривоят қилишда имкон қадар туҳматчи ва бидъат аҳлларида сақланишга чақиради. Бу фикрдан шундай хулоса қилиш мумкинки, Имом Муслим ҳадисларнинг мазҳаби, масдари (асоси, келиб чиқиши) аниқ ва тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг уларни ривоят қилган. Эшитган нақллари таҳқиқ этиб ислоҳ қилган, ровийларни обдон текшириб, аниқ ва ишончли даражага етишиш унинг учун қатъий қоида бўлган. У ўз динига содиқ киши сифатида шубҳали

ровийлар ва бидъатчи даъватчиларнинг ривоятини сира қабул қилмаган (тан олмаган); .

б) Муслим инкор қилинган ҳадисларнинг белгиларини баён қилади. Инкор этиш эса ҳадис ёзганлар ва маъқул топилганларга солиштириш (муқорака) қилиш орқали бажарилади. Агар мазкур ҳадис уларнинг ривоятларига хилоф чиқиб қолса ёки унчалик даражада мувофиқ келмаса, инкор қилинган ҳисобланади ва у қабул қилинмай, истъомолдан чиқарилади ва унга таянилмайди ҳам;

в) фақат аниқ бир ровий томонидан айtilган ҳадисларни бўлимларга тақсимлаб қабул қилади;

г) муқаддимада келтирилган батафсил маълумотларда Муслим ибн ал-Ҳажжождан олдин ўтган тобеинлардан чиққан улуғ олимлар ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳадис илмида беъътиборлиikka йўл қўймасликни уқдиради, чунончи бу илм диндир. «Динингизнимадан олинаётганига назар солинг», деган оят бор. Далил (иснод)га қатъий амал қилишга эътиборни қаратади. Дарҳақиқат, иснодга диннинг бир қисми сифатида қаралади, чунки иснод бўлмаса, ҳар ким хоҳлаганини гапиради. Кимки салафларни ҳақорат қилса, ёлғончи, каззоблардан, ишончсиз кишилардан бўлса, улардан ҳадис олмасликка чақиради. Ҳадис аҳлларининг сир-синоатини билишга жидду жаҳд кўрсатмай. Ғафлатда қоладиган солиҳ одамлардан ҳадис ёзиб олишда эҳтиёт бўлишни таъкидлайди, чунки уларнинг ўзлари билмасдан туриб хато қилиб қўядилар. Ёлғон-яшиқни ривоят қилиб, ҳаттоки унинг ёлғонлигини ҳам билмайдилар. Шунингдек, қиссахонларнинг сўхбатидан узоқда бўлишни, хорижийлардан, метемпсихозларга иймон келтирадиганлардан ҳадис олмасликка чақиради. Муқаддимада, шунингдек, бир қанча тоифа ровийлар зикр қилнадики, уларга сира ишонмаслик кераклиги таъкидланади: улар жумласига каззоблар, субутсизлар, айтган ҳадиси ишончсизлар, шубҳалилар, ҳадис соҳиби бўлмаганлар, заифлар, ёлғонга майли борлар, ҳадиси истъомолдан чиққанлар киритилган. (Муқаддима Саҳиҳ Муслим, 9—21-бетлар)

«САҲИҲ МУСЛИМ»ДА ИСНОД (ДАЛИЛ) ВА МАТН МАСАЛАЛАРИ

Мукаммал ҳадис, асосан, икки муҳим қисмдан ташкил топади:

1. ИСНОД (ДАЛИЛ) У нимадан иборат? Иснод — ровийлар силсиласи (кетма-кетлиги) ёки бўлмаса шундайасосли далилки, айтилаётган ҳадис пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларидан содир бўлганлигини тасдиқлайди, адолатли ровийлар томонидан ҳадисларнинг бир-бирига узлуксиз равишда уланиб кетишини шарт қилиб қўяди. Масалан, бирон ҳадисни айтгувчи ровий: «Менга фалон ровий фалондан ривоят қилган, бизга фалон ровий панғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилган эди, деган даражага етнши зарур».

2. МАТН. Бу айнан Муҳаммад алайҳиссаломдан қилинган ривоятдир.

Ҳадис илми билан шуғулланувчилар (муҳаддислар) азалдан иснод масаласига алоҳида аҳамият берганлар. Шу туфайли ҳам ровийларни аниқлашга, улардан эшитган ҳадисларнинг қанчалик тўғрилиги, аниқлиги ва ишончлилигига, иснодларнинг бир-бирига бекаму кўстуланнб кетишига ўта жиддий ва катта масъулият билан қараганлар. Чунончи, исноднинг тўғри ва аннқлиги ҳадиснинг тўғрилиги (саҳиҳлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Иснод билан бевосита ҳадис ўртасидаги тўғрилиқ даражасини ҳам фарқлаб берадилар. Шу боисдан ҳам исноднинг тўғрилиги ҳақида узил-кесил айtilган фикрдан ҳар доим ҳам саҳиҳ ҳадис ҳосил бўлавермаган ҳолларини ҳам учратамиз. Шунингдек, баъзан ишончли иснодсиз матн саҳиҳ ҳоллари ҳам амалда учраганини кўраамиз. (Қараиг: Ал-Боис ал-хасийс, 46-бет)

Бу фикримиз хусусида таниқли олим ан-Нававий шундай деган: «Илм ул-ҳадийсдан мурод шуки. матнларнинг маъноларини ва илм ул-иснод ва ал-муаллал (иллатлари)ни таҳқиқ қилишдир. Иллат — бу баъзан ҳадиснинг маъносида яширин (махфий) ҳолатда бўлиб, ҳадисни заифлаштиришга олиб келади, гарчанд зоҳиран бу ҳадис тўғри (саҳиҳ)дек туюлса ҳам, иллат баъзан матнда, баъзан иснодда бўлади. Илм ал-ҳадисдан мақсад фақат ҳадис тинглаш, ёки

бошқаларга эшиттириш, ёки уларнинг китобати билан шуғулланиш эмас, балки ҳадисларни чуқур таҳқиқ қилиб, унинг матн ёки иснодда бекиниб (яшириниб) олган маъноларини излаб топиб, улар хусусида фикр-мулоҳаза юритиш, бу тарздаги тадқиқот ишларига тўхтовсиз, изчил равишда аҳамият бериш, ҳадисларни билган ровийларни ўрганиш, улардан эшитганларини муқорана этиб, ҳадис илми ҳақида таҳқиқот аҳллариининг китобларини муттасил мутолаа этишдир». (Шарҳ Саҳиҳ Муслим, 1-жилд, 47-бет)

Муслим ибн ал-Ҳажжож мана шу тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиб, ҳам иснодга, ҳам матнга алоҳида аҳамият берди. Ан-Нававий бу ҳақда: «Аллоҳ раҳмат қилгур Имом Муслим ўзининг «Саҳиҳ» китобида аниқлик (иткон), эҳтиёткорлик (ихтиёт), тадқиқот (тадқийқ) ва таҳқиқот (таҳқийқ)ни мухтасар балоғат ва мукамал ийжоз илмлари билан қўшган услубда ижод қилган. У бу асарида ўзининг ғоятда чуқур ва кенг қамровли илмини, фикр-мулоҳазасининг ўткирлигини ва улкан иқтидорини намоён қилган. Бу ҳолатлар баъзан иснодда, баъзан матнда, баъзан эса бу иккаласида ҳам зоҳир бўлади», (Шарҳ Саҳиҳ Муслим, 1-жилд, 151-бет) деб ёзган. Шунинг билан бирга адолат юзасидан қарайдиган бўлсак, имом Муслим иснодга алоҳида эътибор берганлигини кўрамыз. Бу хусусда ҳам ан-Нававий «Мен аниқ биламанки, илм ул-исноднинг нозик нуқталарига етишишда биронта олим Муслим ибн ал-Ҳажжожга баробар бўлганлиги маълум эмас. Гарчанд Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ» китоби ғоятда тўғри (саҳиҳ), энг эътиборли ва аҳкомлару маъноларда ғоятда фойдали асар бўлса-да, Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» китоби иснод санъатининг устунлиги билан ажралиб туради», (Шарҳ Саҳиҳ Муслим, 1-жилд, 151-бет) деб таъкидлаган.

Умуман олганда иснод билан матн бир-бири билан узвий боғлиқ, яхлит унсурлар бўлиб, ҳадис илмида муҳим ўрин эгаллайди. Бу истилоҳлар бизда ҳали чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинмаганлигидан бу масалаларга батафсил тўхташни лозим топдик. Фикр-мулоҳазаларимиз, табиийки, Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асари билан чамбарчас боғлиқдир.

ИСНОД

Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асарини таҳлил қилар эканмиз, энг аввало иснод бобида қуйидаги хусусиятларига эътибор бермоғимиз зарур.

1. Бирор ҳадиснинг исноди, унинг нақли ҳақида гапирар экан, муаллиф хилма-хил ибора ва истилоҳларни ишлатгани алоҳида кўзга ташланади. Мисол учун: менга сўзлади (ҳаддасаний), бизга сўзлади (ҳаддасано), менга хабар берди (ахбараний), бизга хабар берди (ахбарано), мен эшитдим (самиату), менга фалон ўқиб эшиттирди (қараъ аълайя фулон) кабилар келтирилади. Бу келтирилган иборалардан кўриниб турибдики, ва биз учун энг муҳими, ўз устоз (шайх)ларидан ёлғиз ўзи эшитганларини (ҳаддасаний — менга сўзлади) деб алоҳида таъкидлаб, кўпчилик бўлиб эшитганларини жаддасано (бизга сўзлаб берди) деб ҳам алоҳида ибора билан кўрсатган. Шунингдек, ахбараний (менга хабар берди) деб шайхи бир ўзига айтган ҳадисларига ишорат қилса, ахбарано (бизга хабар қилди) деб кўпчилик бўлиб ҳадис тинглаганини ҳам алоҳида уқтиради.

2. Агар ҳадис ровийси бир киши бўлмай, бир нечта бўлиб, лекин лафзда (сўзма-сўзликда) улар ривоятларида озроқ фарқ бўлса ҳам маъно битта бўлган ҳолларда муаллиф иснодда уларнинг ҳаммасини бирлаштириб жамлайди. Шундан кейин ҳадисни улардан бирортасининг лафзи асосида баён қилади ёки бўлмаса улар ривоятлари асосида таълиф битади. Бу ҳақда ҳадис ривоятидан кейин зикр қилади, агарки лафзда бирон-бир фарқ бўлмаса, унга ишорат қилмайди. Булар ҳаммаси муаллиф ўз асарини яратишга ғоятда катта масъулият ва эътибор билан қараганлигини кўрсатади. Бу фикримизга биргина мисол келтирамыз: Бизга Аҳмад ибн Ҳанбал Зухайр ибн Харб сўзлади дейилиб, Зухайрнинг лафзи келтирилади ва улар икковлари айтдилар: «Бизга Яҳья сўзлаб берганди. У ал-Қаттон бўлиб, у ҳам Убайдуллоҳдан олиб сўзлаган эди»... (Китоб ал-буйуъ—5-жилд, 26-бет)

3. Башарти ҳадис ровийларидан биронтаси элу халққа етарли даражада таниш бўлмаса, бундай пайтларда муаллиф у ровий ҳақида баъзи маълумотларни келтириб, уни бир қадар ўқувчига таништириб, уни бошқа ровийлар билан алмаштириб юбориш ҳолларига барҳам беради. Кўпинча ундай ровийлар ҳақида муфассал ёзиб, бу фикрларини баъзан исноднинг ичида билдирса, баъзан эса ҳадисни ривоят қилгандан кейин қайд қилади. Мисол учун: «Менга ал-Ҳасан ибн Али ал-Хулвонийнинг ўзи сўзлаб берди, бизга Абу Туба—у ар-Робийъ ибн Нофиъдир; бизга Муавия, яъни ибн Салом Зейддан — у унинг акасидир — эшитганини сўзлади, у (Зейд) Абу Саломдан эшитган экан: у деди» (Саҳиҳ Муслим, Китоб ат-таҳорат, 1-жилд, 173-бет)... Яна бир мисол: «Бизга Убайдуллоҳ ибн Муоз ал-Анбарий сўзлади, бизга отам сўзлади; бизга Шуъба сўзлади, у Қатодадан —у Абу Аюбдан сўзлади— унинг тўлиқ исми Яҳъя ибн Молик ал-Аздий—уни ал-Ма-роғий деб атайдилар, ал-Мароғ-Азднинг бир маҳалласидир (кварталдир)—у Абдуллоҳ ибн Амрудан, у эса пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилади». (Саҳиҳ Муслим, 2-жилд, 104-бет)

4. Бир ҳадисга бир жойнинг ўзида кўпдан-кўп иснодларни келтириш ҳоллари кўп учрайди. Бу муаллифнинг иснод ва ровийларининг кўп бўлишига алоҳида эътибор берганлигини кўрсатади. Бу масалани Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг «Саҳиҳ» асари тадқиқот-чилари ҳам алоҳида таъкидлаганлар. Чунончи, бир ҳадисга шун-чалик кўп иснодлар келтирилиб, китобдан кўп ўрин эгаллаганлигини, шу билан бирга улар ҳаммаси «ан-набий саллаллоҳу алайҳи васаллам», «бимислуҳи» ёки «бимасалиҳи» ёки «биҳазол иснод» деган иборалар билан тугалланган. Саҳиҳлиги исботланган ҳар бир ҳадисга бир иснод кифоя қилиши мумкин бўлса-да, муаллиф иснодлари кўп бўлишига алоҳида эътибор берган. Шунингдек, бир ҳадис маъносининг саҳиҳлигини бошқа ҳадислар ифодасида ҳам баён қилиб, улар тасдиғини янада кучайтириш ҳолларига ҳам асарда бир қадар ўрин берилган. Бир ҳадис, масалан, саҳиҳлпгн турли йўллар билан тасдиқланса ҳам, ҳадис илми учун олтин аср ҳисоблангаи ўша даврнинг талаби—имкон борича иснодга алоҳида эътибор беришднр, бу эса, ўз навбатида, келтириляётган ҳадиснинг тўғрилиги, ишончилигига етарли асос ҳисобланади.

5. Иснод ровийлари (аҳллари)нинг адади ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш керакки, Муслим ибн ал-Ҳажжож билан пайғамбар алайҳиссалом ўртасидаги ровийларнинг адади тўрттадан тўққизтагача етади. Шу билан бирга, атиги бир нечтагина ҳадислар борки. улар иснодларининг ровийлари тўққизтадан ортиқроқдир. Ровийларнинг сони тўққизта бўлган ҳадислар ҳам унчалик кўп бўлмай, «Саҳиҳ» Муслимнинг ҳар бир жилдида еттита шундай ҳадис учрайди. (Ҳофиз Зиёуддин ял-Масиқдий дсган олим ровийлари тўққизта бўлган ҳадисларни «Тисъаийят Муслим» номли бир рисолага жамлаган бўлиб, унинг қўлёзмаси аз-Зоҳирия (Сурия) кутубхонасида (ҳадис раками 348) сақланади (50—55 варақлар).)

6. Иснод ровийлари (аҳллари)нинг адади ҳақида гап кетганнинг икки ёки ундан ортиқ исноди бўлса, бундай ҳолларда Муслим ибн ал-Ҳажжож уларни бир матнга жамлайди. Бир исноддан иккинчи бир иснодга таҳвийл қилаётган вақтда уки ҳ (г) ҳарфи билан белгилайди ва уни «Ҳа ат-таҳвийл» деб номлайди. Сўнгра ушбу ҳадисни ўша иснодлардан бири билан тўлиғича ёки қисман боғлаб баён қилади. Бу фикримизга бир мисол келтирамиз: «Муҳаммад ибн ал-Мусанно бизга айтди, аз-Заҳҳок—яъин Абу Осим ҳ (г) бизга айтди, менга Маҳмуд ибн Ғайлон айтди, Абдураззоқ бизга айтди улар иккаласи деди: бизга ибн Журайж айтган эди, менга ибн Шиҳоб айтгани ва ҳоказо»... ёки бўлмаса яна бир мисол: «Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг сўзи: «Аҳмад ибн Юнус бизга антди, Зуҳайр бизга айтди, Абу Исҳоқ бизга айтди (ҳ) ва Яҳъя ибн Яҳъя бизга антди. Абу Исҳоқдан Абу Ҳайсама бизга хабар бериб деганди...» Бу ўрнда Абу Исҳоқ икки марта энкр қилинди. Бунинг боиси (сирн) шундаки, Зуҳайр айтаётир: «Бизга Абу Исҳоқ айтган эди». Аммо Абу Ҳапсама бўлса у: «Абу Исҳоқдан». Гап шундаки, булар нккаласини жам қилиш мумкин эмас. чунки улардан ҳар қайсиси айтаётган ҳадисни бир-биридан мустақил холда алоҳида нақл қилаётир. Булар ҳаммаси Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг ўз асарини яратишда нафис ва дақийқ услубларни қўллаганига яна бир қарра ёрқин мисолдир.

MATH

Муслим ибн ал-Ҳажжож матнга, яъни ҳадиснинг матнига ҳам алоҳида аҳамият берган. Бу борада унинг баъзи хусусиятлари ва тартиботлари ҳақида тўхталамиз. Энг аввало, шуни қайд қилиш керакки, иснод ва матн бир-бирини тўлдириб, уйғунлашган бўлсагина тўла-тўқис, мукамал бўлади. Бир-бири билан узвий боғлиқлиги туфайли ҳам баъзан уларни бир-биридан ажратиш мушкул бўлади.

1. Ҳадиснинг матни исноц билан кетма-кет келади. У билан узвий равишда боғланган бўлади. Муслимнинг «Саҳиҳ» асариде атиги исноди бўлмаган биттагина ҳадис, у ҳам бўлса асарнинг муқаддимасиде келтирилган. Муслим айтган: «Ойша разияллоҳу анҳудан зикр қилинадики, у шундай деган экан:—Расулulloҳ бизга: «Барча одамлар ўз манзилларига жойлашсинлар»,—деб амр қилдилар». (Саҳиҳ Муслим, 1-жилд, 5-бет)

2. Олдинроқ зикр қилганимиздек, Имом Муслим ҳадис матнини сақлашга алоҳида эътибор бериб, гарчанд, матнлар орасидеги фарқ унчалик катта бўлмаса ҳам барибир уларни алоҳида ажратиб кўрсатади. Иборалари жиҳатидан икки хил иснодга эга икки ҳадиснинг матни бир хил бўлиб, бошқа бирор жиҳатдан улар ўртасиде фарқ бўлса, бундай ҳолларда муаллиф аввал биринчи ҳадиснинг матнини тўлиқ келтириб, кейин иккинчи ҳадиснинг нима билан фарқ қилишини акс эттиради ва қайси жиҳатдан биринчи ҳадис билан ўхшашлигини баён қилади. Бу фикримизга Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг асаридан баъзи мисоллар:

«Аҳмад ибн Абда ад-Даббий бизга айтди: Абдулазиз ибн Муҳаммад ва Абу Аълқама ал-Қаравий бизга дедилар: Расулulloҳ айтдилар: Аллои таоло Иамандан шундай шамол юборадиларки, у ҳарирдан ҳам майиндир. Ҳеч бир кишининг дили бундан озор кўрмайди. АбуАълқама деди: Ҳаббанинг бир мисқолидир ва Абдулазиз эса: Зарранинг бир мисқолидир,— деди». (Саҳиҳ Муслим, 1-жилд, 76-бет)

«Муҳаммад ибн ал-Мусанно бизга деди, Шаъба бизга шундай деди: Йавм ул-аҳзоб (Аҳзоб— Мадина шаҳри учун пайғамбарга қарши курашган гуруҳлар шундай дейилади) Расулulloҳ дедилар: «Улар бизни салот ул-вустодан то қуёш ботгунча бизларни безовта қилиб турдилар. Аллоҳ уларнинг қалбларини ёки ўйларини ёки қоринларини оловга тўлдирган эди». Муҳаммад ибн ал-Мусанно бизга деди: бизга Ибн Аби Аддий—Саийддан— у эса Қатодадан ушбу иснод билан деганди: у айтди: «уларнинг ўйларини ва қабрларини». (Саҳиҳ Муслим, 2-жилд, 111-бет.)

3. Баъзи ҳолларда Муслим ибн ал-Ҳажжож матн зикрини эслатмасдан, фақат иснод зикри билан кифояланади, баъзан эса ҳадиснинг исноди ҳам. матни ҳам келтирилади, бунга мисоллар ҳам келтирилган—фақат икки ривоятнинг ўртасиде—баъзи фарқларга ишорат қилади. Масалан: «Шайбон ибн Фаррух бизга сўзлади: Собил ал-Баноний Анас ибн Молиқдан бизга сўзлади: Расулulloҳга Жаброил алайҳиссалом келди. Расулulloҳ болалик чоғларида тенгқурлари билан ўйнар эди, Жаброил Расулulloҳни қучоқлаб олиб ерга ётқизди».

4. Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг одатидан бири шу эдики, у аввал мансуҳ (бекор қилинган) ҳадисни зикр қилиб, ундан кейин носих (бекор қилувчи) ҳадисни келтирар эди. Баъзан муаллиф матнда унга тегишли бўлмаган (баён)ларни ҳам келтиради.

5. Муслим ибн ал-Ҳажжож ҳадиснинг барча усулларини (услугларини) бир ўринда зикр қилади. Мана шу қоидага эътиборан ҳадиснинг матни ҳам мана шу ўринда келади. Ушбу ҳадис бир нечта фикр-мулоҳазаларни ўз ичига қамраса, муаллиф уни мана шу фикр (маъно)лардан бирига алоқадор ўринда келтиради—демак, ҳадис фақат мана шу жойдан бошқа жойда келтирилмайди. Жуда камдан-кам ҳолларда ушбу ҳадиснинг матни айнан шу исноди ёки бошқа иснод билан бўлак жойда ҳам зикр қилинади. Масалан, «ал-Либос ва-з-зийнат» («Кийимлар ва зебу-зийнатлар») китобида қуйидаги ҳадис «Йўлларда ўтириш ва йўлнинг ҳақини бериш» бобида такрорланади. Менга Сувайд ибн Саъийд чйтди: менга Ҳафс ибн Майсара Зайд ибн Асламадан, у Аъто ибн Ясрдан, у Абу Саъийд ал-Худрийдан, у эса пайғамбар алайҳиссаломдан

айтди. Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: Йўлларда ўтиришдан сақланинглари,—дедилар.

Ё Расулulloҳ: Биз йўлларда фақат суҳбат қуриш мақсадида ўтираминиз, — деб жавоб бердилар. Пайғамбар алайҳиссалом:—Йўлларда ўтиришдан воз кечмас экансиз, унда зинҳор йўлнинг ҳаққини беринглари,—дедилар. Улар ундан: Йўлнинг ҳаққи нимадур? —деб сўрадилар. Пайғамбар алайҳиссалом: «Йўлдан ўтган— қайтганларга ҳадеб қарайвермаслик (ғаддул басар), ўтувчиларга озор етказмаслик (каффул азйа), саломга алик олиш (раддус салом), амрул маъруф билан шуғулланиш ва гуноҳ нарсалардан ўзни тийишдир» (Саҳиҳ Муслим, 6 жялд, 1656бет)—деб хитоб қилдилар. Айнан шу ҳадис шу исноди билан «Ас-салом» китобида «мин ҳаққи-л-жулус аъло-т-та-рийқ радди-с-салом»—«йўлда ўтиришнинг ҳаққи саломга алик олиш» бобида шу тариқа келтирилади: Бизга Сувайд ибн Саъийд хикоя қилди, бизга Хафс ибн Майсара Зайд ибн Асаламадан, Аъто ибн Ясордан, Аби Саъийд ал-Худрийдан. у эса пайғамбар алайҳиссаломдан. Пайғамбар алайҳиссалом: «Йўлларда ўтиришдан сақланинглари», дедилар. Унга: «Ё Расулulloҳ! Биз йўлларда фақат суҳбат қуриш мақсадида ўтираминиз»,—деб жавоб қилдилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Йўлларда ўтиришдан воз кечмас экансиз, унда албатта йўлнинг ҳаққини беринглари»,—дедилар. Улар ундан: «Йўлнинг ҳаққи нимадур?» — деб сўраганларида, Расулulloҳ:«Йўлдан ўтган-қайтганларга ҳадеб қарайвермаслик, ўтувчиларга озор бермаслик, саломга алик олишлик, амрул маъруф билан шуғулланиш, гуноҳ нарсалардан ўзни тийишдур» (Саҳиҳ Муслим, 7- бет) деб хитоб қилдилар.

7. Баъзан ҳадиснинг матни чўзилиб кетиб, у бир неча саҳифаларни ташкил қилган ҳоллари ҳам учрайди, баъзан эса жуда қисқа—атиғи икки-уч сўздан иборат ҳадислар ҳам учрайди. Бунга мисол тариқасида пайғамбар алайҳиссаломнинг «ал-айну ҳаққун» («кўз ҳақиқатгўйдир») деган ҳадисларини келтиришимиз мумкин.

Энг аввало, «Саҳиҳ»га киритилган ҳадисларнинг ҳаммасининг ҳам тўғри ва ишончилиги исботланганми,—деган савол туғилиши табиийдир. Бу хусусда биринчилардан бўлиб Ибн ас-Салоҳ (643 ҳижрий йилда вафот этган) шундай деб ёзган: «Аллоҳ раҳмат қилгур Муслим ибн ал-Ҳажжож ўз китобида тўғрилигига ҳукм чиқарган барча ҳадислар ҳеч шубҳасиз саҳиҳ ҳадислардир. Наза-рий илм ҳам уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Худди шунингдек, Имом ал-Бухорий ўз китобида тўғри деган ҳадислар ишонарли (саҳиҳ)дир Бунга асос шуки, бир овоздан маъқул топган бўлса ҳам ёки ихтилоф билдирган бўлса ҳам ислом олами уларни бажонудил қабул қилган эди». (Ан-Нававий, Шарҳ Саҳиҳ Муслим, 1-жнлд, 19-бет)

Имом Муслим ўз китобини ёзиб тугатгач, Абу Заръага кўрсатганлиги ва у қайси ҳадисни иллатли деган бўлса, уни китобдан чиқарганлиги ҳақида аввалроқ зикр қилган эдик. Шу билан бирга Имом Муслимнинг ўзи ҳам китобининг манбалари ҳақида ёзиб, ўз «Саҳиҳ»ига бир овоздан, яқдиллик билан маъқуллаган ҳадисларни киритганлиги, унга киритилган ҳар бир ҳадис фақат исбот-далил билан чиқарилганлигини таъкидлайди. Шу билан бирга Ибн ас-Салоҳнинг ёзишича, Муслим ибн ал-Ҳажжож ўз китобига тўғрилиги мунозарали ва баҳсли (ихтилофли) бўлган кўпдан-кўп ҳадисларни ҳам киритган. Саҳиҳ ҳадисларнинг ровийлари хусусидаги муаллиф шартлари турли уламолар томонидан турлича талқин қилиниши ҳам муайян даражада бу хусусда баъзи ихтилофларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Ибн ас-Салоҳ таъкидлашича, саҳиҳ ҳадисларни аниқлашда Имом Муслим ўзига хос меъёрлар ишлаб чиққан бўлиб, мана шу меъёрлар асосида асар?. киритилган ҳадисларни у (Муслим) шубҳасиз саҳиҳ ҳадислар деб ҳисоблаган. Бу мантиқан ғоятда тўғри фикр. Шу боисдан ҳам Муслим учун ишончли бўлган ҳадис ровийси, бошқа бир олим учун унчалик ишончли бўлмаганлигини ҳам назарда тутиш керак.

Имом Муслимга билдирилган таъналардан яна бири «саҳиҳ» китобида ривоят қилинган бир гуруҳ ровийлар заиф ва саҳиҳ ҳадисларнинг шартларига жавоб бера олмайдиган, ўртача (мутаваситун) ровийлар бўлганлиги айтилади. Ибн ас-Салоҳ бу фикрни ҳам рад қилиб, уларга қарши қуйидаги хулосаларни илгари суради:

а) ушбу ровийлар Имом Муслим учун ишончли (сиқатун) ва ундан бошқалар, хусўсан таъна

қилувчилар учун заиф ровийлар ҳисобланган. Чунончи, маълумки, Имом Муслим фақат сабабини

тафсир қилгандан кейингина, ноқис (иллатли) ҳадисларни қабул қилган;

б) бу ҳол баъзан муаллифнинг сўзи билан ифодаланган ўрин па кўринишларда зоҳир бўлиб, асосий услуб (ал-усул)га тегишли эмасдир. Бу шундай пайтлардирки, Имом Муслим бирон ҳадисни аслий, соф (назийф) иснод билан зикр этади, унинг ровийлари ишончли бўлиб, у асл ҳадис деб қабул қилинади. Шундан кейин муаллиф яна бошқа бир ёки бир нечта иснод келтирадики, улар асил ҳадисни янада бойитиб, (бил-мутобааъ) таъкидлайди ёки бўлмаса унга янги мазмун киритади. Айни вақтда бу ҳол заиф ровийларнинг ривоятидан ҳеч бир зарар кўрмайди, чунончи унинг ғоятда ишончли саҳиҳ асли ҳеч бир ҳалалсиз сақланиб қолган бўлади;

в) ровийнинг заифлиги кейинроқ, яъни Имом Муслим ундан ҳадис эшитгандан сўнг содир бўлган. Шу боисдан олдинги ҳолати тўғри бўлган ва уни заифликда айблаш тўғри бўлмайди;

г) заиф шахс ривоят қилган ҳадиснинг исноди олий (мустаҳкам) бўлиши мумкин. Мазкур ҳадиснинг ўзи балким Имом Муслим ибн ал-Ҳажжожга ишончли йўллар орқали ривоят қилинган-у, лекин исноди пастлашиб кетадиган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда юқорироқ иснод билан чегараланиб, баён чўзилиб кетмаслиги учун қолганлари (яъни исноди ишончсизроғи) қўшимча қилинмайди ва баён қилинадиган ҳадисни яхши биладиганлар билан кифояланади (яъни заифроғи киритилмайди). Имом Муслимнинг ўзи ҳам бу масалани батафсил тушунтирган. Бинобарин, бу ҳол унинг фаолиятида жуда жўшқин ва самарали кўринишда намоён қилинган. Чунки Имом Муслимнинг одати шундай бўлгандики, у энг аввал ишончли ровийларни, ундан кейин эса силсила учун бошқаларни келтирган.

Бу ўринда бир ҳақиқат борки, ундан кўз юммаслигимиз керак. Заиф ровийлар ҳам келтирилиши керакки, бу хусусда баъзи олимлар ҳам ўз фикрларини баён қилганлар. Масалан, «Улум ал-ҳадийс» китобида «Фалон ровий бу билан эътибор қозонади, фалон ҳеч қандай эътиборга молик эмас»,—деган фикр билдирилган. Ровийларнинг заиф томонлари кўпдан-кўп ва турли хил бўлиб, албатта камроқ даражада Имом Муслим фаолиятида ҳам учрайди. Аммо, кўпинча муаллиф уларнинг ҳадисларини келтирмасликка ҳаракат қилганлигини кўрамайди.

1. Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асарига шундай бир ҳадис келтирилган: «ло тасуббуу асҳобий...» Бу ҳадис Яҳья ибн Яҳья, Абу Бакр ва Абу Қурайбдан ривоят қилиниб, улар уччаласи Абу Муовия, Аъмаш, Абу Солиҳ, Абу Ҳурайрадан ривоят қилганлар.

Баъзи олимларнинг фикрича, Имом Муслим бу ҳадиснинг иснодида хатога йўл қўйган, чунончи, уч ровий (Яҳья ибн Яҳья, Абу Бакр ва Абу Қурайб) ушбу ҳадисни «Абу Муовия, Аъмаш, Абу Солиҳ ва Абу Саъийддан ривоят қилган эдилар. Барча одамлар шу тариқа ривоят қилганлар, худди шу тарзда Ибн Можа ҳам ушбу ҳадис бўйича Имом Муслимнинг устозларидан бири Абу Қурайбдан ривоят қилган. Тарихчи Ас-Суютий «ушбу хато Имом Муслим шу ҳадисни ёзиб олаётган пайтда содир бўлиб, лекин унинг ҳафзида (ёдлашида) бунақа хато бўлмаган» (Ат-Тадрийб, 110— 111-бетлар) деб таъкидлайди.

2. Муслим ибн ал-Ҳажжож асарининг матни тескари (мақлуб) айлантирилган ҳадис ҳам учрайди. Ушбу ҳадис «садақа қилувчининг садақаси» (шу даражада) бекитилган бўлиши керакки, ҳатто чап қўли билан берган садақасини ўнг қўли билмасин». (Саҳиҳ Муслим, 3-жилд, 93-бет) Ушбу ҳадис матн ровийларнинг бирининг айби билан бир қадар ўзгартирилган ва Муслим ҳам шу зайдда келтиради. Аслида бу машҳур ҳадис «Саҳиҳ Бухорий»да келтирилганидек, «ҳатто ўнг қўли билан берган садақасини чап қўли билмаслиги керак» тарзида бўлмоғи керак.

3. Бидъат асҳобларининг ривоятларини қабул қилиш борасида ҳадис билан шуғулланадиган олимлар ўртасида ҳар хил фикрлар мавжуд. Улар бу хусусда батафсил мулоҳаза билдирганлар. Имом Муслим Абдулҳамид ибн Абдурахмон ал-Ҳимонийни (у муржийлар тоифасига даъват қилувчилардан эди) исбот тариқасида келтиради. Лекин Имом Муслим унга таяниб, биронта

ҳам ҳадис ривоят қилмайди, фақат ал-Муқаддимада ундан баъзи ривоятлар келтиради.

Шу боисдан ҳам кўп олимлар бу ҳолатни алоҳида таъкидлаб, Муслимнинг «Саҳиҳ» асарига ровийларни ҳам, китоб муқаддимасида келтирилган ровийларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатганлар.

4. Маълумки, бутун ислом жамияти Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асарини, айрим олимлар ва тадқиқотчилар томонидан заиф ҳисобланган баъзи ҳадисларидан ташқари, тўлиғича қабул қилган.

Заиф деб ҳисобланган ҳадис «ас-саҳиҳ маллалан фи матниҳи иллат» деган ўринда келганки, буни фақат Имом Муслимнинг ўзи «Саҳиҳ» асарида зикр қилган. Бу ҳадисни Имом Муслим Анас ибн Молнқдан ривоят қилган бўлиб. «бисмиллоҳ» қироатининг керак эмаслиги ҳақидадир. Анас ибн Молик деди: «Мен, Абу Бакр, Умар, Усмон пайғамбар алайҳиссаломнинг орқаларида туриб намоз ўқидик. Улар ҳаммалари намознинг на аввалида, на охирида «бисмиллоҳ» раҳмонир роҳийм»ни зикр қилмасдан «алҳамдулиллоҳи раббил олабийн» деб намозни бошладилар». (Саҳиҳ Муслим, 2-жилд, 12-бет) Қавмлар ушбу ҳадисни заиф) ҳисоблаб, ундаги иборани. яъни «бисмиллоҳ» қироатини «керак эмас» деган фикрни билдирдилар. Чунки бу ҳадиснинг аксар ровийлари «бисмиллоҳ» нинг зикри хусусида ҳам ҳеч қандай эътироз билдирмаганлар. Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим ҳам ўз «Саҳиҳ» асарларида ушбу фикрга қўшилганлар. Лекин. Анас ибн Моликнинг фикрига қўшилганлар ҳадиснинг маъносига қараб фикр келтирганлар. Чунки, улар тушунгани «бисмиллоҳ»ни айтмай «алҳамдулиллоҳ» деб бошлаганларининг боиси шундаки, улар намозни Қуръони Қаримдаги «Ал-Фотиҳа» су-расидан бошлаб, ундаги биринчи оят «алҳамдулиллоҳи раббил олабийн»ни зикр қилганлар. Бунга қўшимча қилиб шуни таъкид-лаш керакки, Анас ибн Моликдан пайғамбар алайҳиссаломнинг намоз ифтиҳодидаги овоз чиқариб ўқийдиганлари ҳақида сўрашганда. бу хусусда ҳеч нарса эслай олмаслигини қайд қилган.

5. Ал-Инқитоъ (узилиш).

Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асарида келтирилган ҳадислардан ўн учтасининг иснодида узилиш (инқитоъ) юз берган. Узилиш юз берган ҳадислар икки хил бўлиб, улар заиф ҳадислар таркибига киради, биринчиси исноддан бирор ровий тушиб қолган, иккинчи хилда эса иснодда зикр қилинган ровийлар ноаниқ, шубҳали бўлади. Уламолар ушбу иснодлар ўртасида қандайдир боғлиқлик борлигини «Саҳиҳ Муслим»даги бошқа баъзи йўллар орқали ёхуд бошқа муҳаддисларнинг китоблари воситасида бўлса-да, баён қилганлар. Бу борада тарихчи ас-Суютийнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир. Мисол тариқасида улардан иккитасини келтираемиз:

а) Ҳумайд ат-Тавийл Абу Рофиъдан, у Абу Ҳурайрадан ҳадис—у пайғамбар алайҳиссаломнинг Мадина шаҳрининг йўлларида бирида учратган ва ҳоказо... Тўғриси бундай бўлмоғи керак: «Ҳумайд ат-Тавийл Абу Бакр ал-Музанийдан, у Абу Рофиъдан... Худди шу тарзда кўп муҳаддислар ҳам бу ҳадисни зикр қилганлар;

б) Ас-Соиб ибн Язид, у Абдуллоҳ ибн ас-Саъдийдан, у Умардан—аъто ҳақида. Тўғриси бундай бўлмоғи керак: «Ас-Соиб Хувайтаб ибн Абдулаззадан». Ҳофизлар шу зайлда зикр қилганлар; Муҳаддис ан-Насоий деган: Ас-Соиб ибн Саъдийдан ҳеч қандай ҳадис эшитмаган. Имом ал-Бухорий ва Ан-Насоий тартиб берганларидек, бу ҳадисни Хувайтабдан, у (Хувайтаб) эса Ибн Саъдийдан ривоят қилган ва ҳоказо.

Мана шу тариқа узилиш содир бўлган ўн учта ҳадисга ҳам муқорана сифатида тўғри шакллари келтирилади.

6) Ат-Таълийқ.

Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг «Саҳиҳ» китобида ўндан ошиқ (адислар борки, уларнинг баъзи ровийлари шубҳали (ноаниқроқ) ёки иснодининг бошидан бир ёки ундан ортиқ ровийси тушиб қолган. Бу хилдаги ҳолатларни уламолар «таълийқ» ёки «ал-аҳадийс ал-муаллақа» деб номласалар-да, улар моҳиятан «ал-инқитоъ» қисмига мансублиги ҳам зикр қилинади. Имом

Муслимнинг «Са-ҳиҳ» асаридан баъзи мисоллар келтирамиз. «Ас-Саҳиҳ»нинг «ас-Салот» китобида (2-жилд, 16-бет) Имом Муслимнинг сўзи келтирилган: «Бизга дўст бўлган киши Исмоил ибн Закариёдан, у ал-Аъмашдан бизга айтди». Бу ривоят аслида Абу Аъло ибн Моҳомга мансуб. Ал-Жаллудий ривояти шу зайлда зикр қилинган: У деди: «Муслимдан, Муҳаммад ибн Бакор бизга шундай деди: бизга Ал-Аъмашдан Исмоил ибн Закария сўзлади...» Бундай мисолларни «Саҳиҳ»нинг «Ас-Салот», «Ал-Буйуъ», «Ал-Жаноиз», «Ал-Жиҳод ва-с-сияр» китобларида учратиш мумкин. Мана шу ўринларда муаллақ ҳадислар келтирилган. Адабиётларда кўрсатилишича, умуман олганда бу ҳадисларнинг тўғри ва ишончлилигига шубҳа бўлмаса-да, фақат ровийларида жузъий ноқисликлари борлиги қайд қилинган. Бошқача сўз билан айтадиган бўлсак, «Саҳиҳ» китобидан ўрин олган ушбу ҳадислар муаллиф ўз олдига қўйган шартларга деярли жавоб беради.

7. Ал-Иснод ал-муъанъан (силсилали иснод).

Бу масала узоқ вақтдан, яъни муаллиф яшаган даврдан буён муҳокама қилиниб, бу хусусда кўпдан-кўп жўшқин мунозаралар ва баҳслар бўлиб ўтган. Ушбу фикрлардан қай бирлари қабул қилинган, қай бирлари рад этилган. Имом Муслим ўз «Саҳиҳ»-ининг муқаддимасида улар ҳақида кўрсатиб ўтган. Силсилали иснод (арабчаси ал-иснод ал-муъанъан) деб «фалондан фалон» сўзлади деб кўрсатилиб, ровий билан ундан сўзланадиган ҳадис аниқ бир сийға билан айтилмайди, масалан, ровий шундай дейди: «менга фалон сўзлади» ёхуд бўлмаса «фалон айтганини эшитгандим», ёки ровийнинг сўзи «фалон айтган эди...» Бундан маълум бўлишича, ровий ўзидан ривоят қилинадиган ҳадисга бевосита иштирок этмагандек туюлади.

Ал-Иснод ал-муъанъан энг ишончли муттасил (узлуксиз) иснодлардан ҳисобланиши учун, албатта, қуйидаги иккита шарт амалга оширилиши зарур:

биринчиси; ровий кимдан ривоят қилса, албатта, у билан мулоқотда бўлган бўлиши шарт;

иккинчиси: ҳадис ровийлари сохталик доғидан холи бўлмоқлари зарур. Улардан баъзилари ҳатто мулоқотнинг собитлиги билан кифояланиб қолмасдан, балки узоқ вақт ёнида бўлиб, суҳбатлашишни («Тувл ул-суҳбати») ҳам шарт қилиб қўйдилар, бошқалари эса, ровийлар ғоятда машҳур бўлиб, улардан кўп ривоятлар қилинган бўлишлигини шарт қилиб қўйдилар. Имом Муслим бўлса, узлуксиз ривоят қилинаётган ровийлар билан мулоқотни шарт қилиб қўймади, у ҳадис илми аҳллари аввал ҳам, ҳозирги вақтда ҳам ривоят қилганларни етарли ҳисоблади. Узлуксиз ривоят собит бўлиши, бу ҳақда тегишли ҳужжат-далил зарурлиги ва ровийлар ишончли ва бир замонда яшаган (яъни замондош) бўлсалар, булар ҳаммаси доимо ровийнинг қулоғига ривоят қилинадиган ҳадисни тўғри етказишга хизмат қилади. Бу ҳолатда ровийларнинг мулоқоти ҳеч бир шубҳасиз деб ҳисоблашимиз мумкин. Мазкур ровий ўзи ривоятқиладиган ровий(билан учрашмаганлиги ёки ундан ҳеч нарса эшитмаганлиги ҳақида очиқ-ойдин далилимиз бўлган тақдирдагина фикримизни ўзгартиришимиз мумкин.

Имом Муслим ўз замондошларидан ровийнинг ўзи ривоят қилаётган киши билан мулоқот шартини қўйишларига розилик бермай (кифояланмай), уларнинг учрашувлари ва мулоқотларидан келтириладиган ҳадиснинг фойдасига эътиборни қаратади. Буниг учун ровийларнинг замондош бўлишлари ҳам етарли эмас, деб ҳисоблайди. Уз замондошларига нисбатан Имом Муслим ҳеч бир лямасдан шиддатли ҳужумга ўтади. Уларнинг бу сўзлари, — дейди у—ўйлаб чиқилган бир уйдирма бўлиб, олдин ҳеч бир киши бундай демаган, плм аҳллари билан биронтаси ҳам бунга эътимод қилиб, қўллаб-қувватламаган. (Муқаддимот Саҳиҳ Муслим, 22—28-бетлар)

Ушбу фикр эгаларига нисбатан қаттиқ эътироз билдириб ва айна вақтда ўзининг-мулоҳазаларини исботлаб, ўз «Саҳиҳ» асарида баён қилган фикрлари олти саҳифадан ҳам ошиқдир. Мухтасар ҳолда у амал қилган далилларни жамласак, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Узлуксиз (муъанъан) ҳадисларни ривоят қилган муайяв икки ровий ўртасида учрашув (мулоқот) бўлишини йирик олимлардан биронтаси ҳам шарт қилиб қўймаган.

2. Узлуксиз (муъанъан) тарзда ривоят қилинаётган ҳадис ишончли (сиққа) ровийлар томонидан келтирилган бўлса—бу далил ушбу ҳадисни заиф деб ҳисоблашга асос бўла олмайди, чунончи улар эгаллаган ўрин мурсал даражасида эътиборга лойиқдир. Бунга қўшимча яна илм аҳлининг алломалари ва ишончли муҳаддисларнинг фаолиятлари (сайъ-ҳаракатлари) ҳам бу ҳол ривожига кўмак бўлган. Чунки улар баъзи пайтларда ҳеч бир узлуксиз равишда ҳадисларни айтиб турганлар-у, бу ҳадисни кимдан эшитганларини зикр ҳам қилмаганлар. Бунинг учун уларни бирон кимса айбдор ҳисобламаган. Шу боисдан ҳам юқорида келтирилган фикрни олға сурадиганлар ишончли олимлар томонидан юборилган иснодларни чуқур текшириб, келтириладиган ривоятларни бошидан охиригача эшитиб исботлашлари керак эди. Афсуски, улар бу ишни амалга оширмаганлар.

3. Утмишда ўтган алломалардан иснодларнинг тўғри ёки иллатли (ноқис) эканлигини текширадиганлардан, ҳадислар биланч шугулладиган билимдонлардан биронтаси ҳам иснодларни эшитган жой—(мавзеъ)ларини чуқур текшириб кўрганлиги бизга маълум эмас. Бу масалани фақат ушбу ровийнинг ҳадис ривоятидаги сохталиги аввалдан маълум ва машҳур бўлган ҳолатда текширилганларини биламиз. Мана шундай ҳоллардаунинг ривоятларидаги ҳадисдан сохта жойини тузатиш мақсадида чуқур текшириб, тадқиқ қилганлар.

4. Бир қанча ҳадислар борки, улар узлуксиз (анъана) услубда ривоят қилинган. Ҳадис ва ривоятларнинг билимдонлари наздида булар ҳеч шубҳасиз саҳиҳ ҳадислар ҳисобланади. Шу билан бирга уларнинг айнаи ровийларидан эшитган ёки улар билан мулоқотда бўлингани ҳақида ҳам зикр қилинмаган.

Ровий ривоят киладиган киши билан мулоқотини тасдиқлаш шарт эмаслиги ғоясига амал қилган Имом Муслимдан кейин ўтган олимларнинг фикрлари қандай бўлган? Унинг бу фикрига улардан биронтаси ҳам рози (мувофиқ) бўлмаган ёки энг тўғриси унинг ғоясини давом эттирган биронта ҳам олимни кўрсатиш қийин. Аллома Ибн ас-Салоҳ: «Муслим аптган фикр бўлса бир нуқтаи назардир. Яна айтишларича, Муслим инкор қилган фикр (қавл)га ушбу (ҳадис) илмининг алломалари ҳам қарши бўлган. Улардан Али ибн ал-Мадийний ва Имом ал-Бухорий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин»... (Уълум ал-ҳадийс, 72-бет) Олим ан-Нававийнинг фикри ҳам эътиборга моликдир: «Муслим амал қилган тартибни кўплаб муҳаққиқлар инкор этдилар ва дедилар: «У (Муслим) илгари сурган қоида заиф нарсалар ҳақида, у рад қилган нарса (ал-мухтор ас-саҳиҳ) сараланган саҳиҳдирки, Али ибн ал-Мадийний, Имом ал-Бухорий ва бошқа ушбу илмининг алломалари ҳам рад қилганлар». (Шарҳ Саҳиҳ Муслим, 1-жилд, 128-бет)

Олимлардан яна кимдир шундай деб ёзган: «Қандай қилиб одамлар (ан-нос) Муслим китобининг саҳиҳлигини, унинг адолатлилиги, сидқидиллиги, чуқур илмий-тадқиқ қилинганлигини яқдиллик билан маъқуллаганлар? Сўнгра узлуксиз ҳадис хусусидаги унинг йўлини танқид қилганлар. Унинг «Саҳиҳ» асари хилма-хил иснодлар билан тўлиб-тошиб кетганлигичи?» Бундай саволларга, албатта, жавоб топиш мумкин. Чунончи бу хилдаги саволлар муаллиф яшаган даврнинг ўзида ҳам кўтарилган. Бу мавзуни Имом Муслим ғоятда синчковлик ва ҳар томонлама чуқур ўрганган, у, аввал қайд қилганимиздек, ўз мақсадини собитқадамлик билан амалга оширадиган, ўта эътиқодли олим бўлган. Бу хусусиятлари кўпчилик тарафидан эътироф этилган бўлиб, ортиқча тавсифга ҳожат йўқдир. Айни вақтда бу фикримизнинг ҳаммаси ўз даврида тасдиқланиши, унинг китоби аввал бир овоздан маъқулланиб, сўнгра турли таънаю айбларга дучор бўлишининг боиси нимада? Бу хусусдаги энг асосли жавоб шундан иборатки, бир ҳадисни билиш йўлларининг ва иснодлари ададининг кўплиги Имом Муслим фаолиятида салмоқли ўрин эгаллайди, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам узлуксиз (яъни анъана) тарзда эмас. Олим ан-Нававий ҳам мана шуларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, Имом Муслим ғояси (мазҳаби) ҳақида «узлуксиз иснод (ал-иснод ал-муъанъан) унинг (Муслим) учун фақат ривоят қиладиган шахс ва ундан ривоят қилинадиган шахсни бирлаштирадиган бир тизим (ҳукм) сифатида муҳим бўлиб, гарчанд уларнинг бир-бири билан

учрашганлари тасдиқланмаса ҳам, улар бир асрда яшаган бўлишлари керак. Чунончи, Имом ал-Бухорий агар уларнинг (ровийларнинг) учрашганликлари исбот қилинмагунча, уларни ўзаро мулоқотда бўлганларга қўшмайди». Ан-Нававий яна шундай деб ёзади: «Бу (Муслимнинг) мазҳаб Имом ал-Бухорийгашнг китобидан устун юрадн. Гарчанд биз Имом Муслим ўз «Саҳиҳ» асарида ушбу йўналишда иш олиб борганини маъқуллаб, фикр билдирмаган бўлсак-да, (чунки муаллиф бу асар таълифида жуда кўп йўллари (турук) жам қилган, уларнинг мавжудлиги юқоридаги фикрни амалга оширишда қийинчилик туғдирганлнги ҳам табиий) ҳолдир (Шарҳ Саҳиҳ Муслим, 1-жилд, 14-бет).

«САҲИҲ МУСЛИМ»ГА ЁЗИЛГАН ШАРҲЛАР

Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асарига кўпдан-кўп шарҳлар ёзилган бўлиб, уларнинг баъзилари кенг ва батафсил бўлса, баъзилари эса қисқа тарзда ёзилган. Улардан «Саҳиҳ»нинг айрим қисмларига бағишланиб ёзилганлари ҳам бор. Ушбу шарҳларни хронологик тарзда баён қилсак, қуйидагилардан иборат бўлади:

1. «Тафсир ғарийб ас-саҳиҳайн». Муаллифи Ҳамнйидип (вафоти 488 хижрий йил). Унинг бир қўлёзма нусхаси Хизанат Таймурияда (Дамашқ) сақланади.

2. «Ал-муфҳим фи шарҳи ғарийб Муслим». Муаллифи Имом Абдулғофир ибн Исмоил ал-Форсий (вафоти 529 хижрий йил).

«Саҳиҳ Муслим»га ёзилган шарҳ. Бу шарҳ Ҳақида Ҳожи Халифнинг «Кашф уз-зунун» асарида батафсил маълумотлар берилган.

3. «Ал-Ийжоз ва-л-баён ли-шарҳи хутбат китоб Муслим маъ китоб-ил-иймон». Қурдобанинг қозиси Ибн ал-Ҳож (вафоти 329 хижрий (1134 мелодий) йил) томонидан ёзилган.

4. «Шарҳ ал-Имом Абу-л-Қосим Исмоил ибн Муҳаммад ал-Исфаҳоний ал-Ҳофиз» (вафоти 535 хижрий йил) Ҳожи Халифа «Кашф уз-зунун»да бу шарҳ ҳақида баъзи маълумотлар келтирган.

5. «Ал-Муълим фи фаваид Муслим». Баъзи олимлар (масалан, Сезкин) унинг номини «Ал-Муълим би фаваид Муслим» деб келтирганлар. Муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ибн Томийм ал-Мозорий (вафоти 536 хижрий (1141 мелодий) йил). Ушбу шарҳнинг қўлёзма нусхалари Париж, Фаас, Истанбул, Қоҳира, Работ каби шаҳарларида сақланади.

6. «Икмол ал-муълим би-фаваид Муслим». У ал-Қозий Ийод ал-Яхсабий (вафоти 544 хижрий (1149 мелодий) йил) қаламига мансуб. Бу асар юқорида зикр қилганимиз ал-Мозорийнинг «ал-Муълим фи фаваид Муслим» номли шарҳини тўлдирадиган қўшимча шарҳдир. Унинг қўлёзма нусхалари Дамашқ, Тунис, Фаас, Истанбул шаҳарларида мавжуддир.

7. Имдод ад-Дин Абдурахмон ибн Абдулали ал-Мисрий (вафоти 624 хижрий йил) томонидан ёзилган шарҳ.

8. «Сиянат Саҳиҳ Муслим минал ихлал ва-л-ғалат ва ҳимоя-тиҳи минал исқот ва-с-сақт» номли шарҳ Усмон ибн Абдурахмон аш-Шаҳрузурий ибн ас-Салоҳ (вафоти 643 хижрий (1242. мелодий) йил) томонидан таълиф этилган. Унинг бир нусха қўлёзмаси Истанбулда, Аё Суфия кутубхонасида сақланади.

9. «Ал-Муфсиҳ ал-муфҳим ва-л-мувзиҳ ал-мулҳам ли-маоний. Саҳиҳ Муслим». Унинг муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Яҳъя ал-Ансорий (вафоти 646 хижрий (1248 мелодий) йил). Ушбу шарҳнинг бир қўлёзмаси Қоҳирада, Талъат кутубхонасида сақланади.

10. Шамсуддин Абу-л-Музаффар Юсуф ибн Қаз Уғли Сабат ибн ал-Жавзий (вафоти 654 хижрий йил) томонидан ёзилган шарҳ.

11- «Ал-Муфҳим лимо ашкала мин Талхийс китоб Муслим». Мухтасар ҳолда ёзилган бу шарҳ Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Умар ибн Иброҳим ал-Қартобий (вафоти 656 хижрий (1258 мелодий) йил) қаламига мансубдир. Унинг қўлёзма нусхалари Дамашқ, Ҳалаб, Қоҳира, Работ, Басра, ал-Мадина ал-Мунаввара шаҳарларида сақланади. Олим ан-Нававий ушбу шарҳдан кўп

ўринларда фойдаланган.

12. «Минҳож ал-муҳаддисиён ва сабийл талбият ал-миҳаққиқийн» (ёки «Ал-Минҳож фи шарҳи Саҳиҳ Муслим ибн ал-Ҳажжож» деб ҳам юритилади). Унинг муаллифи ан-Жававий (вафоти 676 ҳижрий (1277 мелодий) йил) 4. Ушбу шарҳ бир неча марта Лакноу, Деҳли, Қоҳира каби шаҳарларда нашр ҳам қилинган. Унинг қўлёзма нусхалари жуда кўп тарқалган бўлиб, Париж, Лондон, (Британия музейи), Лейден, Милан, Истанбул, Тунис, Мосул, Дамашк, Берлин, Ботина (Ҳиндистон), Ҳалаб шаҳарларида сақланади.

13. Ҳофиз ал-Мунзирийнинг «Шарҳ китоб мухтасар Саҳиҳ Муслим» номли шарҳига ёзилган бошқа шарҳ Усмон ибн Абдул-малик ал-Қурдий ал-Мисрий (вафоти 737 ҳижрий йил) қаламига оиддир.

14. «Икмол ал-Икмол» номли мукамал шарҳнинг муаллифи Абу-р-рух («Кашф уз-зунун»да «Абу-л-Фараж» дейилган) Исо ибн Масъуд аз-Завовий ал-Моликий (вафоти 744 ҳижрий йил). Бу улкан шарҳ аввал зикр қилганимиз «ал-Муълим», «ал-Икмол», «ал-Муфҳим» ва «ал-Минҳож» номли шарҳларни жамлашдан таълиф этилган бўлиб, беш жилддан иборатдир. Унинг бир қўлёзма нусхаси Қоҳирада сақланади.

15. Ал-Ҳофиз ал-Мунзирийнинг «Шарҳ китоб мухтасар Саҳиҳ Муслим» номли асарига Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Аснавий (вафоти 763 ҳижрий йил) томонидан битилган шарҳ. Ҳожи Халифа «Кашф уз-зунун»да бу шарҳ ҳақида айрим маълумотларни келтиради.

16- Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Солиҳий ал-Ҳанафий ибн ал-Муҳандис (вафоти 769 ҳижрий (1368 мелодий) йил) томонидан ёзилган шарҳ. Ушбу шарҳнинг бир қўлёзма нусхаси Санкт-Петербург университети кутубхонасида сақланади.

17. Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бобиртий (вафотич 786 ҳижрий (1384 мелодий) йил) қаламига мансуб шарҳдан бир қўлёзма нусха Истанбулда, Жоруллоҳ кутубхонасида сақланади.

18. Шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн Юсуф ал-Қавнавий ал-Ҳанафий (вафоти 788 ҳижрий (1386 мелодий) йил) томонидан ёзилган шарҳ. Ҳожи Халифанинг таъкидлашича, бу асар Имом ан-Нававийнинг шарҳига ёзилган шарҳдир.

19. Сирожиддин Умар ибн Али ибн ал-Мулаққин аш-Шофиъийнинг (вафоти 804 ҳижрий йил) «Завоид Муслим аъла-л-Бухо-рий» номли йирик шарҳи тўрт жилддан иборатдир.

20. «Икмол ал-Икмол» (ёки «Икмол Икмол ал-Муълим») номли катта шарҳ Имом Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Халфа ал-Вуштотий ал-Абий ат-Тунисий ал-Моликийнинг (вафоти 827 ҳижрий (1424 мелодий) йил) қаламига мансуб бўлиб, тўрт жилддан иборатдир. Муаллифнинг ўзи ушбу таълифига Имом Муслимнинг «Саҳиҳ»-асарига шарҳ ёзган тўрт ал-Мозорий, Иъйод, ал-Қуртабий, ан-Нававий каби олимларнинг шарҳларини кўшимча ва изоҳлар би-лан тўлдириб, мукамал бир шарҳ ёзганлиги таъкидлайди. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари жаҳоннинг турли шаҳарларида, жумладан, Қоҳира, Жазоир, Тунис, Работ, Фаас, МОСУЛ, Истанбул, Ботина Мюнхен ва бошқа шаҳарларда сақланади. Булардан ташқари 1326 ҳижрий йилда Қоҳирада етти жилдда нашр ҳам этилган.

21. «Фазлул-мунъим фи шарҳи Саҳиҳ Муслим» номли шарҳнинг муаллифи Шамсуддин ибн Абдуллоҳ ибн Аътоллоҳ ар-Розий (829 ҳижрий (1426 мелодий) йилда вафот этган). Унинг бир-қўлёзмаси Туркияда (Файзуллоҳ кутубхонасида), бошқа бир қўлёзма Ҳиндистоннинг Банкпур шаҳрида сақланади.

22. Аш-Шайх Тақиуддин Абу Бакр ибн Муҳаммад ал-Хисоний ад-Димишқий аш-Шофиъий (вафоти 829 ҳижрий йил) томонидан ёзилган шарҳнинг номи бизга маълум манбаларда зикр қилинмайди.

23. «Тухфат ул-Мунжид ва-л-мутҳим фи ғарийби Саҳиҳ Муслим» номли шарҳнинг муаллифи маълум эмас. Унинг бир қўлёзма нусхаси Истанбулда (ал-Ҳамийдия кутубхонасида) сақланиб, у 816 ҳижрий йилнинг 11 зулқаъда ойида Ҳалабда ёзилиб тугатилганлиги кўрсатилган.

24. «Мукамал Икмол-ал-Икмол» номли шарҳ Муҳаммад ибн Юсуф ас-Санусий (вафоти 892

ҳижрий (1486 мелодий) йил) томонидан ёзилган. Ушбу асар 1328 ҳижрий йили Қоҳирада Икмол ал-Икмол шарҳининг 'ҳошиясига чоп этилган. Қўлёзмасининг бир нусхаси Фаасда, бошқа бир нусхаси эса Работда сақланади.

25. «Фуният ал-муҳтож фи хатми Саҳиҳ Муслим ибн ал-Ҳажжож» номли шарҳ Муҳаммад ибн Абдураҳмон ас-Саҳавийнинг (902-ҳижрий (1497 мелодий) йилда вафот этган) қаламига мансуб. Унинг бир қўлёзма нусхаси Қоҳирада сақланади.

26. «Ад-Дийбож аъло Саҳиҳ Муслим ибн ал-Ҳажжож» номли шарҳ Жалолуддин Абдураҳмон ибн Абубакр ас-Суютий (вафоти 911 ҳижрий (1505 мелодий) йил) томонидан ёзилган. Унинг қўлёзма қусхалари Оаас, Пешовар (Покистон), Қоҳира, ал-Мадина ал-Мунаввара, Истанбул. Искандария каби шаҳарларнинг кутубхоналарида сақланади.

27. «Мунҳож ал-ибтиҳож би-шарҳи Муслим ибн ал-Ҳажжож» номли шарҳнинг муаллифи Шаҳобуддин Аҳмад ибн ал-Хатиб ал-Қасталоний аш-Шофиъий (вафоти 923 ҳижрин йил). Шарҳ охиригача етказилмаган; саккизта катта қисмдан иборат. Ҳожи Ха-лифа («Қашф уз-Зунун»)да бу шарҳ ҳақида талай маълумотлар келтирилган.

28. «Шарҳ хутба Муслим ибн ал-Ҳажжож». Бу шарҳнинг муаллифи ҳам ал-Қасталонийдир. Шарҳнинг бир қўлёзма нусхаси Мисрнинг ал-Мансура деган шаҳарида сақланади.

29. Қози Зайниддин Закариё пби Муҳаммад ал-Ансорий аш-Шофиъий (вафоти 926 ҳижрий йил) ёзган шарҳ. Ҳожи Халифанинг «Кашф уз-зунун» асарида олим аш-Шаъронийнинг «ушбу шарҳ қораламасининг аксар қисми менинг хатим билан ёзилган», — деган ибораси келтирилган.

30. «Хатм Саҳиҳ Муслим» номли шарҳ Абдулқодир ан-Нодимий (вафотп 927-ҳижрий (1521 мелодий) йил) қаламига мансуб. Унинг бир қўлёзма нусхаси Берлинда сақланади.

31. «Буғйат ал-Қорий ва-л-мутафаҳҳим». Бу шарҳнинг муаллифи Яҳъя ибн Муҳаммад ас-Сунботий (958 ҳижрий (1551 мелодий) йил вафот этган). Бу шарҳнинг бир қўлёзма нусхаси Гота (Олмония) шаҳрида сақланади.

32. Шарҳ Шаҳобиддин Аҳмад ибн Абдулҳақ (ҳижрий 962 нндан аввал вафот этган). Унинг бир қўлёзма нусхаси Истанбулда Жоруллоҳ кутубхонасида сақланади.

33. Маккаи Мукаррама аҳлидан бўлган Мавлоно Али Қориал-Ҳаравий (ваф.оти ҳижрий 1016 йилда) ёзган шарҳ тўрт жилддан иборат. Ҳожи Халифада бу шарҳ ҳақида айрим маълумотлар зикр қилинади.

34. Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Ажамий ал-Ҳалабий таълиф этган «Шарҳ Саҳиҳ Муслим»дан бир қўлёзма нусхаси Оксофорд шаҳрининг кутубхонасида сақланади.

35. Абдурауф ал-Муновий вафоти 1031 ҳижрий (1622 мелодий) йил) ёзган «Шарҳ Саҳиҳ Муслим» асарининг бир қўлёзма нусхаси Мосулда сақланади.

36. «Ҳошият Абдул-Ҳасан ибн Абдулҳодий ас-Синадий» (вафоти 1136 ҳижрий (1723 мелодий) йил) номли шарҳдан бир қўлёзма нусха Истанбул дорулфунунининг кутубхонасида сақланади. Бу шарҳ Мултон шаҳрида нашр этилган бўлиб, йили кўрсатилмаган.

37. «Иноят ул-Мунъим ли-шарҳи Саҳиҳ Муслим (ёки бироз бошқачароқ «Иноят ал-Малик ал-Мунъим») номли шарҳнинг муаллифи Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Юсуф Афандизода Ҳилмий (вафоти 1167 ҳижрий (1753 мелодий) йил) бўлиб, унинг қўлёзма нусхалари Туркиянинг Нур Усмония ва бошқа кутубхоналарида сақланади. Асар муаллифининг ўзи еттинчи қисмининг ярмигача кўчирган нусхаси ал-Ҳамийдия (Миср) кутубхонасида сақланади.

38. Али ибн Аҳмад ас-Саъийдийга (у 1168 ҳижрий (1754 мелодий) йилда ҳаёт бўлган) мансуб «Ҳошият Шарҳ Муслим» номли шарҳдан муаллифнинг хати билан ёзилган бир қўлёзма нусха Истанбулда сақланади.

39. «Вашй ул-дийбож аъла Саҳиҳ Муслим ибн ал-Ҳажжож» номли шарҳ Али ибн Сулаймон ал-Мағрибий ад-Дамнатий ал-Бажамъавий (у 1299 ҳижрий йилда ҳаёт бўлган) қаламига мансуб. У 1298 ҳижрий йилда Қоҳирада 284 саҳифада чоп этилган бўлиб, тарихчи ас-Суютий таълиф қилган «Ад-Дийбож» китобининг мухтасар шарҳидир».

40. «Ас-Сирож ал-ваҳаж мин кашф матолиб Саҳиҳ Муслим ибн ал-Ҳажжож» номли шарҳ Сиддийқ ибн Ҳасан ибн Али ал-Ҳусайний ал-Қанужий ал-Бухорий (вафоти 1307 ҳижрий (1890 мелодий) йил) томонидан ёзилган. У ҳижрий 1302 йилда икки жилдда чоп этилган. Муаллиф ўз муқаддимасида таъкидлашича, бу асар Ҳофиз Абдулазим ал-Мунзирийнинг «Мулаххас Саҳиҳ Муслим» китобига битилган шарҳдир.

41. «Фатҳ ул-мулҳим би-шарҳи Саҳиҳ Муслим» номли шарҳнинг муаллифи Шаббийр Аҳмад-ад-Даййубандий (баъзи олимлар, масалан, Қарл Броккельман ад-Дарбандий деб келтиради) ал-Усмоний (вафоти 1369 ҳижрий йил) бўлиб, ўз шарҳини тугатишдан олдин вафот этган. Асарнинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари Деҳлида чоп этилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг «Саҳиҳ» асарига эътибор, асар яратилган даврдан то ҳозирги вақтгача жуда катта бўлиб, кўпдан-кўп шарҳлар ҳам битилган. Турк олими Сезкин яна иккита шарҳ борлигини ёзган, улардан бири «жуда ноқис бўлиб, муаллифи номаълум», унингбир нусхаси Истанбулда, (Файзуллоҳ кутубхонасида) мавжуд бўлиб, иккинчисининг ҳам муаллифи «номаълум», Кобулдаги ар-Рийаса кутубхонасида сақланар экан. Шунингдек, «Саҳиҳ»га бағишланган «Ғулар ал-фавоид ал-мажмуа фи баён мо вақаъа фи Саҳиҳ Муслим минал аҳадийс ал-мақтуъа»ниҳам айтиш керакки, бу баъзи олимлар (Сезкин.Броккельман) хато зикр қилганларидек, шарҳ бўлмай, балки номидан ҳам кўришиб туриб-дики, мустақил бир асардир ва Яҳъя ал-Қарший ал-Атторнинг (вафоти 662 ҳижрий йил) қаламига мансубдир. Унинг бир нусхаси Берлинда сақланади. Бу ўринда яна шуни қайд қилиш керакки, араб тилида ёзилган мазкур шарҳлардан ташқари, К. Броккельман кўрсатиб ўтганидек, Имом Муслим асари ва унга бошқа тилларда ёзилган шарҳлар ҳам диққатга сазовордир.

1. «Саҳиҳ Муслим» асарининг ҳинд тилига қилинган таржимаси ва Мавлавий Ваҳийд уз-Замон томонидан ёзилган шарҳи билан 1304—1306 ҳижрий йилларда Лоҳурда босилиб чиқди.

2. «Саҳиҳ»нинг панжоб тилига қилинган таржимаси ва иснодлари қолдирилиб, асарга Абдулазиз ибн Фулом Расул томонидан ёзилган шарҳ ҳам 1307 ҳижрий йилда Лоҳурда чоп этилган.

3. Олим Нур ул-Ҳаққ ибн Абд-ул-Ҳаққ ад-Деҳлавийнинг (вафоти 1073 ҳижрий йил) форс тилида «Саҳиҳ»га сзган шарҳи унинг ўғли Фаҳриддин Муҳибулло томонидан тўлдирилган. Унинг бир қўлёзма нусхаси Банкпур (Ҳиндистон) шаҳрида сақланади.

«САҲИҲ МУСЛИМ»ДАН ТАҲРИЙЖ (ҚИСМАН КЎЧИРИБ) ОЛИНИБ, ТАСНИФ ЭТИЛГАН КИТОБЛАР

Ҳадис китобларидан фойдаланиб, улардан кўчириб олиш (яъни таҳрийж) йўли билан битилган асарларга «мустахраж» ёки муайян бир китобда «муҳарраж» қилинган китоблар дейилади. Ҳадис илми тарихида бундай китоблар кўп учрайди. Истихрожнинг маъноси шуки, муҳаддис ҳадис китобларидан биронтасига таяниб, асар муаллифидан бошқачароқ йўл тутиб, ўз иснодлари билан ун-даги ҳадислардан битта-битта таҳрийж қилади ва шайх (ровий)ларнинг энг яқинларидан бирида, улар (китоб муаллифи ва таҳрийж қиладиган муҳаддис) албатта учрашадилар. Бу ўринда шарт шуки, муҳаддис маълум ҳадис санадида китоб муаллифининг энг узоқ ровийларига мурожаат қилмаслиги керак. Бу жараёнда баъзан шундай ҳолатлар бўладики. муҳаддис ўзи таҳрийж қиладиган муаллифнинг китобидан (яъни. асил манбадан) баъзи ҳадисларни тушириб қолдириши ҳам мумкин, чунки у уларнинг (айниқса қадимроқларининг) санадидан етарли қаноат ҳосил қилмаган ёки баъзан эса асил манба муаллифи услубига амал қилади. Баъзан айрим муҳаддислар ҳадис таҳрийжида унинг тўғри ва ишончлилигига ҳам унчалик аҳамият бермай, бутун диққа-тини ҳадис иснодининг юксак даражада бўлишига алоҳида эъти-бор берганлар.

Кўпинча мустахрожларнинг муаллифлари асил манбалар соҳиблари билан бир хил фикрда

бўлмай, улар асарларидаги сўз ва ибораларни ўзгартирганлар, баъзи ҳолларда ўзларидан қўшган бўлсалар, баъзан эса матнни қисқартирган ҳоллари ҳам юз берган. Чунончи, улар келтирилаётган ҳадисларни ўз шайхлари (устодлари ровийлари) тилидан ривоят қилганки, албатта бундай ҳолларда ибораларда (алфоз) тафовут бўлиши табиий ҳол бўлиб, жуда кам ҳолларда бўлса-да, ҳадис маъносида ҳам фарқлар содир бўлган. Шу билан бир қаторда ҳадис илмида мустах-ражотларнинг фойдаси жуда каттадир, ҳатто баъзи олимлар уларнинг ўнга яқин фойдали жиҳатларини санаб ўтганлар. Улардан: иснодни ғоятда юксак даражага кўтариш, ҳадисларда фойдали, ишончли алфозларни (ибораларни) кўпайтириш, хилма-хил йўллар билан ҳадис таъсир кучини ошириш, истихроҷ қилинаётган китобдаги (яъни асил манбадаги) ноаниқ, мужмал ўринларни изоҳлаб тушунтириш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Бир қанча муҳаддислар Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асарига таҳрирж китоблари ёзган бўлиб, улардан баъзилари юқори даражадаги иснодларга эришдилар, ҳатто айримлари Имом Муслимнинг баъзи устозлари даражасигача етдилар.

Улар ўз таснифларида Имом Муслим ҳадисларини ўз иснодлари асосида таҳрирж қилдилар. Манбаларда бу тарздаги китобларнинг жуда кўплиги зикр қилинади.

Таниқли олим Ибн Ҳажар ал-Асқалоний «Муслим ибн ал-Ҳажжож» асаридан таҳрирж қилган йигирмадан ортиқимомни эслаши ҳақида ёзади(Йаҳзийб ут-таҳзийб, 1-жилд, 127-бет.). Уларнинг аксарияти ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин (Ан-Нававий «Шарҳ Саҳиҳ Муслим», 1-жилд, 26-27-бетлар, 33-бет; Кашф уз-Зунуя, 555-бет).

1. «Ал-Муснад ас-Саҳиҳ». Муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Раша ан-Найсобурий ал-Исфарайийний (вафоти ҳижрий 286 йил). У Имом Муслим зикр қилган устозларини ўз таснифида келтирганларнинг пешвоси ҳисобланади.

2. Абу Жаъфар Аҳмад ибн Аҳмад ибн Ҳамдон ан-Найсобурий (вафоти ҳижрий 311-йил) таълиф этган китоб.

3. «Мухтасар ал-Муснад ас-Саҳиҳ ал-муаллаф аъло китоби Муслим». Бу асарнинг муаллифи Абу Авона Яқуб ибн Исҳоқ ан-Найсобурий ал-Исфарайийний (вафоти ҳижрий 316-йил). Ушбу асарда Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг устозлари (шуйуҳ) Юнус ибн Абдул Аъло ва бошқалардан ривоят қилинади. Асарнинг қўлёзма нусхалари Дамашқ, Қоҳира, Банкпур, Копроли, Ботина шаҳарларида сақланади. Унинг бир қисми (ҳижрий 1354-йилда ёзилган) Ҳайдарободда сақланади.

4. Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ат-Тусий аш-Шофиъий (вафоти ҳижрий 344 йил) таълиф этган таҳрирж.

5. Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шорикий аш-Шофъий ал-Ҳарафий (вафоти ҳижрий 355-йил) ёзган асар. Унда Абу Аъло ал-Мосулийдан ривоят қилинади.

6. «Ал-Муснад ас-Саҳиҳ». Унинг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Жавзқий ан-Найсобурий (вафоти ҳижрий 388-йил).

7. «Ал-Муснад ас-Саҳиҳ ал-муҳарраж аъла китоби Муслим». Бу таҳрирж Абу Нуъайм Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Исфаҳоний (вафоти ҳижрий 430 йил). Унинг бир қанча қисмларининг қўлёзмаси Дамашқдаги Дор ул-кутуб аз-Зоҳирия кутубхонасида сақланади. Ушбу қўлёзма икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми 236 varaқ, (Ҳадис, 116-рақамда), иккинчи қисми эса 267 varaқдан иборат (Ҳадис, 117 рақамда) ҳолда сақланади.

8. «Ал-Мухарраж аъло Саҳиҳ Муслим». Унинг муаллифи Абу Валийд Ҳисон ибн Муҳаммад ал-Қарший аш-Шофиъий (вафоти ҳижрий 439-йил).

9. Абу Умрон ибн ал-Аббос ал-Жувайнийнинг китоби.

10. Абу Саъийд ибн Абу Усмон ал-Хайрий таълиф этган таҳрирж.

11. Абу Абдуллоҳ ал-Ахрам таҳриржи.

12. Абу Зар ал-Ҳаравий таҳриржи.

13. Абу Муҳаммад ал-Ҳилал таҳриржи.

14. Абу Али ас-Сарахсий таҳриржи.

15. Абу Маъсуд Сулаймон ибн Иброҳим ал-Исфаҳоний тах-рийжи.

16. Абу Бакр ал-Яздий тахрийжи. Унинг «Саҳиҳ ал-Бухорий» асарига ёзган тахрийжи ҳам маълум.

17. Абу Бакр ибн Абдон аш-Шерозий қаламига мансуб китоб. Олим Муҳаммад Муҳиддин Абдулҳамид тарихчи ас-Суютийнинг «Алфия» асарига ёзган шарҳида (27-бет) зикр қилишича аш-Шерозийнинг Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим асарларига ёзган мустахражотлари бир китобда жам қилинган.

«САҲИҲ МУСЛИМГА ОИД БОШҚА ҚИТОБЛАР

Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг «Саҳиҳ» асарининг ҳар хил мавзуларига оид яна баъзи китоблар ҳам мавжудки, уларни зикр қилиш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлаймиз. Улардан бир қанчаси «Саҳиҳ»нинг мухтасар ҳолдаги шаклини ташкил қилади:

1. «Мухтаеар». Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Тумарт (вафоти 524 (ПЗО)йил). Унинг бир қўлёзма нусхаси Туркияда сақланади.

2. Мухтасар Абу Фазл Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Мурийсий (вафоти ҳижрий 655 йил).

3. «Ал-Жомийъ ал-муълим би-мақосид жомийъ Муслим» номли мухтасарнинг муаллифи Абдулазим ибн Абдул Қувва ал-Мунзирий (вафоти 656 (1258) йил). Асарнинг қўлёзма нусхалари Ватикан, Берлин, Мюнхен, Вена, Фаас, Истанбулда сақланади.

4. «Талхийс Саҳиҳ Муслим». Ушбу мухтасар асар Аҳмад ибн Умар ал-Ансорий ал-Қуртубий (вафоти 656 (1258) йил). Унинг қўлёзма нусхалари Истанбул (Жоруллоҳ кутубхонаси) ва Қоҳирада (Талъат кутубхонаси) сақланади.

5. «Мухтор ли-Имом Муслим». Ушбу асарни Мустафо Муҳаммад Амора тўплаган. У Қоҳирада чоп этилган (йили кўрсатилмаган).

6. Номаълум муаллифнинг мухтасар асари («Мухтасар мажҳул ал-муаллиф»). Искандариядаги шаҳар (Баладия) кутубхонасида бир қўлёзмаси сақланади.

7. Муҳаммад ибн Ибод ал-Халатий ал-Ҳанафий (ҳижрий 652 йилда вафот этган) ҳам «Саҳиҳ Муслим»га бағишлаб алоҳида китоб ёзганлиги маълум.

Шулар билан бир қаторда Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» аса-рида келтирилган ровийлар (рижол) ҳақида ҳам талай асарлар яратилган:

1- «Рижол Саҳиҳ ал-Имом Муслим» номли асарнинг муаллифи Абу Бакр Аҳмад ибн Манжувайҳ ал-Исфаҳоний (вафоти 428 (1036 йил). Унинг бир қўлёзмаси Искандариядаги шаҳар кутубхонасида сақланади.

2. «Тасмият рижол Саҳиҳ Муслим аллазийна инфарада биҳим аън ал-Бухорий»нинг муаллифи Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий (вафоти ҳижрий 748-йил). Унинг бир қўлёзма нусхаси Истанбулда сақланади.

3. «Рижол ал-Бухорий ва Муслим». Бу асар Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Қайсароний (вафоти 507 (1113) йил) қаламига мансуб бўлиб, у нашр ҳам қилинган. Баъзи олимлар (масалан, Сезкин) уни «Ал-Жамъ байн ар-рижол ас-Саҳиҳайн» номи билан ҳам атаганлар.

4. «Қуррат ул-аъйн фи забти асмои рижол ас-Саҳиҳайн» номли асар Абдулғани ибн Аҳмад ал-Бажроний аш-Шофиъий (у ҳижрий 1174 йилда ҳам ҳаёт бўлган) қаламига мансуб. Бу асар 1323 ҳижрий йилда Ҳайдарободда нашр ҳам этилган.

5. «Тасмият ман ахражаҳум аш-шайхони». Бу асарнинг муаллифи ал-Ҳоким ан-Найсобурийдир- Унинг 30 варақдан иборат бир қўлёзма нусхаси Дамашқда (аз-Зоҳирия кутубхонасида, ҳадис 388 рақами остида) сақланади.

6. «Фурар ал-фавоид ал-мажмуъа фи баён мо вақаъ фи Саҳиҳ Муслим мин ал-аҳадийс ал-мақтауъа» номли асарнинг муаллифи Яҳъя ибн Али ал-Қарши ал-Аттор ал-Моликий (вафоти 662 (1264) йил). Унинг бир қўлёзма нусхаси Берлинда сақлаиади.

7. «Ал-Мисбаҳ фи уъйун ас-сиҳаҳ» асарининг муаллифи Абдулғани ибн Абдулвоҳид ал-Жаммоайлий ал-Муқаддасий (вафоти ҳижрий 600 йил). Унинг ҳар хил қисмларининг қўлёзмалари Да-машқдаги аз-Зоҳирия кутубхонасида (Ҳадис—345, Ҳадис—234, ҳадис—346, мажмуъа 94 рақамлари остида) сақланади.

8. «Ар-Рувот аън Муслим ибн ал-Ҳажжож» номли асар аз-Зия ал-Муқаддасийнинг қаламига мансуб. Ундан икки мажмуъа Дамашқдаги аз-Зоҳирия кутубхонасида (мажмуъа 52, мажмуъа 82 рақамлари остида) сақланади.

9. «Ал-Арбаъуна мижжож равоҳу аш-шайхони ав аҳадухумо» номли мухтасар асарнинг муаллифи ал-Ҳофиз ал-Мунзирий. Унинг бир қўлёзма нусхаси Дамашқдаги аз-Зоҳирия кутубхонасида (Ҳадис 533 рақами остида, 12—17 варақлар) сақланади.

10 «Ар-Рабоъиййот мин Саҳиҳ Муслим» номли кичик бир асарнинг муаллифи Муҳаммад ибн Иброҳим Алвонин (вафоти 735 (1335 йил). Ушбу асар атиги тўрт ровийга мансуб 25 ҳадисни ўз ичига олган бўлиб, унинг бир қўлёзма нусхаси Банкпур (Ҳиндистон) шаҳрида сақланади.

«САҲИҲ МУСЛИМ» АСАРНИНГ АЛОҲИДА ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

Муаллифнинг замондошлари ва ундан кейин яшаб ўтган кўп-лаб муҳаддислар бу асарнинг илмий ва амалий аҳамиятини алоҳида тақдирлаб, унга жуда юқори баҳо берганлар. Таниқли олим Ал-Ҳоким ан-Найсобурийнинг устози ал-Ҳофиз Абу ан-Найсобурийнинг «Осмоннинг остида ҳадис илми бўйича Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг китобидан тўғрироқ китоб йўқ», деб ёзиши ушбу фикрнинг ёрқин далилдир. Имом Муслимнинг асарини чуқур ўрганиб, у билан ҳар томонлама танишган бир қанча олимлар ан-Найсобурийнинг ушбу фикрини маъқулладилар ва ҳақиқатан ҳам «Саҳиҳ Муслим» оламшумул аҳамиятга молик асарлардан бири сифатида мисли кўрилмаган даражадаги шон-шухрат ва эътибор қозонган. Шу билан бирга ушбу олимлар Абу Али ан-Найсобурийнинг «Саҳиҳ Муслим» ҳатто «Саҳиҳ ал-Бухорий»дан ҳам ишончлироқ деган фикрига қўшилмаганлар.¹

Манбаларда зикр қилинишича, баъзилар Имом Муслим китобига шунчалик берилиб, унинг сеҳри домига тушиб машрабона ҳолга келиб қолганлар. Қаерга борса ҳам ундан бир қисмини ўзи билан бирга олиб юрар экан. Шундайларга «Аллоҳ сени қандай кўйга солиб қўйди? Еки сен қандай нажот топдинг?»—деб сўралганда, мени мана бу кутқазди (нажот берди) деб қўлидаги китобга ишюра қилар экан.²

Унинг ўз китоби ҳақида камоли ифтихор билан антган «агарки ҳадис олимлари (матнда аҳллари) икки юз йил ҳадислар ёзсалар, мана шунга (яъни «Саҳиҳ Муслим»га) баробар келадиган китоб ёзишлари мумкин,³ деган фикрида ҳеч қанақа муболаға бўл-маса керак. «Дамашқ тарихи» асарида келтирилишича, кунлардан бир кун ҳадис илми билан шуғулланувчи олимлар Саъийд ибн ас-Сахан деган ҳадисчи олимнинг ҳузурига келиб, арз қилишиб унга «Ҳадис бўйича китоблар жуда кўпайиб кетди. Сиз устоз (шайх) сифатида бизга улардан энг эътиборликларини кўрсатингки. биз фақат уларга таяниб иш тутайлик», дейишибди. Шунда у ички уйига кириб, бир-биринингустига тахланган бир қанча китобларни олиб чиқиб, мана булар ислом қоидаларидандир: Қитоб Муслим, Қитоб ал-Бухорий, "Китоб Абу Довуд, Китоб ан-Насоий, —деди.

Дарҳақиқат, Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асари алоҳида хусусиятлари, афзалликлари билан шу тоифадаги бошқа асарлардан тамомила ажралиб туради. Уз асарини ёзишда муаллиф ғоятда зҳтиёткорлик, дақийқлик (аниқлик) билан бир қаторда ўзининг зўр истеъдоди ва илм-маърифатининг ғоятда етук, баркамол бўлганлигини намоён қилган. Албатта, бу тарздаги асарни яратиш муаллифдан ғоятда чуқур ва кенг қамровли билимни, ўта синчковлик билан чуқур тадқиқот ва таҳқиқот ишларини олиб бориш-ни, ўзи тартиб берадиган ҳадисларни аниқ ва ишонарли бўлишига тўла-тўқис амин бўлиши ва бу хусусда ҳеч қанақа шубҳаю иккиланишга ўрин қолмаслигини таъминлаши—буларнинг ҳаммаси замирида ўта қийин, машаққатли меҳнат,

тинмайин қилинган изланишлар, саъй-ҳаракатлар ётади. Мана шуларнинг ҳаммасига жавоб берадиган олимлар ўша даврда жуда кам бўлган. Лекин Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг «Саҳиҳ» асарини варақлар эканмиз,, у буюк зотнинг мана шу талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган мукамал ва беназир асар яратганга комил ишонч ҳосил қиламиз. Асар билан чуқур танишиб, унга адолат нуқтаи назаридан қарайдиган ҳар бир ўқувчи Имом Муслим китобида нафақат ҳадис илмига, балки фикҳ, араб тилининг турли соҳалари, ровийлар, иснодлар илмининг нозик томонлари ҳақида ўта нозиктаъблик билан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг гувоҳи бўлади. Бу муаллифнинг ғоят билимдон, ўта закий ва хассос аллома бўлганлигидан далолатдир. Шу боисдан Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг «Саҳиҳ» асарини нодир ёзма манбалардан бири сифатида алоҳида ардоқ билан мутолаа қилмоқ жоиз.

ХУЛОСА

1. Асар тили ва услубининг соддалиги, албатта, уни тушуниб англашни енгиллаштиради. Чунки муаллиф ҳадисларни мавзуларига қараб фақат бир (муайян) ўринда келтиради; айна вақтда-ўзини қаноатлантирадиган ва ўзи танлаб олган қандай услуб билан ушбу ҳадис аниқланганлигини зикр қилади; ушбу ҳадис ҳақида бир нечта иснодларни ва уларнинг хилма-хили бора (алфоз)ларини келтириб, уларни боб (абвоб)ларга ажратмайди. Бу билан тадқиқотчиларнинг асардан самарали фойдаланишларини осонлаштириб, ундан тартибли равишда истифода этишга кенг йўл очади ва айна вақтда муаллиф ўз асарини яратишда қўллаган барча услуб ва йўллари хусусида уларда (тадқиқотчиларда) комил ишонч ҳосил қилади. Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож қўллаган услублар, унинг дастурига, умуман, асарини ёзишда бир қадар енгилликлар яратдики, шу боисдан ҳам Имом ал-Бухорий фаолиятида бўлганидек, унинг услубида фақат ҳадисларни жамлаш, уларнинг фикҳий масалаларини баён қилиш, ҳадислардан фақат аҳкомлар ва ахлоқ-одобга доирларини ажратиб кўрсатиш Ҳоллари кмзатилмайди.

2. Муслим ибн ал-Ҳажжож «Саҳиҳ» асарини ўз она юрти Ни-шопурда, ўз аҳли-оиласию ҳамюртларининг ҳузурда, кўпчилик устоз (шуйўх)лари ҳали ҳаёт вақтида ёзганлигидан ҳам асарнинг ҳар бир сўзи, ибораларига ғоятда эҳтиёткорлик билан ёндошган. (Қаранг: Ас-Суютий, Ат-Тадрийб, 27-бет) Имом ал-Бухорийга хос бўлган аҳкомларни ажратиб, боблар тузиш каби ҳоллар Имом Муслим томонидан амалга оширилмаган.

3. Ҳеч бир муаллиф фаолиятида «Саҳиҳ» асаридек ғоятда тартибли ва таркибий тузилиши жиҳатидан бу даражада пишиқ, мукамал асар бўлмаганлигини қайд этиш зарур. (Суютий бу ҳақда холисона ёзади: Ат-Тадрийб, 27-бет)

4. Ҳадисларнинг исноди (муснади)ни аниқлаш санъатида Муслим ибн ал-Ҳажжож ақл бовар қилмайдиган камолотнинг ғоятда юксак, олий чўққисига эришди. Асардаги нафислик, ҳар бир ҳадис бениҳоя диққат ва эҳтиёткорлик билан текшириб ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиб, тартибли равишда қайд қилиниши билан бир қаторда мухтасар балоғати, изчил ва лўнда баёни билан ҳам аж-ралиб туради. Иснод (муснад) илмида унинг нозик ва нафис томонларини зўр маҳорат билан ифода этишда Имом Муслимга баробар келадиган биронта олим бўлмаса керак. Баъзи олимларнинг фикрича, мана шу жиҳатдан унинг асари ҳатто Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ»идан ҳам ажралиб туради. (Ал-Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, 52-бет)

5. «Саҳиҳ» китоби фақат ҳадисларга бағишланганлиги билан бошқа асарлардан тамомила фарқ қилади. Унда фикҳий ва усулий масалалар бўйича хулосалар ёки бошқа соҳаларга оид фикр-мулоҳазалар ҳам келтирилмаган.

6. Уз асарининг режаси (хутта) ҳақида Муслим ибн ал-Ҳажжож китоби муқаддимасида кўрсатиб, ўзининг илмий дастури (манҳаж)ини батафсил баён қилади. Шунга биноан «Саҳиҳ» асари манҳаждан ва ушбу манҳажни амалда татбиқ қилишдан иборат. Натижада қатъий манҳажга асосланиб, китобат санъатининг барча сиру-асрорларини ўзида мужассам қилган

дақиқ ва нафис, бир тартибда, ғоятда юксак савияда бир асар яратилганлигини кўрамиз.

7. Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг ҳадисларини тўплашдаги ғоятда дақийқлик ва юксак маҳоратидан мисол тариқасида унинг Ҳаммом ибн Мунаббаҳ китобларидан (арабча «саҳийфа») ҳадислар ривоят қилгандаги изчил ва пухта тартибга амал қилганлигини кўрсатиш мумкин. Гарчанд булар ҳаммаси бир иснод билан ривоят қилиниб, фақат унинг аввалида (бошида) зикр этилган бўлса-да, ҳар гал у ушбу саҳифага таяниб биронта ҳадис ривоят қилса, ҳар бир иснодни тамомила. тўлиғича зикр қилади. Бироқ Имом Муслим ушбу саҳифадан (Ҳаммом ибн Мунаббаҳдан) қачон бирор ҳадис ривоят қилинса, ҳар сафар иснодни янгилайди.

Масалан, у шундай деб ривоят қилади: Муҳаммад ибн Рофиъ бизга сўзлаб деди: бизга Абдураззоқ сўзлаб деди: бизга Ҳаммом ибн Мунаббаҳдан Муҳаммад сўзлаб деди, мана буни бизга пайғамбар алайҳиссаломдан сўзлаб, Абу Ҳурайоанинг айтгани, шундан сўнгу саҳифадан ҳадислар келтиради: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам деди...»

8. Юқорида зикр этилган жузъий ва умумий хусусиятларидан ташқари Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асарига хос яна қатор масалалар ҳам бор бўлиб, улардан қуйидагиларни эслатиш мумкин: 'Имэм Муслимнинг «Саҳиҳ» асари барча саҳиҳ ҳадисларни тўлиғича қамраб ола олмаган, у ўз китобининг бобларига сарлавҳалар (анавийн) қўймаган ва уларни алоҳида ажратиб кўрсатмаган, ўз асарига мавзуларига қараб тартиб берган бўлса-да, «Саҳиҳ» асарининг яна бир қимматли томони шундаки, муқаддимада ҳадис илмига оид кўпдан-кўп қимматбаҳо фикр ва мулоҳазалар киритилган. Буларнинг ҳаммаси Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг «Саҳиҳ» асари пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларига оид муҳим манба бўлиб, уни ўзбек тилига таржима қилиб, кенг жамоатчиликка тақдим қилиш олим-уламоларимиз, шарқшуносларимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

ИМОМ МУСЛИМ РИВОЯТЛАРИ

РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИССАЛОМ АЙТДИЛАР:

1. Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлфон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.
2. Чақирилган жойгагина боринг!
3. Кишиларнинг ичида Аллоҳи таолога ёқимсизроғи—ашаддий душманлик қилувчи одамдир.
4. Ҳар бир қавмнинг қиз фарзандидан туғилган бола ҳам қавмга мансубдир.
5. Аллоҳдан қўрқинглар ва фарзандларингизга баробар меҳрда бўлинглар! (Уларнинг кийимлари ва таомларини баробар тақсим қилинглар!).
6. Дўзахдан яримта хурмо садақа қилиб бўлса ҳам сақланинглар. Агар уни ҳам топа олмасангиз, ширин сўзлик билан сақланинг.
7. Ҳалокатга олиб борувчи еттита гуноҳдан сақланинглар:
 1. Аллоҳ таолога ширк келтирмак;
 2. Сеҳр ишлари билан шуғулланмак;
 3. Бировни ноҳақ ўлдирмак;
 4. Судхўрлик;
 5. Ётимларнинг молини емак;
 6. ЁВ билан бўлаётган жангдан қочмак;
 7. Эрли, мўмина, ифбатли аёлларни фоҳиша деб ҳақоратламак.
 8. Ишлар ичида Аллоҳи таолога ёқимлироғи оз-оз бўлса-да, давом этадиганидир.
 9. Ут-ўчоғида яраб турган ходими ўз хўжайинига таом тайёрлаб келганда уни ўзи билан бирга (овқатга) ўтқизсин. Агар бирга ўтқизмаса, бир-икки ошам насиба узатиб юборсин.
 10. Уйқудан уйғонган одам қўлини то уч марта ювмагунча идишга тикмасин, чунки у билмайдик, қўли қаерларда тунаган.
 11. Икки мусулмон қўлларида қиличлари билан тўқнашсалар (урушсалар), бири иккинчисини ўлдирса, қотил ҳам, мақтул ҳам дўзахга маҳкумдир.
 12. Қайси бирларингиз намозда одамларга имом бўлиб қолсангиз, намозни (қироатини)енгил ўқинг! Чунки улар ичида ёш болалар, кексалар, заиф кишилар, беморлар ва ҳожатманд кишилар бордир. Амб ўзингиз якка ўқиганда хоҳлаганча узоқ ўқийверинг.
 13. Бир жойда вабо касали бор деб эшитсаларинг, ўша жойга кирманглар. Агар сизлар яшаётган жойга вабо келса, ўша ердан қочиб кетманглар.
 14. Агар уч киши бўлсанглар, иккиталарингиз алоҳида учинчи шахсга эшиттирмай пичирлаб гаплашманглар, чунки бу уни ранжитади. Одамларга аралашиб кетсанглар, унда гаплашсанглар жоиз.
 15. Қайси бирларингиз тушда Шайтон билан ўйнашган (жинсий алоқа қилган) бўлсангиз, уни одамларга гапириб юрманг.
 16. Қайси бирларингиз ўзингиздан бойроқ ёки кўркамроқ одамни кўриб қолсангиз, дарҳол ўзингиздан камбағалроқ ва хунукроқ одамлар ҳам борлигини эсланг.
 17. Жоҳилият ишларидан тўрт нарса борки, уларни умматларим ҳеч тарк этолмайдилар: 1. Ўз насаби билан фахрланиш; 2. Ўз-галар насабини ерга уриш; 3. Юлдузлардан истиқболини сўраш; 4. Дод солиб йиғлаш.
 18. Подшоҳларнинг подшоҳиман деб даъво қиладиган одамга Аллоҳи таолонинг ғазаби қаттиқдир, зеро Аллоҳдан бошқа ҳақиқий подшо йўқдир.
 19. Шоирлар сўзи ичида энг ростроғи шоир Лабиднинг қуйидаги сўзларидир: «Аллоҳнинг зикридан бошқа ҳамма сўзлар ботилдир».
 20. Мусулмонлар йўлидан азият берувчи ва зарарли нарсаларни четлатинг.
 21. Мендан олдинги ҳеч бир пайғамбарларга берилмаган бешта нарса менга берилди. 1)

Менга Макка аҳлининг қўркуви сабабли бир ойлик йўл босмай туриб ғалаба билан ёрдам берилди. 2) Менга ернинг ҳамма жойи масжид қилиб берилди. Ернинг ҳамма жойи тоза ва покизадир. Умнатларимнинг қайси бири қаерда намоз вақтини топса, ўша ерда ўқийверсин. 3) Мендан олдин ҳеч кимга ҳалол қилинмаган жанг ўлжалари мен учун ҳалол қилинди. 4) Қиёмат куни барча умнатларим учун менга шафоат ҳуқуқи берилди. 5) Илгари пайғамбарлар бирор қавмга хос ҳолда юборилган бўлсалар, мен ер юзидаги қавмларимнинг ҳаммасига омматан пайғамбар қилиб юборилдим.

22. Динорларнинг афзали кишининг ўз аҳли аёлига сарф қиладиган динори ва кишининг Аллоҳ йўлида боқаётган от-уловларига ишлатадиган динори, яна кишининг Аллоҳ йўлидаги дўстларига сарф қиладиган диноридир.

23. Садақанинг афзали соғлом вақтда қизғанчилик қиладиган, яшашни хоҳлайдиган ва фақирликдан кўрқадиган ҳолингиздагн қилган садақангиздир. Садақа қилишни узоққа чўзманг, жонингиз ҳалқумингизга келганда молимнинг бунчаси фалончига, унчаси пистончига, деганингиз билан фойдаси йўқдир, чунки у паптда сиз айтмасангиз ҳам молингиз фалончиларники бўлур.

24. Одамларнинг азиз ва мукаррами—уларнинг тақводорроғидир.

25. Эй парвардигор, Муҳаммад зурриётини бу дунёда ўрта ризқли қил!

26. Эй парвардигор, умнатларимнинг бирор ишига ҳоким бўлган киши уларга жабр қилса, Сен ҳам унга жабр қил. Агар у уларга яхши муомалада бўлса, Сен ҳам унга шундай (яхши муомалада) бўл!

27. Эй парвардигор, мен сендан ғам-ташвишдан, хафалиқдан, ожизликдан, дангасалиқдан, бахилликдан, кўрқоқликдан, қарздорлик ва хорликдан паноҳ тилайман.

28. Эй парвардигор! Мени илм билан бойит, ҳилм билан безатгин, тақво билан мукаррам этгин ва хотирижамлик билан гўзал қилгин!

29. Аллоҳ таоло сизларнинг ташқи кўринишларингиз ёки молу дунёларингиз эмас, балки дилларингизга ва қиляётган амалларингизга қараб баҳо беради.

30. Аллоҳ таоло сизларнинг уч нарсани қилишларингиздан рози бўлади ва уч нарсдан рози бўлмайди:

1) Унинг ўзигагина ибодат қилишларингизга ва бирор нарсани1 унга ширк келтирмасликларингизга;

2) Аллоҳнинг шариат аҳкомларини бажаришда бирлашишларингизга ва турли гуруҳларга бўлиниб кетмасликларингизга;

3) Аллоҳнинг сизларга сайлаб қўйган ҳокимига насихатгўй ва маслаҳатгўй бўлишларингизга рози бўлур.

Ва яна:

1) Миш-миш гапларга;

2) Кўп савол бераверишга;

3) Мол-дунёни исроф қилишга рози бўлмайди.

31. Аллоҳ таоло қиёмат куни айтади: «Эй инсонлар фарзанди! Бетоб бўлдим, мени келиб кўрмадинг». У одам айтади: «Эй раббим, Сен бутун оламнинг Парвардигори бўлатуриб, мен сени қандай кўришим мумкин эди?» Аллоҳ айтадики: «Фалончи одамни бетоблигида бориб кўрмадинг-ку, агар берганингизда унинг олдида мени топган бўлур эдинг. Эй инсон фарзанди! Узинг овқатландинг, аммо мени йўқламадинг». Одам айтади: «Эй раббим, Сен бутун оламнинг подшоҳи бўлсанг-ку, мен сени қандай овқатлантиришим мумкин эди?» Аллоҳ айтади: «Фалон бандам овқат сўраб олдингизда берганида, сен унга таом бермадинг. Агар таом берганингизда эди. унинг ҳузурида мени топган бўлур эдинг». Аллоҳ айтади: «Эй инсон фарзанди, мен сендан сув сўрадим, сув бермадинг»- Одам айтади: «Эй раббим, Сен бутун оламнинг парвардигори бўлсанг, мен сенга қандай қилиб сув беришим мумкин эди?» Аллоҳ айтади: «Фалон бандам сув сўради, сен унга сув бермадинг. Агар берганингизда эди, мени унинг ҳузурида топар эдинг».

32. Аллоҳ таоло сизларни оталаринг номи билан қасам ичишдан қайтаради.
33. Одам боласи жаннат амалларини қила бориб, охири аҳли дўзахлардан бўлиб қолиши ҳам мумкин. Аксинча, одам боласи дўзахийлар амалини қилиб юриб, сўнг аҳли жаннатлардек жаннатий бўлиб қолиши ҳам мумкин. Амаллар охирига қараб белгиланади.
34. Шайтон инсоннинг барча қон томирларида юриш ҳуқуқига эгадир.
35. Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади.
36. Аёл диёнати ёки молу дунёси ёхуд ҳусну жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топкур!
37. Ўлим—мудҳиш ҳодисадир. Қачонки тобутни кўрсаларингиз дарҳол ҳурмат юзасидан ўринларингиздан турунглр.
38. Яхшилиқнинг энг улуғи—отаси вафотидан сўнг ҳам унинг дўстлари билан алоқани узмасликдир.
40. Қиёмат кунида одамларнинг ёмони—беҳаёлиги сабабли назардан четда қолдирилган одамдир.
41. Сизлардаги икки хислатни Аллоҳ ва унинг Расули ёқтиради. 1) Мулойимлик, 2) Виқорлик (вазминлик).
42. Фақат хайрли ва савобли ишларга буюрилганда итоат қилиш керак.
43. Мен ҳам бир инсондирман. Сизлар менинг олдимга хусумат билан ҳукм сўраб келиб турасизлар. Балки бирингиз иккинчингиздан ўз сўзини ўтказишга устарақ бўлар. Мен эшитган гапимга биноан унинг фойдасига ҳукм қилиб юборишим мумкин. Бошқа бир мусулмон зарарига қўшган ноҳақ гапи дўзахнинг бир бўлак ўтидир. Хоҳласа шу ўтни кўпайтириб олсин, хоҳласа озайтириб.
44. Мен ҳам бир инсонман. Мендан диний масалани сўрасанглр, сўзимни олинглар. Дунёвий ишларга келганда мен ҳам сизлар каби инсонман.
45. Сизлардан олдинги ўтган қавмлар нима учун ҳалок қилинганлар? Улар ҳурматли одамлар ўғирлик қилса кечирганлар, аммо заиф ва бечора ҳол одамни эса жазолаганлар.
46. Хонадонга ижозат сўраб киришлик кўз туфайлидир.
47. Яхши одам билан ўтириш гўё мушки анбардек, ёмон одам билан бирга бўлиш эса темирчининг босқони кабидир. Мушки анбари бор кишидан хушбўй ҳид таралади, сен ундан уни сотиб олишинг ёки хушбўй ҳидидан баҳраманд бўлишинг мумкин. Темирчининг босқони эса кийимингни куйдириб қўйиши ёки лоақал ундан қўланса ҳид етиши мумкин.
48. Мен лаънат айтувчи эмас, балки раҳмат учун юборилгандирман.
49. Мен Марям ўғли Исо пайғамбар билан бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яқиндирман. Мен билан унинг ўртасида пайғамбар ўтмаган. Пайғамбарларнинг ҳаммаси бир отанинг фарзандларидир, оналари ҳар хил, аммо динлари бирдир.
50. Мен мўъминларга ўзларидан ҳам яқиндирман. Уларда қайси бири ўлиб, қарз қолдирган бўлса, уни узишлик менинг зиммамдадир. Агар мерос қолдирган бўлса, у меросхўрларигадир.
51. Мусибат етганда сочини юлиб, юзини тирнаб ёки кийимини йиртиб йиғлайдиганлардан безорман.
52. Сизлар дунёвий ишларни мендан кўра яхшироқ билувчисизлар.
53. Одамларни ўзларига муносиб жойларга ўтқазинглр.
54. Никоҳ тўйида қўй сўйиб бўлса ҳам зиёфат бер!
55. Сизларга кимлар жаннат аҳли бўлиши тўғрисида хабар берайми? Улар заиф-бечоралар ёки Аллоҳга қасамёд қилсалар, албатта устидан чиқадиганлар. Дўзах аҳлидан хабар берсамг улар қаттиқ хусумат қилувчи, мутакаббир одамлардир.
56. Кўчада ўтиришдан сақланинглр! Агар кўчада ўтирсангиз, кўчанинг ҳаққини адо этинглр! Яъни, кўзларингизни номаҳрамга ташламасдан, бировларга азият бермасдан, саломга алик олиб, амри маъруф ва наҳий мункар қилиб ўтиринглр.

57. Гумондан сақланинглари! Зеро у ёлғон гапдан иборатдир. Бир-бирингизни текшириб, жосуслик қилманглари. Мол-дунё учун мусобақа қилманглари. Урталарингда ҳасад, адоват ва аразлар бўлмасин. Аллоҳнинг ўзаро биродар бандалари бўлинглар. Биров қўйган совчи устига, то улар ўзаро битишгунча ёки тарк қилишгунча, совчи юборманглари.

58. Савдо-сотикда кўп қасам ичишдан сақланинглари. Зеро у олдин кўнайтириб, сўнг барбод қилади.

59. Исломда эҳсон деб Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилишга айтилади. Агар уни кўрмасанг, у сени кўриб тургандек ибодат қил!

60. Одамларнинг руҳлари (одам яратилишдан олдин) бамисоли бир тўп лашкар бўлганлар. Улардан қай бирлари бир-бирлари билан кўришиб танишган бўлсалар, ўшаларнинг эгалари бу дунёда дўстлашурлар. Қай бирлари бир-биридан узоқлашган бўлсалар, уларнинг эгалари ҳам ўзаро йироқ муносабатда бўлурлар.

61. Изн уч мартагача сўралади. Агар изн берилса, кир, йўқса қайтавер!..

62. Барча яхшилиқ—хушхулқликдадир. Барча гуноҳ ва ёмонлик—дилдаги ғашлик ва одамлар кўзига уятли ишдадир.

63. Яхшилиқ—нафсинг таскин топиб, дилинг ором оладиган лшдир. Ёмонлик ёки гуноҳ эса—унинг аксидир, гарчи муфтийлар фатво берсалар ҳам ўз қалбингизга қараб иш тутинг.

64. Барака отларнинг ёлларидадир.

65. Узаро савдоллшувчилар то ажралишгунча ихтиёрлидирлар (савдо бузиш ҳуқуқига эгадирлар). Ҳар иккиси тўғри сўзлаб, мол айбини ошқора айтаб савдо қилсалар, савдолари баракали бўлур. Агар ёлғон гапириб, мол анбини яширсалар, савдо баракаси йўқолур.

66. Уч тоифа кишилар бордирки, Аллоҳ таоло қиёмат куни улар билан сўзлашмайди ва уларга раҳмат назари билан боқмайди, уларнинг гуноҳларини ҳам кечирмайди, балки уларга қаттиқ азоблар беради:

1) Саҳрода ортиқча сувини бошқа йўловчилардан аяган одам.

2) Асрдан кейинги улуғ бир соатда ўз молини бунчага сотиб олганман деб Аллоҳ номи билан ёлғон қасам ичиб сотувчи одам.

3) Уз подшоҳи билан дунё умидида аҳдлашган, агар ундан фойда кўриб турса, аҳдига вафо қилиб, фойда кўрмаса хиёнатга ўтадиган одам.

67. Уч тоифа кишилар бордирки, Аллоҳ таоло қиёмат куни улар билан сўзлашмайди ва уларга раҳмат назари билан ҳам боқмайди ва гуноҳларини кечмайди, балки уларни қаттиқ азоблайди:

1) Кекса бўлатуриб, зино ишларидан қайтмаган одам;

2) Ёлғончи подшоҳ;

3) Мақтанчоқ камбағал.

68. Молу дунёингдан учдан бирини садақа қилишинг мумкин, лекин шу ҳам кўп, зеро меросхўрларингизни одамларга муҳтож қилиб, камбағал ҳолда қолдириб ўтганингдан кўра, бой ҳолда кетганингиз яхшидир. Шунини билиб қўйки, Аллоҳнинг ризолиги йўлида ҳар бир қилган нафақангиз учун ҳатто хотинингиз оғзига солиб қўйган луқма учун ҳам ажр олурсан.

69. Жаннат қининчиликлар билан, дўзах шаҳватлар билан уралгандир.

70. Ҳар бир мусулмондаги Аллоҳи таолонинг ҳаққи ҳар етти кунда бир марта бутун аъзосини ювиб, ғусл қилишлигидир.

71. Уруш ҳийла ва макрдан иборат.

72. Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам аниқ бўлди. Улар ўртасида шубҳали нарсалар бор. Кўп одамлар буни билмайдилар. Кимики шубҳали нарсалардан сақланса, динини ҳам, обрўсини ҳам пок сақлаган бўлади. Кимики шубҳали нарсаларга тушиб қолса, ҳаромга ўтиб кетиши ҳам мумкин. Гўёки чўпон каби, у қўйларини заҳарли ўт атрофида ўтлатиб юрган бўлса, подаси заҳарли ўтдан еб қўйиши мумкин. Билгинки, ҳар бир подшоҳнинг қўриқхонаси бўлгани каби Аллоҳнинг ҳам тақиқлаб қўйган ҳаром нарсалари бор. Билгинки, инсон жасадида бир гўшт парчаси бор,

агар у соғлом бўлса, бутун жасад ҳам соғломдир, агар у бузилса, бутун жасад ҳам бузилади. Билгинки, у инсон қалбидир.

73. Ҳаётнинг бутун вужуди яхшидир.

74. Ҳаё—доимо яхшилик келтиради.

75. Имкониятларинг ва тоқатларингга яраша амалда бўлинглар. Сизлар чарчайсизлар, лекин Аллоҳи таоло зинҳор чарчамайди.

76. Беш хил зарарли жониворни ҳамма жойда ўлдириш мумкин: илон, ола қарға, сичқон, қопағон ит, калхат.

77. Имомларингизнинг яхшилари шундай кишиларки, сизлар уларни, улар сизларни яхши кўриб, ўзаро дуо қилишиб юрадиганларингиздир. Имомларингизни ёмонлари эса сизлар уларга, улар сизларга нисбатан бузғу адоватда бўлиб, бир-бирларингизни қарғашиб юрадиганларингиздир.

78. Муслмонларнинг яхшиси—унинг қўли ва тилидан бошқалар озор топмайдиганидир.

79. Берилган нарсани буюрилган жойига розилик билан тўлиқ ҳолда берадиган ишончли муслмон хазиначи ўз ёнидан садақа қилган билан баробардир.

80. Хола ҳам ҳурмат бобида она билан баробардир.

81. От—уч киши учундир. Бири савоб, бири парда ва яна бири гуноҳдир. Савоблиси шуки, киши уни Аллоҳ йўлида (жиҳод учун), ўтлоқда ёки уйида боқса, унга савоб ёзилур. Утлаши учун уни яйлавда ёки ўз боғчасида боғлаб қўйса, арқони етган жойигача савоб ёзилаверади. Борди-ю, у арқонини узиб, бир-икки довон кетиб қолса, йўлдаги изи ва тезаги учун ҳам савоб ёзилаверади. Агар қочиб бориб бирон дарёдан ўзича сув ичса, бунга ҳам савоб ёзилаверади. Бойиш ва ҳожати, зориқмаслик учун боқиб, уни парвариш қилиш ва минишдаги Аллоҳнинг ҳаққини унутмаган бўлса, унга шу от дўзахдан парда бўлади. Агар киши уловини фахр ва риё учун ҳамда аҳли исломга қарши ҳаракат учун боқса, бу билан унга гуноҳ ёзилаверади.

82. Пашша калласичалик нарса бериб бўлса—да, гадойни қуруқ қайтарма.

83. Қайси бир киши қишлоқдаги биродарини кўриш учун йўл олса, Аллоҳи таоло унинг йўлига бир фариштани қойим қилиб қўяди. У йўловчидан: «Қаерга борурсан?», — деб сўрайди. У: «Мана шу қишлоқдаги биродаримни кўргани борурман»,—деб жавоб беради. Яна сўрайдики: «Сенга унинг бирор ато этган неъматлари борми?» У: «Йўқ, лекин мен уни Аллоҳ йўлида дўст тутаман»,— деб жавоб берди. Шунда фаришта: «Мен сенга Аллоҳ томонидан юборилган элчидирман. Сен биродарингни қанчалик яхши кўрсанг, Аллоҳ ҳам сени шунчалик яхши кўради»,—деган сўзни сенга айтгани келдим деди.

84. Муслмон кишини ҳақоратлаш гуноҳ, уни ўлдириш эса куфрдир. Тўғри бўлиб, бир-бирларингиз билан ўзаро яқинлашиб, ушбу хушxabарни эшитиб олинглар: «Ҳеч бирларингизни бу дунёдаги қилган амаллар жаннатга олиб киролмайди. Ҳатто мени ҳам. Балки Аллоҳ таолонинг ўз раҳмати ва мағфирати билангина охират неъматларига эришурмиз».

85. Бева хотинларга ва мискин-бечораларга ёрдам берувчи киши, гўё Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчи ёки кечалари ибодат ила қоиму, кундузлари рўза ила соим юрувчилар билан баробардир.

86. Ҳар бир муслмон кишига итоат этишлик вожибдир. Хоҳ у буни ёқтирсин, хоҳ ёқтирмасин. Башарти маъсият (гуноҳ) амалларга буюрилмаган бўлса. Мабодо гуноҳ ишларга буюрилса, итоат қилишлик йўқ.

87. Бир кишилик таом 2 кишига кифоя қилади. икки кишилик овқат 4 кишига, тўрт кишилик эса 8 кишига кифоя қилади.

88. Қасал кўргани борувчи одам гўё жаннат боғида юргандек бўлур.

89. Ўнта нарса баданга тегишли суннатдир:

1) Мўйлабни қисқартириш;

2) Соқол қўйиш;

3) Мисвок тутиш;

- 4) Бурунни сув билан чайқаш;
- 5) Тирноқни олиш;
- 6) Бўғим ва ковак ораларини ювиш;
- 7) Қўлтиқ юнгини юлиш;
- 8) Киндик ости мўйларини тозалаш;
- 9) Нажосат махражларига сув сепиш;
- 10) Хатна қилдириш.

90. Ҳар бир мусулмон кишига садақа қилиш вожибдир. Агар садақага нарса тополмаса, қўли билан ишлаб, ўзига ва садақага нарса топсин. Унга ҳам қурби етмаса, муҳтожларга ёрдам берсин.

Уни ҳам қилолмаса, одамларни яхши амалларга буюрсин. Уни ҳам қилолмаса, ёмонликлардан сақлансин, шу билан ҳам садақа қилганнинг савобини топаверади.

91. Эҳсон қилган нарсасини қайтариб олиш гўё қусган нарсасини қайтиб еган билан баробардир.

92. Аллоҳ таоло айтади: «Одам фарзанди менга азият бериб, замондан шикоят қилади. Ваҳоланки замоннинг эгаси мендирман ва уни кечаси ва кундузига айлантириб тураман. Қачонки хоҳласам, уни тўхтатиб қўйишим ҳам мумкин».

93. Аллоҳ таоло айтадики: «Раҳматим ғазабимдан зиёдадир».

94. «Аллоҳга имон келтирдим», дегину, сўнг тўғри бўл!

95. Аллоҳ йўлида жон берган кишининг қарздан бошқа ҳамма гуноҳлари каффорат қилинади.

96. Бир киши одамларга қарз бериб юрар ва хизматчиларига айтардики: «Камбағалларнинг қарзларини кечиб юбораверинглар, шояд Аллоҳи таоло ҳам бизларнинг гуноҳларимизни кечириб юборса». Шундан кейин у ўлгач, Аллоҳи таоло унинг гуноҳларини кечиб юборган экан.

97. Фисқ-фасод ишларни ошкора қилувчилардан бошқа умматларимнинг ҳар бирлари офият ва хотиржамликдадирлар. Гуноҳни ошкора қилиш деб, киши кечаси бирор гуноҳ иш қилиб, тонг оттиргач, мақтаниб, мен кечаси ундай иш қилдим, бундай иш қилдим, дейишига айтилади. Ваҳоланки, Аллоҳи таоло унинг айбини парда билан яшириб турган эди. Гуноҳкорнинг ўзи бу пардани очган бўлади.

98. Ҳар бир нарса қазою қадар билан бўлади. Ҳатто ожизлик ва зийраклик ҳам.

99. Сизларнинг ҳар бирингиз бамисоли чўпондирсизлар ва ўз қўл остиларингиздагиларга масъулдирсизлар. Подшоҳ ўз фуқароларига, эр ўз аҳли аёлига, хотин эрининг уйига, ходим ўз хожаси молига, фарзанд ўз отаси мулкига масъулдир. Демак, ҳар бирларингиз масъулдирсизлар.

100. Арқон олиб, тоққа чиқиб, ўтин териб келиб, уни сотиб еб ва садақа қилган одам, тиланчилик билан кун кечиргандан яхшидир.

101. Одамларнинг қалби қозон қайнаган вақтдагидан кўра ҳам ўзгарувчанроқдир.

102. Ўлим тўшагида ётган биродарларингизга «Ло илоҳа иллоллоҳ» калимасини эшиттириб ўқиб турунглр.

103. Кучлилик—кураш тушиб йиқитиш билан эмас, балки ғзаби келганда ўзини боғиб олишдадир.

104. Бойлик молу дунёнинг кўплиги билан эмас, балои нафснинг тўқлиги биландир.

105. Одамларни мурасага келтириш учун уларга яхши гапларни ташиган киши ёлғончи ҳисобланмайди.

106. Ҳар бирларингиз намозни тетик ва ҳушёр ҳолда ўқинг. Агар дангасалигингиз ёки ялқовлигингиз тутиб қолса, намозни тўхтатиб то тетиклашгунча кутиб ўтиринг.

107. Мен ўзимдан кейин эркаклар учун аёллардан кўра зарарлироқ фитна манбаини

қолдирмаяпман.

108. Васиятга арзигулик бирор нарсаси бўлган мусулмон икки кеча ўтказмасдан васиятномани ёзиб (уййсин).

109. Қайси бир мусулмон ўз биродари ҳақиға ғойибона дуода бўлса, бир фаришта бу бандага: «Сенга ҳам шундай бўлсин», деб туради.

110. Мўминлап ўзаро дўстлашишда раҳму шафқатда ва меҳру оқибатда гўёки бир тананинг аъзоларидир. Унинг бирор аъзоси оғрива, унга қўшилиб қолган аъзолари ҳам бедорлик ва ҳарорат билан алам чекади.

111. Менга нисбатан сизлар гўё ёқиб қўйилган ўтга ўзини ураётган парвона ва чигирткалар кабидирсизлар. Мен сизларни ўтга тутишдан сақлаш учун белбоғларингдан ушлаб қанчалик тортмайин, сизлар қўлимдан чиқиб кетиб, ўзларингни ўтга ташлайверасизлар.

112. Кимики бизнинг бу динга доир ишимизда ўзича янгилик жорий қилса, у рад қилинади.

113. Кимики биз бирор амалга тайин этиб қўйганимиздан кейин у нина миқдориди ва ундан ортиқ нарсани биздан яшириб ўзлаштирмақчи бўлса, қиёмат куни шу олган нарсаси билан хиёнатчи бўлиб туради.

114. Кимики бир мусулмон қулни озод қилса, унинг барча аъзолари баробарида унинг ҳам аъзоларини дўзахдан қутқаради.

115. Кимики бирор ерни зулм билан ноҳақ эгаллаб олса, қиёмат куни Аллоҳи таолони ўзига нисбатан ғазабнок ҳолда учратур.

116. Кимики менинг номимдан тўқилган ҳадиснинг сохталигини билиб туриб ривоят қилса, демак у ёлғончиларнинг ёлғончисидир.

117. Сизларнинг қай бирингиз бирор жинойят ёки гуноҳ иш қилаётган одамни кўрсангиз, уни аввало қўл билан қайтаринг. Бунга имкон бўлмаса, тил билан қайтаринг. Бунга ҳам қодир бўлмасангиз, дилингизда нафратланиб туринг. Лекин бу учинчиси иймоннинг заифлигидан далолатдир.

118. Кимики бойиш мақсадида одамлардан тамагирлик қилса демак жаҳаннам ўтидан ўзи учун насиба тайёрлаган бўлади. Уни кўпайтириш ёки озайтириш қанчалик тама қилишига боғлиқдир.

119. Кимики ходимини йўқ айби билан ноўрин ҳақоратласа, қиёмат куни унга ҳад урилади. Унда бор айби билан ҳақоратлаган бўлса, зарари йўқ.

120. Кимнинг иймони Аллоҳга ва охират кунига содиқ бўлсаг қўшнисига яхшилик қилсин, меҳмонни иззат-икром қилсин ва гапирса фойдали гап гапирсин ёки жим юрсин!

121. Кимики менинг номимдан ёлғон ҳадис тўқиб тарқатса, дўзахнинг хоҳлаган еридан ўзига жой танлайверсин.

122. Биродари билан бир йил аразлашиб юриш—унинг қонини1 тўкиш билан баробардир.

123. Мўмин мўмин билан бамисоли ўрта деворлари бир бўлган, ёнма-ён қурилган уйларга ўхшаб, бир-бирларини тутиб туришлари керак.

124. Икки киши бир-бирларини ҳақорат қилабошлаган бўлсалар, улардан қай бири биринчи бошлаган бўлса-ю, башарти бу-ниса ҳақоратда ундан ўтказиб юбормаган бўлса, гуноҳи ўшанга бўлади.

125. Ҳақиқий мусулмоннинг қўлидан ҳам, тилидан ҳам мусулмонлар озор топмайдилар.

126. Қабрдаги маййит қолган аҳли аёл ва қариндошларининг дод солиб йиғлашлари сабабли азобланади.

127. Ғайридинлар билан тузилган аҳдимизга вафо қиламиз ва шу билан бирга Аллоҳи таолодан ғалабамиз учун мадад сўраб ту-рамиз.

128. Расулulloҳ ўзини одамлардан четга олиб, хилватда зоҳид-лик қилишдан ман этганлар.

60

129. Расулulloҳ жангларда аёлларни ва норасидаларни қатл этишни ман этганлар.

130. Бахилликдан ёмон иллат йўқ.
131. Уқ отиш машқида жонли нарсани нишон қилиб қўйманглар!
132. Замондан койинманглар, зеро замоннинг эгаси—Аллоҳдир!
133. Қабр ёнидан ўтаётган одам ҳаётдан тўйганлигидан кошки шу қабрдаги маййит (мурда) ўрнида мен ётсам»,—дейдиган замон келмагунча қиёмат қойим бўлмайди.
134. Аллоҳга гуноҳкор бўлинадиган ишга ким буюрмасин, итоат қилинмайди.
135. Дин аҳкомларини халққа осон қилиб кўрсатинглар, қийин қилиб кўрсатмапглар. Уларга Аллоҳнинг ваъдаларидан гагаириб башорат беринглар, азобларидан кўп гапириб, безитиб қўйманглар!